

ИККИ ДУНЁ ОРАСИДА

Хар бошланган замоннинг битиши бор. Ийшага «Меҳмонимиз келяпти» дедим. Ийша дояларга югурди. Қуддуснинг доялари машхур эди. Доялик баракали, хайрли иш эди. Кеча демай, кундуз демай, чарчаганмиз, бемормиз дея шикоятга тушмай, ҳар қайси туғруққа чопишарди. Ҳар қайси туғруқнинг бир тилсими борлигини ва ҳар бир туғилиш, оламнинг туғилиши эканини яхши билишарди. Туғруқлардаги илоҳий тажаллига гувоҳлик қилардилар. Шу боис, туғруқ Қуддус дояларининг маънавий нашъасида бошланғич нуқта эди. Ҳар бир туғруққа ана шу хушуъ, ана шу ҳаяжон билан етишардилар.

Менга мутлақо бошқа бир энтикиш билан келдилар. Байтул Макдиснинг улуғларидан ҳисобланган Имроннинг фарзанди туғилаётган эди. Етим бир гўдакнинг дунёга келиши, ўша етимни биринчи бўлиб қўлга олиш савоби уларни янада тўлқинлантириб юборганди. Бизга кексайганимизда берилган бир дилбанд бўлиши эътиборидан унга ажиб бир маънавийт юкланаётган эди. Унинг тилсими Иброҳим пайгамбар билан кампири Сорага берилган авлод тилси-

мига ўхшарди.

Етти доя чексиз бир хаяжон билан атрофимда турди. Етти самонинг калитини олиб келгандек эдилар. Олдимда гўё етти қат ер, етти осмон очилди. Етти жаннат томошага кўйилди. Хурлар нур юзлари билан салом бердилар. Етти доя нашидалар ила дуолар ўқишди. Уй ичида таърифга сиғмас ойдинлик пайдо бўлди. Олами арвоҳ йўловчиси она деб аталган сирот кўпригидан дунёга келди.

Туғилиш тантана эди. Туғилиш икки оламнинг онада учрашиши эди. Шу сабаб она фожиада яшарди. Туғилиш Аллоҳ етишиши они эди. Бу онда онанинг тортган дарди ваҳийнинг оғирлигидаги машаққатга ўхшарди. Бу лаҳзани вужуддаги оғриқни ҳис қилиб эмас, Аллоҳ билан пардалар ортида роз айтиш билан ўтказиш керак эди. Мен ҳам шундай қилдим.

Туғиш аёлга берилган қурбат имкони эди. Асмой хуснанинг аёлдаги зухури, уни англаш фурсати эди. Фарзандим бошқа бир оламдан юборилаётганди. Ўзимни барзахдек ҳис қилдим. Юборганга юқиндим.

У йўқдан бор қилади.

Зикр қилдим:

– Ё Холик!

Бир томчи сувга ҳаёт бахш этади.

Зикр қилдим:

– Ё Ҳайй!

Лаҳта қонга жон беради.

Зикр қилдим:

– Ё Муҳйи!

Билмаган бир кишим учун менга муҳаббат ва шафқат юборди.

Зикр қилдим:

– Ё Роҳийм. Ё Вадуд!

Бутун раббоний пардалар исмма-исм кўтарил-

ган бу онда шайтондан узок бўлиш учун зикр қилдим. У лаънати бу хузурбахш лаҳзани кўрмасин дедим. Тўккиз ой зикрларим билан уни фарзандимдан узоклаштиргандим.¹

Туғурук билан зикрларим қурбатга тутинаётган эди.

Туғиш қоинотнинг онада такрор яратилиши эди. Роббимни ҳамма фаришталар билан зикр қилдим. Қоинотнинг зикрига кирдим. Болам дунё остонасида эди.

Она барзаҳда эди.

Икки олам ўртасида эканимни билардим. Танзим икки олам орасида, қалбим нариги дунёга қадам қўйганди. Юзимда маъсумлик нури. Доялар ёққан татқиларнинг иси уйнинг маънавий ҳавосини янада ёқимли қилганди. Уй малакларнинг қанот қоқишлари ҳам эшитилар даражада чуқур суқунат қўйнига окканди.

Тилим зикрда қалбимга уйғунлашган, руҳим қоинотга сиғмай қолди. Охират оламлари, малаклар олами, ҳали борлиққа келмаган руҳлар зикрда эдилар. Боламнинг ҳар они зикрда эди.

Етти доя зикрда эди. Гўдак дунё эшигида эди. Етти доянинг ҳаммаси барабар зикр қилди:

– Аллоҳу Акбар! Аллоҳу Акбар!

¹ Саъид ибн Мусайяб Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Тўғилган бола борки, тўғилаётган пайти шайтон унга тегади ва шайтон унга теккани учун қичқириб, овоз чиқаради. Фақат Марям ва унинг ўғли бундан мустасно”, дедилар”. (Олтин силсила: “Саҳиҳул Бухорий” – 5, с. 624.)

ҚИЗ

Коинот – инсонда мужассам килинганини туғишда билдим. Туғиш аёл учун валийлик сирига эришиш они экан. Йиллар дақиқада ўтказиларкан.

Роббимла орамдаги пардалар бир-бир тўпланди. Асмой хуснанинг бари руҳимда акс этди. Шу боисми, она туғруқдан кейин барча гуноҳларидан покланарди? Гўзал исмларнинг тажаллисидаги сир бола туғиларкан онани куршаб оларди. Фарзанд дунёга келганда онанинг бахтиёр бўлиши шунданмикин?

Боламнинг йиғи товушини кутдим. Йиғламасди. Ёки унга нимадир бўлдим?! Ичим титради. Имронни эсга олдим. Эримнинг хотираси, Роббимга армуғоним. «Ёки...»лар тилимдан тўкилмади. Қулоғим йиғи кутарди. Хавотир тилимда чиқариш бўлди. Фарзандим каби жим бўлдим.

Доялардан бири пичирлади:

– Муборак бўлсин, Ҳанна!

Ичимдаги титроқ кетди. Демак, болам яшаяпти, лекин йиғламасди. Билдимки, у дунё учун кўзёш қилмайди. Дунё уни йиғлатолмайди.

Севиндим.



Етти доя бироз сукутда, бироз беҳаловат эдилар.
 – Ханна, кизли бўлдинг, – дейишди.
 Ичимда бир тахирлик кўзғолди. Қиз ўғил эмас.
 Қизлар Байтул Макдисга тақдим қилинмайди. Ҳолбу-
 ки, мен унга ўғил болаларнинг исмини кўйгандим.
 Уни Роббимга атагандим. Исмининг маъноси «Ал-
 лоҳга абадий қуллик қилувчи» эди. Отини қандай
 қилиб ўзгартардим? Ҳеч йўқ исми шундоқ қолиши
 керак эди. Дояларга сўз очдим:

– Марям!

Улардан энг каттаси меҳрибонлик билан бошим-
 ни силади:

– Ханна, ўзгартир, бир киз исмини топамиз.

Одамларга бир нарса дейишни Аллоҳга эътироз
 деб билардим. Ёқуб пайғамбар «Мен дардларимни
 Аллоҳга айтаман» дер ва жим бўларди. Дардим соҳи-
 бин эшигига чопдим. Рухим йиғларкан, қалбим тил
 бўлиб тўкилди:

– Роббим, мен киз кўрдим. Қиз бола ўғил бола
 каби бўлмайди.

Қиз ожиз.

Қиз заиф.

Қизнинг қалби нозик, юраги тез оғрийди.

Қиз руҳияти зариф, дарров синиб қолади.

Қиз шафқатлидир, шафқат кўришни хоҳлайди.

Қиз марҳаматлидир, марҳаматга эҳтиёж сезади.

Қиз нозаниндир, ноз қилади.

Қиз асралишни, машаққатлардан узоқ бўлишни
 истайди...

Қалбим сўз бўлиб Унга оқаркан, руҳим Унинг
 остонасига бош уриб, йиғлаётганди.

Етти доя юзимга мурувват билан қаради. Сўз де-
 май, кўнглимга шафқат улашдилар. Бир сарғайган
 кўзимдан оққан ёшларни бир она қўли билан артди.

Менга меҳрибонлик ила боққан дояларга шундай дедим:

– Исмни ўзгартирмайман, унинг оти Марям.

Йигитлик ниятида Марям.

Лаънати шайтондан узоқ бўлиши учун Марям.

Кўп ибодат қилиши учун Марям.

Юрагимнинг назри бўлгани учун Марям.

ЎГИЛ БОЛА НИЯТИДА...

Хар тугрукда коинот кайтадан яратилармиш. Шундан ўша кутлуғ соатнинг хаяжони ҳам-манинг қалбига тушаркан. Олам онада тўхтаркан. Асмой хусна онада зухур қиларкан. Тўккиз ойлик зикр йўлдошим ниҳоят кучоғимда эди. Марям йиғла-масди, сокин эди. Марям сирли эди. Кўксимда нима-дир сизилди. Марямнинг ризки эканини англадим.

Зикр қилдим:

– Ё Раззоқ!

Боламни бағримга олдим ва унга пичирладим:

– Мана, болам, Унинг эшигига олиб боряпман сени.

Роббимга сиғиндим:

– Аллохим, ожизлигимиз билан, фақирлигимиз билан остонангга келдик. Бу ожиз бир гўдак, мен ун-дан ҳам ожиз бир она. Қалб эшигимиздан чиқиб, Се-нинг улуғ даргоҳингга баробар юкиняпмиз.

Бу нима?! Сут тошиб келяптими?!¹

Худойим-е, Марям Раззоқнинг кўлидан олишни ўрганияпти. Ичим бошқача дуолар, ёлворишларда...

¹Бола туғилар-туғилмас онанинг кўксига берилиб, "Раззоқ" исми ила дуо қилинса, онанинг сuti кўп бўларкан.

Имрон «Бола туғилганда назр қил, қиз бўлиб қолса-чи?» – деганди. Ҳақли чикди. Майли, мен назримдан қайтмайман, худди исмини ўзгартирмаганимдек.

Бир неча кун ўтди, тузалиш ўрнига аҳволим ёмонлаша бошлади. Қалбимга «Ўлсам, ҳадямни ким етказди?» деган кўркув тушди. Болани дарҳол ўз жойига олиб бориш керак эди.

– Ийша, қани, кетдик.

Синглим менга жимгина боқди. Нима деса ҳам, бекор кетишини англади. Армуғонимни Роббимга бериш учун йўлга тушдим. Мажолим қолмаганини янада кўпроқ ҳис қилдим. Қадамларим дунёдан узилган эди.

Қариганда кўзи ёриган она аста одимлаб борардим. Қалбим Роббимда, тилим Унинг зикрида эди.

Байтул Макдиснинг эшигига келдик. Оёқларимда дармон қолмаганди. Ийша эри Закариёни чақирди. Кексалик шафағи бошини тутган поччамга ҳурмат билан қарадим. У ҳам менга шафқат ва меҳрибонлик билан боқди. Иккимиз ҳам нима дейишимизни билардик. Мен қизим Марямни Байтул Макдисга тақдим қилишимни айтаман. У эса аввал қиз болалар олинмаганини сўзлайди.

Иккимиз ҳам оғиз жуфтламадик. Тақдир дафтарида гаплашдик. Закариё қисматни ўқиш учун муроқабга тушди. Мен дуода эдим. Қалбим Унинг остонасида чорасизликдан ҳиқиллаётган эди:

– Роббим, мен қиз туғдим-ку!!! Ва ўғил қиздек эмас. Ва мен унга «Марям» деб ном қўйдим ва, албатта, мен Сендан унга ва унинг зурриётига шайтонир рожим шарридан паноҳ тиларман.²

Закариё пайғамбар ҳануз муроқабда эди.

Вақт тўхтаб қолди.

² Оли Имрон сураси, 36-оят

Борлик бир ерга тўпланди. Закариё замондан айрилди, макондан чиқди, такрор бизнинг лаҳзамизга қайтганида:

– Хушхабар, эй Ҳанна! Роббинг назрни қабул қилди. Уни гўзал ниҳолдек ўстиради. Мени унга кафил қилди, – деди.³


Марьям қабул қилинганди.

Ўғил бола ниятида.

Марямим ҳам киз, ҳам ўғил. Ҳам она, ҳам ота. Болам Закариё пайғамбарнинг қўлларида эди. Дилбандимни Роббимга олиб борувчи йўлдаги пайғамбарга топширдим. Роббимнинг тарбиясига бердим. Оёқларим дунёни босолмас, баданим бошимни кўтаролмас, руҳим бу тор оламга сиғмасди. Зикрим, шукрим энди бу ердаги қурбатга таҳаммул кўрсатолмай қолди. Васл ҳаяжони ичимдаги фироқнинг битишини муждалаётган эди.

Энг муҳим омонатимни бергандим. Навбат жон омонатида эди. Ўлим фариштаси руҳимга тегганини сездим. Шукр қилдим. Кўзим ёриганди. Роббим менга шаҳодат берарди. Руҳим Роббимга қанотланар экан, таним синглимнинг қўлларида эди. Ийша жигаридан айрилишнинг маҳзунлигидан кўрқаркан, ёшли кўзлари билан эрига қараб-қараб қўярди.

³Оли Имрон сураси, 37-оят



ИККИНЧИ БЎЛИМ

КАЛОМИ ИЙША

«Бас, уни Робби жуда яхши қабул қилиб, ниҳоятда гўзал ўстирди ва Закариёни унга кафил қилди»

(Оли Имрон сураси, 37-оят).

ЎКСИЗ

Бир опам Ҳаннага қарадим, бир Закариёнинг кучоғидаги гўдакка қарадим. Опам икки омонатни бир вақтда эгаларига топширганди.

Закариёнинг кекса, нуроний чехрасида маънавий хузурнинг табассуми, таваккулнинг сукунати бор эди.

Марям етим эди, энди ўксиз бўлди. Ичимда «Улуғларнинг тақдири» дедим. Буюкларни Аллоҳ тарбия қилади: на она, на ота. Марямга маҳзунлик билан бокдим. Энди опамни Марямда кўраман.

Марям ўксиз эди.

Ўк – она дегани. Ўксиз – онасиз.

Ўк – боғловчи дегани. Она дунёга робита эди. Ўксиз дунёда кўприксыз қолган кимсадир.

Ўк – юрак дегани. Ўксиз дунёга юраксыз бўлади, юраги нозиклашади.

Ўк – ақл, тушунча дегани. Ўксиз дунёга ақлини бермайди, унинг ҳайрони бўлади. Охират аҳли дунёнинг кетишидаги сирни англамайди, фақат ҳайратланади. Роббидан айрилган киши энг ачинарли ўксиз эди.

Марям Роҳийм исмининг сояси бўлмиш она марҳаматидан олиниб, ўша соянинг ўзига топширилди.

Марям онасиз, уйсиз, дунёсиз эди.

Марям ҳамма «ўк»лари кетган бир ўксиз эди.

Закариё ичимдан ўтганларни ўкиди. Таваккулни асо қилган туриши билан:

– Ийша, – деди, – ундай тушунма. Марям туғилар-туғилмас ҳар қандай фонийликни ўзидан айирди. Ҳақиқийсига тутинди. Уни Ҳақнинг Ўзи тарбия қилади. Биз фақат унинг ҳомийси кўринишида бўламиз.

Закариё тўғри гапирарди. Робби уни ҳеч кимга қолдирмади. Яхши кўрилганди, бўлишилмаганди. Йиллар армони сарғайтган кўзларим Закариёга тушди.

Ҳаммасини билардим, лекин билганинг билан тасалли топиш шунчаки иш эмас. Изтиробнинг таскин дастрўмоли замоннинг кўлига берилганди. Ҳодисаларни қисматга, қисматни вақт дарёсига отиш керак. Шундай қилдим. Кучоғимдаги ўксиз ва етимни меҳр билан ўпдим.

Кунлар эриётганди. Бу дамларда замон тезлашарди. Кун айриларкан қалбимга бир фироқ оғриғини кўйиб кетарди. Бу онларда ҳижрон томчиларди ичимга. Кўнглим маҳзунлик билан туташарди. Бугун гўёки кун қалбимга ботди, ичимга оқдим. Кун буриларкан, уфқда руҳимнинг даҳлизлари бир-бир очилди. Оқшомнинг ғамгин сояларига тахир ёлғизлик тушди.

Сескандим...

Бошқа бир кунботишнинг айрилиғи ичида торткиланаётгандим. Опам Ҳанна онам каби эди. Унинг йўқлигини кучоғимдаги гўдаги билан кетказишга уринаётгандим. Бўғзимда яна ҳижроннинг қичқириғи туриб қолди. Нима учун оқшом бутун фироқларни

тўплаб келади?..

Закариёнинг шафкатли овози билан айрилиқларни нари қилдим.

– Ийша, Марямнинг парваришига бошқалар ҳам талабгор.

Закариёдан жавобни жимгина кутдим.

– Байтул Макдисдагилар Марямнинг хомийси бўлишни хошлашяпти.

Фитна бола туғилмай туриб бошланган эди. Туғилишни сеҳр дейишган. Энди Марямнинг маънавий йўлини кўриб, Масихнинг онаси бўлишни ўйлаб, унинг кафиллигини олиш пайига тушишди.

Закариёга: «Хола онанинг ярми бўлади», – дедим.

Биламан, дегандек бошини кимирлатди. Марям Байтул Макдисга қабул қилинганди. Энди болалик даври ўтгунча бир оиланинг қарамоғида қолиши керак. Биздан муносиброк ким бўлиши мумкин?!

– Аллоҳим, Сен буюксан! – дедим.

Мени кўниктириш истаги биланми, Закариё шундай сўз очди:

– Қуръа ташланди.

Ичимдаги фирок шунданмиди? Орамиздаги сукунатни Закариёнинг муборак каломи нари қилди:

– Марямнинг кафили бўлишни истаганлар қаламларини келтириб, бир жойга қўйишди.

Давомини фахмладим. Қуръанинг услубига кўра, ўсмир бўлмаган бола қаламлардан бирини танлайди. Роббимга ишончим ниҳоясиз эди. Шунда ҳам ҳаяжон ичида, юрагим устига қўлимни қўйиб сўрадим:

– Кимга чиқди?!

Закариё ҳар доимгидек таваккул ичида, ғазаб қўл теккизмаган майин овози билан жавоб берди:

– Роббим менинг қаламимни танлади. Фақат натижага рози бўлишмади. Яна бир марта қуръа ташлаб

синаб кўришмоқчи.

Бу куръани ҳам билардим. Энди қаламлар сувга ташланади. Чунки қалам Закариёни танир эди. Закариё Байтул Макдисда етмиш киши билан Таврот ёзарди. Қайсидир кун Байтул Макдисда Таврот ёзarkan, бир яхудий келиб шундай дебди:

– Агар сен ҳақ пайғамбар бўлсайдинг, кўлларинг билан Таврот ёзишга мажбур қолмасдинг. Сен ҳам қалам тутгансан. Бошқалардан қандай фарқинг бор?... Закариё хафа бўлибди. Жаброил алайҳиссалом келиб:

– Ё Закариё! Ўрнингиздан турунг. Қаламингизга буйруқ беринг, ўзи ёзсин, – дебди.

Закариё турган жойидан узоклашибди. Ҳамма ажабланиб қараб турганда, у қаламга ёзишни амр қилибди.

Аллоҳнинг суюкли пайғамбари айтади-ю, қалам тек турадимми? У тўхтовсиз ёза бошлабди. Шу тарзда тўлиқ ўн икки сура битилибди. Гувохлар иймон келтиришибди.

Ўша мўъжизадан кейин Закариёнинг қалами ҳаммиша итоатда бўлди. Ўзи ёзди.

Иш Закариё фойдасига юрганига севиндим. Тақдирнинг сирларини тушундим. Марям қалам билан имтихон қилинаётганди. Марямнинг сепига қалам, қисматиға илм тушганди.

ТАҚДИР ҚАЛАМИ

Тонг хайр билан отди. Закариё Байтул Макдисга кетди. Марямга хомийлик талабидаги-ди. Ҳамма хаяжонда. Марям ўзларига бўлиши учун дуо қилишарди. Чунки яхудийларга қирол бўлувчи Масих пайғамбарнинг келиши яқин. Ўша буюк пайғамбарнинг энг буюк мўъжизаси бокира аёлдан туғилади. Қуръа шартига кўра ҳамма ўз қаламларини олди. Бир ўғил бола билан Қуддус яқинидаги Жар ирмоғига тўғри йўл солинди.¹

Ажрим сувнинг қўлларига топширилди.²

Тортишувни сув тўхтатиши керак эди. Аллоҳ раҳмат ва поклик тимсоли бўлган сув билан Марямнинг қисматини билдирди. Унинг кафиллигига талабгор бўлган йигирма тўққиз кишининг Таврот ёзган қаламлари болақайнинг қўлларида тўпланди. Бола уларни сувга битта-битта отди. Кимнинг қалами чўкмай туриб қолса, ғолиб ўша бўларди.

Қаламлар сувда эди. Энг мақбул қалам эгаси раҳмат остида қолади.

¹ Жар ирмоғи: Урдун дарёси

² Оли Имрон сураси, 44-оят

Бир... беш... ўн... ўн беш... ўн саккиз... ўн тўккиз...
 йигирма тўккиз...³

Йигирма тўккиз калам сувга ташланди. Йигирма тўккиз ниятнинг софлиги сувда кўринди. Йигирма тўккиз киши Аллоҳ кимни қабул этишини сувда кутатди. Жар ирмоғи Марям қисматининг кўзгуси бўлди. Қаламлар чўка бошлади. Бири, яна бири, бошқадди, наригиси... Йигирма саккиз калам бир-бир ғойиб бўлди. Ҳайратдан катта-катта очилган кўзлар ботмаган бир қаламга тикилди.

– Чўкмаяпти!

– Озроқ кутайлик, балки у ҳам чўкар!

– Йўғе, чўкмаяпти-ку!

– Қара, ботиб боряпти!

– Йўк, яхшироқ қара!

Кутилди, кутилди... Хаёллар сувга тушди. Сув битта қаламни кўллари узра тутди. Ҳаммада бир хил савол:

– Қалам кимники?

– Чўкмаган бу қалам кимники?

– Пайғамбаримиз Закариёники.

Қуддусда қизларга қалам тақикланганди. Қизларга қалам ёзганини ўқиш ҳам мумкин эмасди. Марям қалам билан танланган қиз бўлди. Марямнинг тақдирига қалам тушди. Марям қалам билан ёзиши керак эди. Марям илмга юриши шарт эди.

Жар ирмоғидаги куръа битиб, Марям ўз ўрнини топганди. Энди Закариё Марямнинг кафили бўлгани ҳақида кафолатнома ёзилиши керак эди. Одамлар Байтул Мақдисга қайтишди.

³Баъзи ривоятларда киши сони 29, баъзи ривоятларда эса 40 нафар деб айтилган.

Кафолатномани ёзиш учун қоғоз келтирилди. Закариё қалам ва сиёҳдонни чиқармади. Ҳамма ажабланиб бир-бирдан сўрай бошлади:

– Закариё Марямнинг кафили бўлишдан воз кечдими?

Закариё қаламга тегмай ёзиши маълум. Қаламини олмади. Кафолатномани ёзишдан бош тортдими?

Савол юки билан боқишлар. Сукут. Ажабсиниб қарашлар жимлик деворида эди.

Фитна уя солган қалбда қизиқиш ва шубҳа бўлди. Шундай бўлмаса, Закариёнинг қалами билан мусобақа қилишармиди? Закариё сув устида юрса, оёғи хўл бўлмасди. Унинг оёғи остида бўйин эгиб, ўзини кўллари устида тутган сув қаламини тутмасдими? Барибир, куръа ташлашди.

Нафсларнинг хохиши эмас, Аллоҳнинг хохиши бўлганини Закариё биларди. Атрофидагилар нақадар фитнакор ва фасодчи эканини ҳам англади.

Закариё қоғозга фақат назар солди. Қоғоз устида на қалам, на қалам ушлаган кўл бор эди. Қоғозга қайдлар ёзила бошлади.

Адашишлар кўзлардан фол тоши бўлганди. Ҳайрат қалбларда оғрик эди.

Мўмин қалблар иймоннинг комиллик нуқтасида шукр ва зикрда эди. Аллоҳнинг мўъжизаси чегарасиз эди. Қалам ёзмас, ёздириларди.

Кафолатнома тайёр.

Марямнинг кафолатномасини Робби ҳеч бир сиёҳдон ва қаламга қолдирмай, Ўзи ёзганди.

Марям Робби тарбия қилган, ҳеч кимга бермагани эди.

Марям мўъжиза эди.

Куръа якунида баҳслар тўхтади. Тортишувчилар ўз қалблари билан жанжалга тушишди. Натижадан

уялганлар хомийлик сабабини сўзлашарди:

– Биз ҳам Марямнинг маънавиятидан насиба олишни, Аллоҳнинг бу муборак бандасига кафиллик қилиш шарафини топишни истагандик.

– Шундай, – деди Байтул Макдиснинг улуғларидан бири. – Ким истамайди бошлиғимиз Имроннинг кизи, Сулаймон ва Довуд пайғамбарларнинг набира-си Марямни.

Охири хайрли ва гўзал бўлди. Тортишмай, таваккул ва тақдирга таслимият билан туришимиз қарши тарафни уялтириб кўйганди.

Марям кучоғимизда, у билан олти йил қоладиган уйимизга тўғри юрдик.

Закариёнинг юзидаги нур кун бўйи кетмади.

Аллоҳ опам Ҳаннанинг юрак назрини менга берди. Хола – ярим она дегани. Ўзимнинг болам йўқ эди.

Қарадим, Закариё ҳамд айтяпти.

Мен ҳам Марямни қалбимга бостириб, Роббимнинг эшигига чопдим.

Марям – Аллоҳга абадий ибодат қилувчи дегани. Марям ибодатларимизга ибодат кўшди.

Замон зикр билан, шукр билан окди.

АЙРИЛИК

Вактнинг пешонасига айрилиқ деган қисмат ёзилган. Роббим вақт билан айрилиқни бир-бирига эш айлаган.

Келишини билганим, аммо қадамини хоҳламаган куним ниҳоят остонамда. Закариё:

– Ийша, Марямни тайёрла! – деди.

Айрилиқ муҳаббатни оширар экан-а! Марямни қанчалар яхши кўришимни англадим. Ичимга ўт тушди. Худойим-е, ҳасрат кўзларимга шунчалар тез кириб келди.

Марямнинг порлаб турган зайтун кўзларига боқдим. «Марям тайёр», дедим. Марям туғилмасдан аввал ҳозир эди.

Марям эгнидаги узун кўйлаги, бошидаги рўмоли билан фаришталар каби эди. Оппок юзларига нурдан ойдинлик тушганди. Кўлларидан ушладим. Закариё олдинда, биз унга эргашдик.

Юрдик.

Кекса бошини оқлик қоплаган муборак пайғамбар Закариёга қарадим. Уйдаги андишам йўқолди. Ичимга қандайдир ҳаловат чўқди. Биз пайғамбарнинг ортидан кетаётгандик. Албатта, Роббимиз қа-

дамларимизни хайрли қиларди.

Марям бир бошловчилик арафасида эди. Байтул Макдис тўрт юзта ўғил болаларнинг ибодат қилиб, Таврот ёзадиган жойи. Авваллари бу ерга ҳеч бир қиз қабул қилинмаган. Марям биринчиси бўлди.

Закариё менга қаради.

Марямнинг қўлларини қўйиб юбордим. У ёш болага ўхшамас, камолга етган виқорли инсонлар каби эди.

Закариё уни Байтул Макдиснинг бўш бир хонасига элтиб қўйди. Марям ана шу ерда қолиши керак эди ва унинг ёнига Закариёдан бошқа ҳеч ким қўйилмасди. Марям хилватга кирди. Олти ёшида узлатга чўкди.

Айрилдим.

Марямни бир хужрада ёлғиз қолдирдик. Бу ҳолга мантиқ билан қарай олмасдим, лекин Аллохнинг иродаси, Ўзи тарбия қилади, дейилиши билан ақлим қабул қилди.

Она қорнидаги болага таққослаб ўзимга тасалли берардим. Онамизнинг қорнида бир ўзимиз эмасмидик? У ерда Аллох таъминлаб, улғайтирмадими? Онамиз сабаб эди, омонатдор эди. Аллох гўёки Марям ила бу сирни ўргатаётган эди. Роббимиз гўдақларимиз воситасида ожизлигимизни ҳис қилдиришни, «меники» эмас, «Сеники» дейиш шуурини беришни хоҳлаган бўлса, не ажаб.

Улғайтирган мен эмас, Сенсан.

Юргизган мен эмас, Сенсан.

Тарбия қилган мен эмас, Сенсан.

Омонатдорман, эгаси Сенсан.

Марямни ҳақиқий Эгасига топширдим. Ичимга ёруғлик тушди. Уни Робби вояга етказувчи, тарбия қилувчи эди. Роҳатландим.

У «Наботи илохий» эди.¹

Кўнглимга инган бир дуодан фарах топдим:
«Роббим! Сулаймон ва Довуд пайғамбарларнинг
ва отам Масуннинг набираси, Имроннинг қизи, опам
Ханнанинг армуғони Марямни Сенга омонат қил-
дим».

Оналик туйғуларим янгидан кўзгалди. Боламдан
айрилганимни ҳис қилдим. Фарзандсизликнинг ач-
чик изтиробига тутилдим.

Шафкатим галанган, кўлларим узиб олингандек
эди. Бўш қолган қалбимни Роббимга очдим.

Рухим дуода, кўнглим айрилиқнинг дармонсиз
киладиган ҳасрати билан оёқ судрадим. Ичимга қалб
боғчасидаги ғунчанинг бевақт узилгандаги оғриғи
тушди. Вақт айрилиқ каби оқшом эди.



УЧИНЧИ БЎЛИМ

КАЛОМИ МАРЯМ

«Эй Марям, Роббингнинг ибодати-
да бардавлом бўл, Унга самда қил
ва рўқуъ қилувчилар билан рўқуъ
қил!».

(Сли Имрон сураси, 43-оят)

НАБОТИ ИЛОҲИЙ

Холам кетди. Закариё пайғамбарим билан шифтлари баланд бўлган Байтул Мақдиснинг тош йўлакларидан юрдик. Бир хужранинг олдида тўхтадик. Закариё пайғамбарим кўлидаги калит билан эшикни очди. Кимсасиз хужрада оромбахш ойдинлик қарши олди. Ёркин нур мени ичкарига даъват қилаётгандек. Закариё пайғамбарим:

– Марям, – деди, – мана шу ерда қоласан. Мендан бошқа ҳеч ким бу эшикни очмайди, ҳеч ким ёнингга кирмайди. Таомни ўзим келтираман. Аллоҳ шуни хоҳлади.

Табассум билан «Хўп», – дедим.

Закариё пайғамбарим эшикни ташқаридан кулфлаб кетди. У ёқ-бу ёққа назар солдим. Хона чиройли эди. Ичимга ажиб бир хузур чўкди. Онаминг кучоғида ётгандек эдим. Пайғамбаримиз Закариё ўша куни ўргатган дуоларни қайтара бошладим.

Бироздан кейин боқишларим деразага йўналди. Оқшом дераза ойналарида тебранаётган эди. «Аллоҳ қоронғиликни яратяпти», деганди Ийша холам. Қоронғиликни Яратганни ўйлай бошладим.

Онаминг орзуси ҳам, дуоси ҳам шу экан. Мени



ибодат қилсин деб, бу ерга бағишлабди. Туғилишимни шунинг учун хоҳлаган экан. Бу ерга аввал ҳеч бир қиз олинмаганмиш. Ийша холам бу ерга мени Аллоҳ қабул қилганини айтганди. Модомики, мени Аллоҳим қабул этди, мен ҳам Уни хушнуд қилишим қилишим керак.

Тун деразаларга қора пардаларини тортаркан, дуо қилдим:

«Роббим! Қалбимдан Ўзингни чиқарма. Ёнимдан ҳеч айрилма. Мени яхши кўр, мен ҳам Сени яхши кўрай».

Қўлларимни юзимга сурдим. Ажиб бир хузурнинг кўзларимга оқиб кирганини ҳис қилдим. Вужудим хушланди. Худди биров қўллари билан кўзларимни тўсди, устимни ўради. Юмшоқ бешик оғушида уйку тилсимига кириш арафасида эдим. Эшикни очиш учун итардилар. Турдим. Тахта эшик иккинчи марта уринганларида очилди.

Қаршимда иккита катта ҳайвон ва ҳеч кўрмаганим баҳайбат бир махлуқ турарди. Ичкарига киришди. Тўғри келиб ёнимга ўтиришди. Мен уларнинг қарши-сига ўтирдим. Уларни яхши кўрдим. Бу ерга қандай келганларига ажабландим. Улар учун қайғурдим.

Бироз аввал кўзларимга илашган уйқунинг қўли ковоқларимда турганини ҳис қилдим. Дуоларимни такрорладим.

Уйқуга кетдим...

Қаттиқ шовқин ва Закариё пайғамбаримнинг овози билан уйғондим. Закариё пайғамбарим ҳайратлар ичида эди, атрофдагилардан ғазабланаётган эди:

– Қандай бўлди? Бу қандай хиёнат? Бир кун ҳам ўтмай туриб шундай қилинадими? Бу қизча борасида гуноҳ эмасми? Ким қилди буни Имроннинг қизига?

Закариё пайғамбарни бунчалик аччиклантирган нарса нима эканига қизикдим. Мен кеча келган мусофирларимнинг орасида ухладим. Бунда ғазабланадиган нима бўлиши мумкин?

Пайғамбарим Закариё хануз бақираётганди:

– Бу илон ва арслонларни ким олиб келди бу ерга?

Ёнимда маъсум-маъсум ухлаётган ҳайвонларга қарадим. Демак, булар арслон ва илон экан. Булар ёмон нарсалармикин? Ҳолбуки, улар билан роҳат-роҳат ухладик. Менга ўртоқ бўлишди.

Овозимни чиқармай уйқунинг хуморида қарадим.

Ҳамма шошиб қолди. Байтул Макдиснинг қоимларию ходимлари келишди. Бари даҳшатга тушди. Ҳайратдан кўзлар катта-катта очилган, бир-бировидан сўрашарди:

– Марям илк кечани икки арслон ва илон билан ўтказибдими?!

– Қарасангиз-чи, ҳайвонлар ҳали ҳам уйқуда!

– Қандай қилиб арслонлар қизчани еб қўйишмаган экан-а?!

– Тавба, бу кааатга илон уни бўғиб олмаганини қаранг!

– Ишониб бўлмайди.

– Ишониш керак.

– Унинг кўрикчиси – Аллоҳ.

– Марям Аллоҳнинг танлаб олган бандаси-да.

– Уни бу ерга Аллоҳ қабул қилди.

– Тўғри, меҳмонини Ўзи сақлайди.

– Унга ҳеч нарса зарар бера олмаслигини Аллоҳ бизга биринчи туннинг ўзида кўрсатиб қўйди.

– Ҳар нарсанинг эгасига суянганга ким ҳам зарар келтира олади. Қара, қизча ҳатто кўркмабди ҳам.

Байтул Макдиснинг қоимларидан бири:

– Аллоҳим, Марямнинг ҳурматидан бизни ҳам па-

нохингда асра, – дея дуо килишга тушди. Уйкудаги хайвонларни хужрадан чиқаришга уринишарди.

Закариё пайғамбарим жуда ҳам мулоҳазали эди. Баъзи кишилар мени ўлдирмокчи бўлибди. Ичимга ҳеч кўрқув кирмади. Мен фақат Роббимни норизо килишдан кўрқардим. Баъзан бу кўрқув шунчалар ўраб олардики, йиғлай бошлар эдим. Кейин калбимга чексиз хузур тўларди. Шиддатли ёмғирдан кейин ҳаво очилади. Барча булутлар таркайди. Ҳамма ёк тозалади. Тупроқ хиди кўтарилади. Борлиқ сокинлашади. Қуёш ҳаммага кулимсираб яқинлашади. Рухиятим мана шундай ҳолатда эди. Мен ҳам Аллоҳ учун оқизган кўзёшларимдан кейин янги бир баҳорнинг жўшқинлиги билан кулар, сўнгсиз бир маънавий лаззат хис килардим.

Ҳайвонлар хужрадан чиқарилгандан кейин атроф тинчиди. Закариё пайғамбарим овқатимни келтирди. Шу куни ўрганишим керак бўлган дуоларни айтиб кетди.

ОЙДИНЛИК

Байтул Мақдис мен учун она кучоғи бўлди. Холамнинг уйи билан бу ернинг орасида фарқ йўқ. Уларникида яшаганимда ҳам ташқарига чикмас, бошқа болалар билан ўйнамасдим. Мулойим, сас-садосиз қизча эдим. Менга қараганлар ипакдек майинликни кўришарди. Ҳеч кимни хафа қилмасдим.

Ўқиш-ёзишни ўрганганман. Қуддусда биринчи марта қиз бола Тавротни ҳам ўқиб, ҳам ёза оладиган бўлди.

Бу ерда ҳам кунларнинг қандай ўтаётганини билмасдим. Қалбимда ҳузурбахш бир сукунат бор. Закариё пайғамбарим ҳар куни келади. Таом келтириб, дуоларни ўргатиб, ортга қайтади. У мен учун ҳам устоз, ҳам ота.

Кун нури таралмай ўрнимдан тураман. Эрта саҳардан дуоларимни такрорлашга тушаман.

Масжидга келишга анча вақт бор. Ўша куни ҳам куёшдан аввал кунга пешвоз чикдим. Дуоларимни ўқидим. Бирдан ичкарида бошқача бир нур пайдо бўлди. Ҳанузгача ҳис қилмаган ифорлар димоғимга кирди. Сокинлик бу қадар чексизлигини билмасдим. Гўёки қалбим очилди. Бутун коинот юрагимга кирди.

Рухимни таърифлаб бўлмайдиган севинч ўраб олди.
Қалбимга лаззат томчилади.

Ичимга буюк бир шавқ келди. Бир онимни ҳам бекор ўтказмай Аллоҳ билан бўлишим лозим. Унга рукуъ ва сажда қилишим зарур. У мени яхши кўради, мен ҳам Уни яхши кўришимни ҳар он изҳор қилишим керак. Ибодат «Аллоҳим, Сени яхши кўраман» дейиш, Унга муҳаббатимни билдириш эди. Зотан, кул муҳаббати қадар ибодат қилади.

Саждага бордим. Роббимга йўналдим. Аршга интилдим. Дуоларга берилдим, қурбат учун муҳаббатини истадим.

Дўстларим малаклар эди. Юрагим сиқилмаслиги, ёлғизликни ҳис қилмаганим шундан.

Ҳеч қанча ўтмай Закариё пайғамбарим келди. Ичкаридаги бошқача ойдинликни, юзимдаги ўзгарган нурни кўрди. Дунёда йўқ ифори ҳис қилди. Малаклар борлигини англади.

Бир пайғамбар набирасини бошқа бир пайғамбар тарбиясига олган эди. Закариё пайғамбаримнинг юзига гўзал табассум югурди.

Эрталаб уйғонганда хужрамда таомларни кўрдим. Ҳайрон қолдим. Закариё пайғамбаримнинг келади-ган вақти эмасди. Егуликларни у олиб келмаганини тушундим. Идишлар ҳам Байтул Макдиснинг идишлари эмас.

Аллоҳ таоло менга ризқ юборганини билдим. Шукр этдим. Шукримни дуоларимга ўрадим. Бу кичик хужрада мени жаннат таомлари билан сийлаганининг хузурига шоша-пиша қўл очдим: “Ё Раззоқ! Мени бу таомлар билан ризқлантирганинг каби муҳаббатинг билан ризқлантир”.

Розикимдан истаган энг буюк ризк бундан кейин мухаббат ризки бўлур эди. Берилганни эмас, берганни севишим керак эди. Берганлари берганга тўсик бўлмаслиги шарт эди. Дуоларга тутиндим...

Озроқ вақт ўтди. Закариё пайғамбарим одати бўйича тонгда келди. Ичкарига кирар-кирмас таомларни кўрди. Саросимада хужрадан чиқди. Ибодатхонанинг хизматчиларига ғазаб сочди. Закариё пайғамбарим жуда ҳам ҳалим ва ҳеч кимсадан аччиқланмайдиган бўлсалар-да, менга боғлиқ ишларда кизишиб кетарди. Уларга деди:

– Марямнинг хонасига мендан бошқа ҳеч ким кирмаслигини таъкидламаган эдимми?!

Хизматчилар кирмадик, дея Мусонинг Роббисига қасам ичдилар. Закариё пайғамбарим:

– Хужрага кирмадик, деяпсиз, у ерда таом турибди-ку, – деди.

Ходимлар яна қасам ичишди. Закариё пайғамбарим хужрага қайтиб кирди. Меҳрибон бир бобо набирасидан сўрагандек сўради:

– Марям, сенга бу егуликлар қаердан келди?

– Бу Аллоҳнинг ҳузуридан.¹

Закариё пайғамбарим тинчланди. Юзида мамнуният пайдо бўлди. Хужрадан чиқар пайти холам келди. Иккаламиз ҳам ниҳоятда севиндик. Холам мени кучоклаб ўпди. Она исини туйдим. Янги маконимда мени шод кўрганидан хурсанд бўлди.

– Шундай бўлишини билардим, – деди.

“Нима учун?” дегандек қарадим.

– Марямгинам, онанинг нияти нима бўлса, фарзанд худди шундай бўлади. Ҳаёти онага кўра бичилди. Онанг Ҳанна сени кўп ибодат қилувчи бўлишингни Аллоҳдан сўради. Сен онамнинг ниятисан.

¹ Оли Имрон сураси, 37-оят.

Закариё пайғамбарим холамга:

– Ийша, – деди, – биласанми, Аллоҳ Марямга таом юборяпти. Ўзига шукр, Роббимиз уни малаклари ила овутиб улғайтиряпти. Юраги ҳеч сиқилаётгани йўқ.

– Беҳисоб шукр, – деди холам.

– Ийша, нима учун Марям билан бунчалик машғул бўляпман, биласанми?

Холам биларди, лекин Закариё пайғамбаримнинг тилидан яна бир марта эшитиш учун жим турди. Закариё пайғамбарим холамнинг нурли сиймосига қараб давом этди:

– Яқинда келадиган пайғамбар бокира қиздан туғилади. Ўша қиз – Марям. Аллоҳ Марямни бу ерда тарбия қиларкан, маънавий ҳоллари билан халқни шунинг учун тайёрлаб боряпти.

– Ҳеч ажабланмайман, – деди.

Ҳаммамиз илоҳий ҳикматнинг эшиги олдида жим бўлдик.

Холам эрига кўзларига тўлган ёш билан қаради. Дуосини тилга олди: “Марям – наботи илоҳий”.²

ЗОЛИМ

Куддус подшоси Ҳерот жуда ҳам золим эди. Халқнинг кўлида нима бўлса, тортиб оларди. Халқ эзилган ва умидини узган. Давлатдан келадиганини йўқотган одамлар юзини ибодатхонага бурган. Ибодатхона ҳам очкўз дин одамларининг кўлида. Турли-туман хийлалар яшайди. Байтул Макдиснинг олдинги маънавий холи қолмаганини тушунган маъсум инсонлар яқинда келиши айтилаётган қирол пайғамбар ҳақида хаёл суришади.

Масихнинг келишига оз қолгани ҳақида гап-сўз кўпайгани сайин қирол Ҳерот отасиз туғиладиган бу пайғамбар салтанатини йикитишни ўйлар, бундан сиқилар, халққа зулминини орттирарди.

У қаҳрини оширгани сари келиши яқинлашган Масих пайғамбар ва унинг бокира онаси ҳақида одамлар орасида янада кўпроқ сўзлашиладиган бўлди.

Ҳамманинг бошида ўша она мен эканлигим ҳақида тушунча туғилди. Шундай ўйлаганлардан бири Ҳеротнинг хотини эди.

Қиролича тўхтовсиз мен ҳақимда гапирар экан. Ҳерот бир куни ҳеч чидай олмабди. Суюкли хотинига зулминини кўрсатибди.

– Марям, Марям деб тинмаяпсан. У Имроннинг жажжи кизчаси, сен эса буюк бир кироличасан. Бу кўзни кўриш учун эшикка кўз тиккан тиланчилар каби ибодатхона олдида турганингни асло эшитмай!

Маликанинг калби бу золим инсондан узоқлашиб, ибодатхонага талпинадиган бўлибди. У маъбад олди-га мени кўра олиш иштиёкида келган бошқа инсонлар каби ич-ичидан сўзлармиш:

– Тут кўлларимиздан, Марям!

Мени кўра олмаса-да, кўриш умиди билан эшик олдида кутишнинг ўзи ҳам уни хузурга қовуштираркан. Охири кирол катъий тақиқлабди. Маъсум бир аёлнинг мухаббатига бир золимнинг зулми тушибди. Қиролича барибир мени кўргани келишда давом этибди. Фитначилар бу зиёрат хабарини киролга етказишибди. Кирол каттик чоралар кўрибди.

Ибодатхона бошқарувчиларининг менга қарши хатти-харакатлари кирол Ҳеротникидан фарқ қилмасди. Ўн икки ёшга яқинлашгандим. Халқнинг мени Масихнинг онаси сифатида кўриши, ибодатхонадаги устозларнинг маънавий ва илмий масалаларда мени ўзларидан устун қўйишлари уларнинг пешволарига ёқмасди. Инсонлар Марям ҳурмати учун дейилса, ибодатхонанинг олдини ҳар кун тўлидириб юборишарди. Буни кўриб маъбад қоимларининг фикрлари яна ўзгариб қоларди.

Мен учун ташвишланган Закариё пайғамбарим янада ишончли бир жойга кўчишим кераклигига қарор қилди.

Закариё пайғамбарим дурадгор эди. Ибодатхонада менга бир жой тайёрлади. Бу янги жой етти эшикли эди. Шом бўлди дегунча ҳар эшикни бир-бир қулфлаб чиқарди.

Ийша холам янги масканимга узоқ вақт қараб тур-

ди ва «Роббим уни тайёрлаяпти» деди. Гул гунчасига ўхшатди мени. Қават-қават гулгунча. Маънавий очи-лиш пайтигача асл боғбоннинг кўлида етишаётган бир гунча.

Холам очик юзларимга меҳр билан бокди. Бир онанинг бериши мумкин бўлган меҳрини юрагимга солди. Катта қора кўзларимда маъно султонлари кўра оладиган маънавий сирларни ўқиди. Бир инсонда маънавий асрорнинг ошкор бўлиши унинг кўзларида зоҳирлашади. Холам буни жуда ҳам яхши биларди. Маънавий оламни кўрган кўзларга у сирларга эриш-маганлар қарай олмасди.

Холам қора кўзларимда, аниқки, у тарафларнинг сайрига тушганди...

МЕХРОБ

Янги маконда эдим. Мехроб шаклидаги бир ер бўлгани учун бу жойни мехроб дердик. Мехроб – жамоатнинг энг олд жойи дегани. Жанг куролига ўхшагани учун уруш майдони маъноси ҳам бор. Маънавий томондан энг буюк душман бўлган нафс ва шайтон билан кураш ўрни. Мехроб кенг тарқалган маънода кўшк ва сарой маъносини беради. Демак, бу ер менинг маънавий саройим ва кўшким бўлади.

Онам Ҳанна мен туғилмасимдан бурун нафсим ва шайтоним билан кураша бошлаган. Уларни менидан йироқ қилган. Кишининг илк мехроби она қорни бўлади.

Мехробим масжид улуғлари ва Закариё пайғамбарим қоладиган ерга яқин. Кундузлари уларнинг Таврот ўқишлари-ю, илмий музокаралари эшитиларди. Кечалари эса ибодат билан банд эдим.

Тонгларга уланган намозларим... саждаларим... рукуъларим... тасбеҳларим... зикрларим... истиғфорларим...

Кундуз нақш-нақш ишланган илмий шарҳларни кечаси дақиқама-дақиқа калбга тўкилган Раббоний

курбат ҳоллари билан қувватлантирардим. Кундуз илм билан нурланган қалбим кечаси ибодат билан яқийнга тутинарди. Кундуз ва кеча ковушса, бандалик қанотланарди.

Аллоҳ бутун махлуқотни кеча ва кундуз ибодат қилган шаклда яратган эди. Кундуз ибодат қилган борлиқлар қуёш кетиши билан ўринларини кечаси ибодат қилувчиларга бўшатар эди. Борлиқлар махфий ва жаҳрий зикрга мисолдир. Кундуз ибодат қилган борлиқлар жаҳрий зикрнинг дарвешларидир, кеча ибодат қилган эса махфий зикрнинг.

Инсон бутун борлиқларнинг устида бўлгани учун кундузни фикр билан, кечани зикр билан ўтказмоғи керак. Роббим қандай ҳам кўп ҳис берганди бизга. Туйғуларнинг баъзиси кундузни, баъзиси кечани дерди. Кундуз – ақл ва нафс ила зикр қилиш вақти. Кеча эса инсоннинг зикр аскарлари қалб, рух ва сир бўлади.

Кеча қулликнинг қўлидан тутолмаса, қалб очилмайди, рух уйғонмайди. Сир илоҳий сирларга эришмайди. Уйқудан узоқ, уйқунинг қўлидан юлинган онлар бўлмай туриб қулликда йўл бошланмайди. Маънавий камолот кечанинг қўлларига берилган.

Мен ҳам меҳробда кечаларимга зикр нури ила нақш солдим.

Ибодатдан таним толикқунча тафаккур учун осмон эшикларига боқаман. Қуддусда кўк юзи кечаси бошқача бир чексизликка эришарди. Ҳеч бир ерда бўлмаган ложувард бир қандил каби чайқаларди. Само тилга кирарди. Осмонга қараганимда ичига оқиб кетаман. Айри бир жўшқинлик билан ибодат бошлайман. Гўёки, Қуддус дунёнинг фаришталарга очилган дарвозаси эди. У эшикдан ибодатлар билан Аршга йўналаман.



Меҳробдаги кунларим маънавий сирларнинг шархи билан ўтиб борарди. Ҳар тонг хушўнинг лаззати билан бошланаркан, Закариё пайғамбарим «Бисмиллаҳ!» дея етти эшикни бир-бир очарди. Етти эшикнинг ҳикмати бор эди. Инсоннинг етти туйғусини тамсил қилгани каби етти жаннат бор эди. Инсон етти туйғусининг эшигидан етти мақомли жаннатга кетарди. Жаннатнинг ҳар мартабаси бир буюкнинг зиммасида эди. Киши у буюкларнинг руҳий дунёсига туйғу эшикларини очсагина етиша оларди.

Инсон очиши керак бўлган биринчи эшик жўмардлик эшиги эди. Унинг эгаси Иброҳим пайғамбар эди.

Иккинчи эшигимиз ризо эшиги эди. Унинг мезбони Исҳоқ пайғамбаримиз эди.

Инсонни Аллоҳга етиштирадиган учинчи эшик сабр эди. Бу эшикда Айюб пайғамбар яшарди. Тўртинчи эшигимиз ҳодисаларнинг ишоратини билиш бўлиб, бу эшикнинг соҳиби Закариё пайғамбарим эди. Бешинчиси қурбат эшиги эдики, у хануз келмаган Яҳё исмли пайғамбарга оид.

Олтинчи эшигимиз – маъно эшиги. Унинг калити Мусо пайғамбарда эди.

Еттинчиси – ишқ эшиги. Унинг калити яқинда келадиган Масиҳ пайғамбарнинг кўлида эди.

Саккизинчи эшик инсонда эди. Фақирлик эшиги эди. Ўзини ҳар он Унинг ҳузурида билиш эдики, бунинг калити энг охириги пайғамбарда эди.

Устма-уст қулфланган эшикларимнинг ҳикмати шу эди. Етти туйғудан кириб, ички оламимдаги саккизинчи эшик бўлган қалбимни дунёга қарши қулфладим. Бу эшиклардан ўтибгина ички оламим эшиги



очиларди. Ўшанда саккиз даражаси бўлган жаннат мақомларига эришилди.

Етти эшигимнинг ҳикмати етти нафс мартабасини бир-бир ошиб, саккизинчи мартабадаги қалб эшигимга етиш эди.

Ҳар кун бир пайғамбар томонидан очилиб-ёпилган етти эшигимнинг етти қалити сирини англадим.

Етти эшигим Закариё пайғамбарим тарафидан “Бисмиллаҳ” билан бир-бир ёпилгач, қалб эшигимга «Ё Аллоҳ! Ё Бисмиллаҳ!» дея равона бўлардим.

Ўзимга боқардим. Ичимда бир олам бор. Бутун хисларим, бутун зарраларим «Аллоҳ» дерди. Сулаймон ва Довуд боболаримнинг руҳониятлари ҳар окшом мени чулғаб оларди. Гўёки илк табрик улардан бўларди. Илк зикрни улар бошлатишарди.

Довуд бобомнинг зикрига кирардим. У зикр қиларкан, атрофида бутун борлиқлар тўпланарди. Ҳайвонлар, дарахтлар, тоғлар, тошлар ва инсонлар зикр қиларкан. Зикрнинг маънавий кўркувидан вафот қилганлар бўларкан.

Окшом тушиб етти эшигим дунёга ёпилгунча ҳамма сирлар очиларди.

Кундуз йиғилган ҳосил кечаси ўртага сочиларди.

Бир зикр бошланарди қора сурмали кечада: зикри Марям. Нелар бўларди бу зикрда:

- одоби Марям;
- иффати Марям;
- сабри Марям;
- ниёзи Марям.

Кеча ҳовучларимдан дуо-дуо бўлиб оқаркан, нафси розийга тутинардим. Ўша он англадимки, Роббим Марямдан рози бўларди. Қалбим ишончга эришарди.

Кеча кундузнинг устидан кулфларкан, Қуддус Арнога очилган бир эшик бўларди.

СИДҚ МАҚОМИ

Кун хайр билан нурланди. Тун зикрини хатм қилган Байтул Макдис кундуз зикрини бошлаш учун куннинг этакларидан тутди.

Эшикларим Закариё пайғамбаримнинг «Бисмиллаҳ» деган зикри билан очиларди. Кунда очиладиган бу эшиклар ҳар сафаргисида бошқа нарсаларнинг очилишини эслатарди. Бугун ёдимга кўнгил уйимнинг калитларини солди.

Инсон очиши керак бўлган қалб эшиларидан биринчиси – тавҳид. Бу ширкнинг ҳар қайси турини ўздан йироқ этмоқдир. Бу эшикда сабабларнинг таъсири йўқлиги билинса, тавҳиддан таслимга ўтиларди.

Закариё пайғамбарим иккинчи эшикнинг калитини буради. Кўнгил эшигимнинг иккинчи кулфи ҳам очилди. Бу эшикнинг очилиши таваккулга етишиш билан бўлади.

Учинчи эшикнинг калити – тафвиз. Иродани унга бериш, тадбирни тарк этиб, тақдирни Худодан билиш дегани.

Тўртинчи эшикнинг калити – сабр. Собирликка ҳам сабр қилиш.

Бешинчи эшикнинг калити – ризо.

Олтинчи эшик – мағфират эшиги. Аллоҳнинг исму сифатларини таниб, қурбатга эришиш лозим.

Еттинчи эшик – муҳаббат эшиги. Бу эшиклар очи-лиши билан қалбларимизда Аллоҳ Ўз муҳаббатини яратади. Шунда инсоннинг кечаси-ю, кундузи Робб-га қурбатда бўлади. Кундуз қалбида ғафлатнинг юки, кечаси кўзларида уйқунинг асорати бўлмайди.

Саккизинчи эшик – пайғамбарлардан кейин кел-ган мақом – султони инсонлик бўлган сидқ мақоми.

Буларнинг ҳосили билан инсонда адаб пайдо бўлади. Кўнгил дунёсининг кўзи олами ғайбга очи-лади. Адаб қалбнинг ахлокидир. Адабнинг зоҳирий-си инсонларга, қалбнинг ахлоқи бўлган ботиний хулқ эса Аллоҳга йўналган. Қалб адаб билан ахлоқ асро-рига тутинмаса, қалбнинг жавҳари билинмайди.

Шунинг учун зикри Марямга одоби қалб билан иффати қалб асос эди.

Хужрамга маънавий асрорнинг хира нури билан окшом тушди. Эшикларимнинг қулфланиш вақти келганди. Яна етти эшик бир улуғ пайғамбарнинг етти калити билан бир-бир беркитилди. Бугун етти эшигимнинг сири ичимда бошқача акс-садо берди.

Жаннат саккиз эшикдан иборат эди.

Инсон саккиз аъзосини яхшиликка ишлатиши би-дан бу ерга киришга лойиқ бўларди. Бу етти аъзонинг еттитаси моддий, бири маънавий эди. Етти моддий аъзо нурланиши билан саккизинчиси ҳам нурланар-ди.

Бу етти аъзо саждада бирлашарди ва саккизинчи-си ўнла лаҳзада юлганлари билан қўшилиб, уларнинг султони бўларди. Шунинг учун Роббим кўп сажда қилишни буюрганди.

Булар: икки кўл, икки оёқ, икки тизза ва пешона. Бу еттовининг сажда ила ҳузурга боришида калб деган саккизинчи аъзо хушу ва ҳузу ила уйғониб, Зоти тажаллийга сазовор бўларди.

Ҳар эшикни бир аъзом сифатида қабул қилдим. Уларни дунёга бир-бир ёпдим. Ҳар окшом дунё билан алоқаларини кесардим.

Ҳар аъзоим дунёга беркилиши билан Аллоҳга очиларди. Буларнинг ҳаммасини жаннатнинг эшиги томон югуртириш керак эди. Англадим: етти аъзомиз аскар эди. Қалб кўмондон эди. Аскарлари сафга турганда кўмондон калб шавкка тўлиб, ишққа тушарди. Шу пайт вужуд деган ўлкамизнинг султони ишнинг бошига ўтарди.

– Ё Аллоҳ!

– Ё Раҳмон!

– Ё Султон!

Закариё пайғамбарим эшикларимни қулфларкан, ёпилган ҳар бир эшикда бир аъзоимни ният қилганча:

– Ё Ҳофиз! – дердим.

Маънавий оламдаги эшикларимга кайтиб:

– Ё Фаттоҳ! – дердим.

Тун қора чимматини туширганда, майин шабада Қуддуснинг баҳор кечасини атрофга хис эттиришни бошлади. Мендаги ҳар туйғу бир Асмои хуснанинг зикрида эди:

– Ё Сагтор!

– Ё Гаффор!

– Ё Вадуд!

Булар: икки кўл, икки оёқ, икки тизза ва пешона. Бу еттовининг сажда ила хузурга боришида калб деган саккизинчи аъзо хушу ва хузу ила уйғониб, Зоти тажаллийга сазовор бўларди.

Ҳар эшикни бир аъзом сифатида қабул қилдим. Уларни дунёга бир-бир ёпдим. Ҳар окшом дунё билан алоқаларини кесардим.

Ҳар аъзоим дунёга беркилиши билан Аллоҳга очиларди. Буларнинг хаммасини жаннатнинг эшиги томон югуртириш керак эди. Англадим: етти аъзомиз аскар эди. Қалб кўмондон эди. Аскарлари сафга турганда кўмондон қалб шавққа тўлиб, ишққа тушарди. Шу пайт вужуд деган ўлкамизнинг султони ишнинг бошига ўтарди.

– Ё Аллоҳ!

– Ё Раҳмон!

– Ё Султон!

Закариё пайғамбарим эшикларимни кулфларкан, ёпилган ҳар бир эшикда бир аъзоимни ният қилганча:

– Ё Ҳофиз! – дердим.

Маънавий оламдаги эшикларимга қайтиб:

– Ё Фаттоҳ! – дердим.

Тун қора чимматини туширганда, майин шабада Қуддуснинг баҳор кечасини атрофга ҳис эттиришни бошлади. Мендаги ҳар туйғу бир Асмои хуснанинг зикрида эди:

– Ё Сагтор!

– Ё Ғаффор!

– Ё Вадуд!



МУҲАДДАСА

Яна бир кун кечга ковушди. Зикр бешиги бўлмиш маъбаднинг ладандонлари¹ ёқилди. Ибодатхонанинг хира нурлари деразадан хужрамга тушди. Ичкарида бир ифорни ҳис қилдим. Фаришталарнинг борлигини ажиб ифордан сезардим. Дунёда йўқ хушбўй эди бу. Ҳозиргиси эса янада бошқачароқ.

Руҳимда ажиб бир кенглик пайдо бўлди. Ҳозиргача кўрмаганим бир ойдинлик, бир нур шуъласи хужрамни тўлдирди. Хонани англатиш мушкул бўлган сукунат қоплади. Бир нур ёмғирининг остида қолдим.

Ўнг томонимда бировни ҳис қилдим. Ичим ўзгача ҳаяжон билан титради. Руҳим Аршга қанотланди. Қалбим дунёдан жаннатга учди. Кўнглимни эҳтиром тўла хушу қоплади. Ҳа, улар! Ҳадяларини олганим, вақти-вақти билан овозларини эшитганим, мен билан тонгга қадар зикр қилган зикр ўртоқларим.

Малаклар!

Нур томчилари. Нақадар ойдинлик, нақадар софлик, нақадар хузурбахш манзара. Ичим ичимга сиғмас бўлди. Чексиз бир ҳаяжон қалбимдан танамга

¹ Ладан – диний маросимларда тутатиладиган хушбўй модда.
Ладандон – ўша хушбўй модданинг идиши.

ёйилди. Ўзимни билмай қолдим.

Фаришталар хушхабар етказди:

– Эй Марям, албатта, Аллоҳ сени танлаб олди, поклади ва оламдаги аёллардан устунлигингни ихтиёр қилди. Эр Марям, Роббингнинг ибодатида бардавом бўл, Унга сажда қил ва рукуъ қилувчилар билан рукуъ қил.²

Малакларнинг каломи бир онда руҳимга окди. Гўёки калом эмас, камол эди. Бир ўзгариш ичида яшадим. Руҳимда янги бир ҳаёт мавж урди.

Малаклар ғойиб бўлди. Нурлари хануз хужрада эди. Маънавий оламларга сочилиб кетдим. Хузур ичида эдим. Хавф ва ражо бешигида тебранаётгандим.

Улуғлик тахтида, иззат курсисида эдим. Жалол селида, жамол ёмғирида эдим. Демак, Роббим менга амр қилаётганди: “Рукуъ ва сажда қилувчилар билан бирга рукуъ ва сажда қил!”

Роббим, рукуъ ва сажда қилмаган ким бор, ахир? Ҳар он бутун коинот, барча фаришталар Сенинг хузурингда бош эгиб, ер ўпади, Сенга ҳар лаҳза итоатда.

Роббим, руҳим ҳар он Сенинг хузурингда саждада, қалбим ҳар лаҳза Сенга рукуъ қилади, жисмим намозда.

Тушундим Роббимнинг истагини. Коинот – масжид. Фақат Байтул Мақдисда эмас, коинот масжидида бутун борлиқ билан, барча фаришталар билан, ҳамма пайғамбарлар билан рукуъ ва сажда қилишим керак. Жамоат сирини англадим. Коинот жамоатида жам бўлмоқ лозим.

Роббим сирларни тунда ошкор қиларди. Коинот зикрига кирдим. Қуддусдаги бутун борлиқ билан рукуъга кетдим. Ўтмишда ва келажакда ёлғиз Аллоҳга

²Оли Имрон сураси, 42-43-оятлар.

иймон келтирганлар билан саждага бордим. Бутун оламлар билан, вужудимнинг бутун зарралари билан зикр қилдим. Ана шу пайт ҳамма яратилмишлар билан жамландим. Замон ва макон бирлашди.

Менлигим қолмади, борлигим ҳамма яратилмишлар қадар кенгайди. Жамоат билан жамлик сирита туштиндим. Жамлик – Аллоҳ билан орамизга солганимиз айрилиқнинг кетиши эди.

Ичим қанотланди. Севинчим бутун оламларни қоплаб олди. Роббим менга хабар юборганди. Бу тушунтириб бўлмайдиган туйғу. Ейиш, ичиш, ухлаш каби туйғуларим ўчирилиб кетди. Кечам кундузим билан тенг бўлди. Сахарларгача рукуъ ва саждаларда эдим. Окшомларгача Уни зикр қилардим. Қалбимда Роббимнинг тажаллийсига эришдим. Оёқларим ердан узилди, борлигим дунёни ҳис этолмай қолди.

Фаришталар дўстларим эди. Улар билан суҳбатлашганим учун малаклар ила сўзлашган маъносидаги бир исм бердилар менга:

– Мухаддаса...

Йиллар бўйи ташқарига чиқмагандим. Чикишга эҳтиёж ҳам сезмасдим. Одамлар «Марямнинг жони сиқилмайдими», дея холамдан сўрашаркан.

Жон нима учун сиқилсин? Жон ҳамиша Роббига қочинишни хоҳлайди, уни ташқи олам билан кишанлаб нафс кафасига сөлсанг, сиқилади. Бир аёл учун қандайдек хужра жон қушининг нафс кафасидан учириб чиқариладиган еридир. Кичик, лекин ломакон майда. Қалб ҳам бир хужра эмасми?! Қалб хужрасида инсон шод бўлади.

Дунёнинг ҳам мендек тушунарди. Унинг оқ рўзида яшираётган оқ юзига қараб, кўнгилмни ўқит-

дим:

– Ох, холагинам! Шу хужрадаги кенгликни одамлар билса, ҳеч бир ерга чиқишни хоҳлашмайди. Дунё уларга тор бўлади. Қандай килиб қалб хужрамнинг дўст Султонини кўйиб, ташқаридан дўст кидирай... Аёл уйдан чикса, ҳар нарсадан узилади. Холажон ташқарида аёлнинг кўнгил боғи вайрон бўлади.

Инсон қалбига сикқанича қолипга тушади. Қалбига сикқанича коинотга сиғади. Қалб инсоннинг борлик оламидир. Холамнинг йиллар қаритган кўзларига боқдим. Закариё пайғамбаримга ҳурматини, унинг ҳам холамга бўлган марҳаматини эсладим. Аллоҳ аёлларга эркакларни ўзларига асир килиш учун итоат берган. Итоат бандаликда ҳам бир сир эди. Бу сирни Аллоҳ аёл қалбига кўйиб, Ўзига янада тез яқинлаштирганди.

Холам ҳайрон бўлди: “Буларни каерда ўрганяпсан, Марям!?” – деди.

– Илми ладун, холажон. Қалбни Унга топширасиз, нафсдан кечиб, менликдан ажралсангиз, Аллоҳнинг Ўзи ўргатади ҳамма нарсани. У Алиймдир. У хос бандаларини бошқа олимларнинг қўлларига бермайди.

Холамнинг оқ юзларини меҳр чиммати тўсди. Сукунат сўзни кўлимиздан олди. Холагинам кетиш учун эшик томон юрди. Ортга қайтиб хужрамга такрор назар солди:

– Марям, бу қандай хузур... Бу кичик хонада роҳатланяпман.

Жавоб бермадим. Мен ҳам хужрани кўзим билан айланиб чиқдим. Инсон хонада эмас, қалбда роҳатланади. Ҳар аёлнинг хонаси унинг қалбидек. Аёл қалбда бой берганларини ташқаридан кидиради.

МЎРТЛАШГАН СУЯКЛАР

Куддус одамлари фитна-фасод билан овора эди. Закариё пайғамбарим ҳам кишиларни маънавий томондан иршод қилар, ҳам Байтул Макдиснинг раҳбари эди. У жуда кексайганди. Неча йиллардан бери Шомда зиндонбанд қилинган амакиваччалари Қуддусга қайтди. Уларга Закариё пайғамбаримнинг ишончи йўқ эди. Ўзи вафот қилгандан кейин уларни Байтул Макдисга бошлик бўлади, деб фикр қилинишидан тинчи йўқолганди. Ортида хайрли, одамларни Ҳаққа даъват қиладиган бир фарзанд қолдиrolмаганидан хафа эди.

Байтул Макдиснинг фитна-фасод хабарлари Закариё пайғамбаримни ҳар кун яна ҳам қаритаётганди. Бошида ёшликнинг қўлларидан тутган бирор қора тола қолмаганди. Лекин юзида кексаликнинг нурониёти зуҳр қилганди. Қарилик моддий кучини кетказса ҳам, маънавий ҳайбатини қатма-қат орттирарди.

Закариё пайғамбарим бу дардлар билан оввора экан, бир кун менинг олдимда яна анвойи таомлар ва меваларни кўрди. Кўнглига аччиқ изтиробларнинг дуоси тушди. “Марямга ёзда киш меваларини, қишда ёз меваларини юборган Роббимнинг қудрати ҳар нар-

садан олийдир” дея ўша эшикка чорасизлик билан йўналди. Аллохга содик бир банда, ўзига солих бир фарзанд учун мўрт суякларини шафоатчи киларок сўради:

– Роббим, менинг суякларим мўртлашди, бошга ок туташди, Роббим, Ўзингга дуо килишдан бахтсиз бўлмаганман. Ва албатта, мен ортимдаги қариндошлардан кўркдим. Аёлим туғмас эди. Бас, менга Ўз даргоҳингдан бир валий (фарзанд) ҳадя эт. Менга ва Яъқуб оиласига меросхўр бўлсин. Роббим, уни Ўзинг рози бўладиган кил.¹

Закариё пайғамбарим ич-ичидан йиғлади. Мўрт суяклари толикқанди. Кексакликнинг беморлик кафани ёпган заиф бадани кучсиз эди. Аллох ўртадаги фариштасини ўша заҳоти бу халим пайғамбарига жўнатди. Ибодат қилаётган Закариёга Жаброил сўзлади:

– Эй Закариё, Биз сенга исми Яхё бўлган бир ўғилнинг хушхабарини берамиз. Бундан олдин унга отдош қилган эмасмиз.²

– Роббим, менда қаёқдан ўғил бўлсин?! Ахир, аёлим туғмас бўлса, ўзим мункиллаб қолган бўлсам.³

– Ана шундай! Роббинг айтдики, бу Мен учун осон. Батаҳқиқ, бундан олдин сени яратдим. Ҳолбуки, сен ҳеч нарса эмас эдинг.⁴

Закариё пайғамбарим бу борада Роббидан бир белги истади. Кекса аёлнинг ҳомиладор бўлгани қандай билинарди.

– Сенинг белгинг – саломат ҳолингга одамларга

¹ Марям сураси, 4-6-оятлари.

² Марям сураси, 7-оят.

³ Марям сураси, 8-оят.

⁴ Марям сураси, 9-оят.

уч кеча гапирмаслигингдир.⁵

Закариё пайғамбарим масжиддан чиқди. Ходдигани қавмига етказмоқчи эди, бироқ гапира олмади. Аллоҳ таолонинг айтгани шу эди. Каломнинг соҳибни Роббимдир. Закариё пайғамбаримда тил тутилди.

Ҳар нарсанинг ишоравий маъносини билган Закариё пайғамбарим одамларга шом-у наҳор, Аллоҳга тасбеҳ айтишларини ишора билан етказди. Халқни чексиз бахтиёрлик кучоклади. Закариё пайғамбар ота бўлади. Аллоҳ айтган хайрли фарзанд ва Масихдан мужда берувчи бир пайғамбар туғилади.

Бир муддат фитна-фасоднинг олди олинди.

Яҳё пайғамбарнинг олами арвоҳдан она қорнига тушиши бутун халқнинг зикру тасбеҳлари билан кутиб олинди. Аллоҳ нақадар лутф соҳибни эканини кўрсатди. Роббимиз туғилажак болага Аллоҳ лутф соҳибидир маъносида бир исм берди:

– Яҳё...

⁵ Марям сураси, 10-ояти.

ПАРДА

Парда яширар, сақлар эди. Парда аёл кишининг кўл-қаноти эди. Номахрамлардан сақланиш, ёмон кўзлардан йироқ бўлиш, хаёсини асраш, одобини мустаҳкамлаш учун парда аёлнинг жон йўлдоши эди.

Ёшим ўн иккига тўлди. Меҳробимга бир парда тутдим. Закариё пайғамбарим ёнимга келганда пардани кўрди ва хижобимни тушунди. Энди, у билан парда ортидан кўриша бошладим.

Аллоҳга етиш учун одоб керак эди. Одоб инсонда Аллоҳнинг исмларини зоҳир қиларди. Аллоҳнинг ҳар бир исми одоб ойнасида кўринарди. Шу учун одоб иймондан эди. Одобнинг бир маъноси хижоб эди. Хижоб ҳам бир парда дегани эди.

Одам отамиз билан Ҳавво онамиз Роббим қайтарган мевага кўл узатиб, илк гуноҳга йўл қўйганларида Аллоҳнинг гўзал исмларига парда тортишди. Шунда ўзларининг пардаси очилиб қолди. Уялдилар. Пардасизлик жазо эди. Аллоҳдан узоқлашишнинг ўлчови хижобдан узоқлашиш эди. Билдимки, одоб ҳар жойда Ҳақнинг нурини очиқ кўриш эди. Инсон Аллоҳ нурини кўрганича одобни биларди.



Роббимиз билан орамиздаги пардаларни йўқотиш учун гуноҳлар билан орамизга парда тортишимиз керак эди. Гуноҳлар ила ўртамиздаги биринчи парда аёл ва эркак орасига тушган ҳижоб пардаси эди.

Холамнинг кекса эри Закариё пайғамбарим билан орамга парда кўйдим. Чунки аёл жамолнинг инъикоси эди. Аёл қалбдаги пардаларни йўқотиш учун ҳаё пардаси билан жамолини тўсмоғи зарур эди.

Закариё пайғамбаримнинг дуоси қабул бўлиб, Роббимнинг муждаси ойдинлашди. Ийша холам тўқсон саккиз ёшида юкли бўлди. Ёнимга келди. Юзига бошқача бир гўзаллик тўлганди, ёшарганди у. Ўзини Сора онамизга ўхшатарди. Қариганда берилган фарзанднинг, албатта, раҳмати бисёр, ахлоқи гўзал, қадри улуғ, бандалиги зиёда бўларди.

Холам билан онам Ҳаннани эсладик. У ҳам мени ёши ўтиб тукқанди. Холамнинг туғилажак ўғли ҳақида гаплашдик. Бу бола яқинда келадиغان Масих пайғамбарнинг муждаси эканини ва энг муҳим хислати ифбатли бўлишини Роббимиз билдирганди.

Иккимизни ҳам чексиз саодат ўраб олди. Аллоҳ томонидан хабари берилган бир гўдакнинг шукрида эди холам. Бола учун ифбат дуосига тутиндик. Боланинг ҳар онини дуолар, зикрлар билан ўтаказаётган холамга дедим:

– Холажон, ифбатнинг ўрнаги Шуайб пайғамбарнинг икки қизи эди. Ўша қизлардан бири Мусо пайғамбарнинг аёли бўлган.

Холамнинг оқ юзлари янада оқарди. Катта қора кўзларига қизиқишнинг ҳаяжони кўнди. Жавоб кутган боқишлари устимда тўпланди.

– Ифбатнинг кўп нозикликлари бор, – дедим.

Холам, тузукрок тушунтир, дегандек каради .

– Мусо пайғамбар Мадян суви бошига борганда, бир канча кишилар хайвон суғораётганларини кўрди. Улардан узокрокда эса икки киз турарди. Мусо пайғамбар сўради: «Нимага хайвонларни суғормай, кутиб турибсиз?»

Қизлар Мусо пайғамбарга: «Отамиз кекса, хайвон суғоришга келолмайди, шунга ўзимиз келамиз. Чўпонлар сувнинг бошидан кетса, кейин суғориб оламиз», – дейишди.

Аёл эркаклар бор ерга кирмайди. Бу гап эркакларга ҳам тегишли. Бошқа жинсдаги кимса бор жойдан узок бўлиш иффатнинг биринчи шarti эди.

Холам, шукр, дея тин олди ва сўради:

– Кейин нима бўлибди?

– Мусо уларнинг хайвонларини суғориб берди. Сўнг бир сояга чекинди.

Қизларга ёрдам берди, лекин гаплашмади. Қизлар ҳам унинг хизматига раҳмат айтишмади. Чунки бу хол аёл ва эркакни бир-бирига якинлаштирарди.

Қизлар кетган эди. Мисрдан қочиб бу ерга келган Мусо пайғамбар чарчаганди. “Ё Роббим, менга эхсон қиладиганинг ҳар хайрга эҳтиёжим бор” дея дуо қилди.

Холам маҳзунлик билан қараркан, «Пайғамбарларнинг оғир ҳаёти», деди.

– Ҳа, холажон, нафс қобиғи машаққат билан парчаланadi. Мусо пайғамбар дуо қилиши билан кизлардан бири уялибгина унинг ёнига келди. Отаси хайвонларни суғориш эвазига ҳақ бермоқчи эканини айтди.

Қиз уялиб сўзлаётганди. Иффатли аёл эркак киши билан гаплашаркан, уялади. Аёл учун иффатнинг шартларидан бири ҳам эркак билан бепарво гаплаш-

маслиги, сўзни қисқа қилиши, кулмаслиги ва самимият курмаслигидир.

Қиз отасига, уни чўпон қилиб олайлик, деганди. Буни айтаётганда ҳам Мусо пайғамбарнинг исмини тилга олмаган, бирорта сифатини ҳам сўзламаганди.

Холам ҳайрон бўлди.

– Исмини айтса, васфини келтирса нима бўлади? – деди.

– Холажон, билмайсизми, бир аёл ёки эркак бир-бирови ҳақида васфи ила гаплашмаслиги ва бошқа кишилар билан сўзлашганда ҳам исмларини айтмаслиги иффатнинг камолотидир.

Иффати мустаҳкам инсон маҳрами бўлмаган кишининг исмини айтмайди. Ана шундай иффат эгаси бўлган қиз пайғамбарларнинг завжаси бўлди.

– Булар асли ҳаётимизда бор, Марямим. Лекин иффат эканини ўйламабман. Булар инсонда яшайдиган туйғулар.

Иффатда кишининг тарбия топадиган муҳити эътиборли. Ийша холам Закариё пайғамбарим боғчасида етишган эди.

– Шуайб пайғамбар Мусо пайғамбарнинг иффатини ўрганиш учун қизидан сўради: “Сафура, уни нима учун чўпон қилиб олишимизни хоҳлаяпсан?” – деди. «У ўнта эркак кўтариши мумкин бўлган тошни олиб ташлади. Мен бирга келарканман, унинг олдига тушиб олгандим. Менга «Ортимдан юр, йўлдан адашсам, бир майда тошни от, шу билан йўлни билиб оламан ва тўғри томонга кўзлаб кетаман» деди», – деди қизи.

Холам фарзанди учун иффат дуосида эди. Иккаламиз ҳам туйғуларимизга, хаёлимизга, қалбимизга, қаломимизга ҳеч бир номаҳрам сояси тушмагани учун шукр қилдик.



ИФФАТИ ҚАЛБ

Таврот ўқирдим. Бир томондан ифбатнинг сирларини тафаккур килардим. Ифбат нима эди? Нима учун бир-бирларига ҳалол бўлмаган аёл ва эркакнинг чегаралари бу даражада қатъий эди? Нима учун чегараларнинг оз бўлса-да очилиши ҳар икки томон учун ифбатсизлик саналарди?

Бугун ичимга Мусо пайғамбарнинг киссасидан ифбат сири тушгандек бўлди. Холам буни билгандек мендан сўради:

– Марям, ифбатнинг даражалари қайсилар?

Кулимсирадим. Узун кўйлагимнинг остидан оёқларимни кутқардим ва ёнига бордим. Холам порлаб турган кора кўзларимнинг ичига қаради.

Ифбатнинг шунчалар кўп даражалари борки, холамга ўша лаҳзада қалбимга тушганларини сўзладим:

– Тилнинг, кўзнинг, кўлнинг, оёқнинг – бутун аъзоларнинг иффати бор. Тилнинг иффати беҳуда гап-лашмаслик. Кўзнинг иффати – ҳаромга қарамаслик, уни Аллоҳ учун тафаккурга ишлатиш. Кулоқнинг иффати – ҳаром жумлаларни эшитмаслик. Оёқнинг иффати – ҳаром сари кадам ташламаслик, доим Аллоҳ йўлида юриш. Хаёлнинг иффати – унга номаҳрам со-



ясини туширмаслик. Фикрнинг иффати Ундан бошқасини зехндан қувишдир.

Холамнинг оқ юзлари яхшигина ёришди. Ибодатим билан бирга илмда ҳам илгарилашим уни қувонтирди.

– Холажон, – дедим, – тана аъзоларимиз ва туйғуларимизда ифбат муаммоси бўлса, аёл ва эркак бир-бирини кўришдан сакланмайди. Ҳаммасидан олдин асл бир ернинг иффати муҳим.

Холам нимадир демокчидек тараддудланди. Оналикнинг сири урган нур юзи қизикиш билан порлади.

– Қалб иффати.

Холам анчайин хайрон бўлди.

– Ҳалолнинг бўлмаган бири билан қандайдир муносабат ифбатни кетказса, қалбга ҳам Аллоҳдан бошқаси ҳалол эмас. Ундан бошқаси қалбга кирса, қалбнинг иффати кетади.

Менимча, холам қалб иффати ҳақида аввал эшитмаганди. Тушунмоқчи бўлгандек қаради.

– Холажон, бошқа туйғуларимиздаги ифбат камол нуктасига келса, қалбнинг иффати пайдо бўлади. Қалб – Аллоҳнинг маҳрамидир. Барча номаҳрамлар у ердан отилса, қалбнинг иффати тугал бўлади. Қалб ифбатга эришибгина Ҳаққа юради. Қалблар Унга боришда қийналса, ифбатда муаммо бор.

Ийша холам боласи учун ифбатли қалб дуосига тушди.

Иффати мустаҳкам бир аёл, албатта, фарзандини у ҳали дунёга келмай туриб ўйлаётганди. Боланинг иффати онасининг иффатича эди.

– Марям, фарзанд иффати учун нима қилиш керак?

Иккаламизнинг хаёлимиз ҳам гўдакка кетди. Тугилмай бурун яхши кўриб қолдик уни. Қалблари-

мизга ўзидан аввал муҳаббати тушганди, ичимизда
меҳри зохир бўлганди.

– Боланинг иффати ота-онасининг иффатига боғ-
лик. Хомиладорлик пайтида онага тушган бир назар-
нинг ҳам болага таъсири бор.

– Нимадек?

– Ёмон ахлоқдек.

ПОК ШАЪН

Кичик деразамдан тушган куёш нурлари пешин бўлганидан дарак берди.

Фикримни бўлмаслик, узлатимга ҳалал бермаслик учун холам зиёратимга оралаб келарди. Бу гал чақалоқ хушxabари билан биров кўпроқ қолди.

Хотиржам эди.

– Роббимиз бизни нақадар яхши кўради. Муқаддас китобларида аввалги пайғамбарлардан бизга дарс беради, – деди.

Холамнинг ҳар он ўрганиш ва ҳар он ибодат қилиш иштиёқи тўла ғайратига ҳайрон қолардим.

– Аллоҳ уларга ўхшашимизни истайди, холажон, – дедим.

Холам ибодат қилишга турди. Мен ҳам ифбат дуосига тутиндим.

– Роббим, мени иффати мустаҳкам қулларингдан айла!

Бутун пайғамбарлар шундай дуо қилишган. Ифбат пайғамбарларнинг васфидир. Хоссатан, аёлда. Ифбат аёл кўркининг закоти ҳамдир. Закотни бу оламда адо этгани нисбатида охиратдаги гўзаллиги ортади.



Холам шу кунларда иффат ҳақида кўп ўйлаётганди. Чунки туғилажак гўдагининг алоҳида хусусияти иффат бўлишини айтганди. Хаёлларидан айрилиб, бошини мен тарафга бурди. Билдимки, айтадиган қаломида сўроқ юки бор:

- Марям, ҳаё устунми, иффатми?
- Холамга ҳазрати Лукмондан ўғли шунга ўхшаш савол сўраганини айтиб бердим.
- Эй отажон, одоб, насаб, мол ва илмдан қайси бир устунроқ? - деб сўрабди Лукмони ҳақимнинг ўғли.
- Ҳазрати Лукмон ўғлига шундай дебди:
- Одоб насабдан, илм молдан хайрлидир.
- Энг яхши хислат қайси?
- Диндор бўлиш.
- Бу хислат иккита бўлса-чи?
- Диндорлик ва мол соҳиби бўлиш.
- Учта бўлса?
- Диндорлик, мол ва ҳаё.
- Тўртта бўлса?
- Диндорлик, мол, ҳаё ва гўзал ахлоқ.
- Бешта бўлса?
- Диндорлик, мол, ҳаё, гўзал ахлоқ ва жўмардлик.
- Олтита бўлса?
- Ўғлим, кимда бу беш хислат бўлса, у такво аҳлидан бўлади. У Аллоҳнинг дўстидир. Шайтон ундан узоқ туради.

Холам табассум қилди. Онани ҳис қилганим, ўқсизлигимни кетказганим, бу нурли юзга тўйиб-тўйиб қарадим:

- Холажон, бу хислатларнинг бири бирини тўлдиради. Иффатни етиштирган нарса ҳаё бўлади. Ҳаёсизлик кишини куйфрга бошлайди. Ҳаё ҳам иффат билан камол топади. Шайтоннинг сифати ҳаёсизлигидир. Ҳақиқий ҳаё аввало Аллоҳдан уялишдир. Фа-

риштарнинг борлигини ҳис қилиб, улардан ҳам ҳаё қилиш керак.

Аллоҳдан ҳаё қилган қалб ифбатли бўлади. Қалбида ҳаё бўлганнинг ҳаёли ҳам ифбатли бўлади.

Ахлоқ ҳаёдир, холажон, ҳаё эса ифбатдир.

Холамнинг кўзларида ёш йилтиради. Менга ҳайрон қолишини ўзига ўзи гапираётгандек пичирлаб айтди:

— Марям, сен камолот чўққисига чиқибсан. Сен шаъни поксан. Ифбат чечагисан. Болажони, сен наботи илоҳийсан.



ОЛОВДАГИ ГУЛ

Холам: «Марям, сен ўз хаётингни гапиряпсан асли. Бу масжидда нечта ўғил бола борлигини биласанми?», – дея сўради.

Билмасдим.

Жавобсиз қолган саволига ўзи жавоб берди:

– Тўрт юзта. Ўн йилдан бери шу ердасан, бирортасининг исмини биласанми?

– Йўқ.

– Бирортаси билан гаплашдингми?

– Йўқ.

– Бирортасини кўрдингми?

– Йўқ.

– Бу ерда эркаклар борлигини хаёлингдан ўтказдингми?

– Йўқ, холажон, Аллоҳ Қуддусдир. Ҳам “Ё Қуддус!” деб, ҳам қалбимизни, ҳам хаёлимизни кирлатсак, сохтакор бўлмаймизми?

Холам юзимга кулиб қаради.

Роббимга ифбатсизлик қилолмайман. Қалбимга, кўнглимга, хаёлимга тушадиган нарса Роббимга нисбатан ифбатсизлик бўлади.

Ҳар доим “Ё Мониъ!” дейман. Қалбимда Ўзидан



ташқари ҳамма нарсага тўсик кўяман. Номахрамнинг киришига монёъ бўламан. Қалбимни Асмоул хусна саройи бўлишини истайман. У ерда Роббим борлигини шундай ҳис қиламанки, ўша лаҳзадаги ҳаё мени саждага кетказди.

Холам узун кўйлагини химариб ўтирган еридан турди. Кетар пайти эди.

– Марямим, сен Ҳафийз исмининг тимсоли, Қуддуси исмининг ойнасисан, – деди.

Иккаламиз ҳам тик тургандик.

Холам кўлларимдан ушлади. Ўзининг кўзларига ўхшайдиган қора кўзларимга боқди. Худди гапи билан дуо қилувчи онага ўхшарди:

– Марямим... Марямим... – деди.

Холамнинг кўзларидан оққан ёшлар ҳовучларидаги кўлларимга тегди. Баҳорнинг янги чечагига куз ёмғири тушгандек эди. Кўлларимни ҳовучлари орасида силаб меҳр кўрсатди.

– Сен илоҳий чечаксан. Аллоҳ сени бир гулдек етиштирди. Сенинг маънавий ифоринг қиёматгача аёлларни хушнуд қилади. Сен аёл дунёсининг иффат гулисан. Сен аёлларнинг ҳаё тожисан.

Дунё тупроғида очилган охират гулисан. Бутун гуллар ранг оладиган одоб чечагисан.

Сен фаришталар суйган чечаксан.

Гулларнинг энг гўзалисан. Ҳеч бир номахрамнинг назари боғланмаган маҳрамият гулисан.

Асмоул хусна гулисан.

Роббим етиштирган аёллик гулисан.

Қалб чечагисан. Сен иффати қалбсан...

МУЖДА

Роббимнинг жамоат билан рукуъ ва сажда кил, деган буйругига кўра коинот жамоатида жам бўлдим. Меҳробим коинот қадар кенгайди. Бор хис-туйғуларим билан бутун коинотни ортимдан эргаштириб у эшикка равона бўлдим.

Барча фаришталар билан рукуъ қилиб, бутун коинот билан саждага борардим.

Хужрамга ажиб ойдинликнинг нури тушди. Атрофни гул хиди тутиб кетди. Қалбим маънавий бир кўркувнинг бахтиёрлиги билан тўлқинланди.

Билдим. Ўша дўстлардан аввал нурлари ва ифорлари келарди. Меҳмонлар келиши керак. Одоби ҳол ҳар ерни эгаллади. Атрофда хис қилганларим ўзларини ошкор этди.

Малаклар!

Бу сафар бошқача эдилар. Бир хушхабар билан келишганди.

– Эй Марям, албатта, Аллоҳ сенга Ўзидан бўлган сўзнинг башоратини бермоқда, унинг исми Масих Ийсо ибн Марям, бу дунёю охиратда обрўли ва яқин бандалардандир.

У одамларга бешикда ҳам, қариган чоғида ҳам га-



пиради ва солиҳлардандир.¹

Хайратга тушдим. Фаришталарга хайрон бўлиб
бокдим. Сўрадим:

– Менга башар қўл теккизмаган бўлса, қандай ки-
либ болам бўлади?!²

– Шундай, Аллоҳ хоҳлаганини яратади. Бир ишни
ирода қилса, «Бўл!» дейиши кифоя, бўлаверади.³

Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида Ийсо худди Одамга
ўхшайди. Уни тупрокдан яратиб, сўнгра унга «Бўл!»
деди, бас, у бўлди.⁴

Жим қолдим.

Изтироб ва саодат энг юкори чўккига чикканда
сўз хомушланаркан. Кўнгил гапирганда каломнинг
тили тутиларкан.

Моддий ва маънавий ризқ билан келувчи фа-
ришталар бу сафар бошқа бир ризқнинг муждасини
келтиргандилар. Келиши кутилаётган пайғамбарга
она бўлиш хушхабарини олдим. Исми ҳам Роббим
томонидан берилди.

Ичимга ҳаяжон, елкаларимга буюк бир вазифа-
нинг оғирлиги тушди.

Қалбим бир онда Аршга юксалди. Худди баданим
дунёдан кетгандек бўлди. Мужданинг оғирлиги би-
лан севинчи бир-бирига тенг келди.

Жалол ва жамолни айни онда ҳис қилдим.

Сабр қиларканман, ҳамд айтдим.

Кутдим.

Малаклар илоҳий мужданинг хурсандчилиги би-
лан кетдилар. Ортларида ифорлари ва маънавий лаз-
затлари қолди.

¹ Оли Имрон сураси, 45-46-оятлари

² Оли Имрон сураси, 47-оят.

³ Оли Имрон сураси, 47-оят.

⁴ Оли Имрон сураси, 59-оят.

Кўнглим чексиз бахтиёрликнинг шукрини бошла-
ди.

Ибодатларим шукр билан баракатланди.

Роббимга нймоним ниҳоясиз эди.

Итоат этдим, бўйин букдим, қудратини тафаккур
қила бошладим.

Роббимдан ва малакларидан уялдим. Ҳайнинг
рангги танимга урди. Севинч ва адаб ошпоқ юзимда
жилваланди.

Ж

ЖАВҲАРИ КОИНОТ ПУФЛАНИЯПТИ

Жамлик ҳақиқатида эдим. Жам ҳақиқати бутун фикрни, ниятни Аллоҳнинг хузурида тўплаш, айрилиқни, узокликни кетказиш эди. Бу ҳақиқатга эришилганда дуолар дарҳол қабул бўларди.

Ибодатларим коинот билан жамулжам эди, меҳробим бутун оламлар билан. Вақт окшом этагида тебраниб турганди. Кун маънавий ёруғликлар учун тўпланаркан, руҳимнинг маънавий олам йўллари очилаётганди. Борлиқ учун кеча етарли эди. Тун бўлмаса, борлиқ қусурли, ибодат таъмсиз, бандалик оксаб қоларди. Инсон кечанинг сирини қалбдан топиши билан бошқача бўларди. Тунларимни ғафлат қоронғилигидан узок қилгани учун Роббимга шукр қилдим.

Меҳробим хира нурнинг тебранишида эди, қандайдир бир ҳолат мени чўчитди. Фаришталарнинг ойдинлиги ва ифорларини билардим. Бу эса бошқача. Ўнг томонимга қарадим. Қўрқув ичимда лов-лов ёняпти... Кўзларим чорасиз. Тиззаларимдан мадор кетган. Тилим сўздан қолган. Қўрқувни бир онда бутун аъзоларим билан илк марта ҳис қилдим. Рўпарамдаги ёш йигитга қўрқувдан титраб қарадим.

Хужрамга Закариё пайғамбаримдан бошқа ҳеч ким киролмаса, у билан ҳам фақат парда ортидан гаплашсам, бу ким бўлди? Қандай кириб келди? Бир лаҳза йўқ бўлишни, йўкликни ҳис қилдим. Бу бир ёш қиз учун оғир таҳлика эди. Айниқса иффати мустаҳкам қизнинг бошига тушадиган энг ёмон нарса эди.

Кўзларимда гуноҳ акс этишидан кўркиб, назаримни ерга солдим. Кўзимга бир ҳаром бокиш тегмаслиги керак эди. Бу кўзларим билан Роббимни кўришни хоҳларканман, у ерга қандай гуноҳ тегсин? Басийрнинг ойнаси шу кўзлар эмасмиди?!

Уялдим. Уятимни кўркувим босиб кетди. Кўрқдим. Аёл киши бир эркак билан ёлғиз қолишдан иффати қадар кўркарди. Ҳар заррам кўркув билан дирдир титради. Юсуф Зулайҳодан кўркқандек кўрқдим. Юсуф қочган эди. Мен қочиш учун оёқларимда куч, танимда жон тополмадим.

Аёл исми Ҳофийзнинг сирини эди. Бу исмга доғ туширишдан аёл киши кўркиши керак эди. У исмнинг бир ойнасига ҳам доғ тушса, Арш ларзага келади. Исми Ҳофийз хижоб эди.

Аллоҳим, пайғамбаринг Юсуф Сенга сиғингандек мен ҳам Сенга сиғинаман. Роббим, иффатимга тушадиган нуқтадек доғдан Сенга сиғинаман. Иффат доғи тушган бир руҳга маънавий йўллар беркилади. Ўзимни тўпландим. Гўёки коинот билан бирга тўпландим. Иффатимда жамландим. Кичрайдим. Жунжикдим.

“Мим” бўлдим.

Борлиғим “мим”нинг сажда холига айланди. Рухим ўша эшикда саждага кетди. Кўркув ожизлигимни ошқор қилди. Кўркув билан бутун аъзоларим ичимда тўпланди. Кўркувнинг жамлаш сирини биринчи марта ҳис қилдим. Роббимнинг ҳузурда титрадим. Кўркувдан Роббимга қочдим. Борликдан

чикиб, еру кўклардан ўтиб Унинг хузурида йўклигим билан бор бўлдим.

Аллоҳим, Сенга сиғинаман!

Рўпарамдаги йигит менинг не қадар кўрққанимни кўрди. Унга айтдим:

– Мен Роҳмандан сендан паноҳ беришини сўрайман. Агар такводор бўлсанг...¹

– Мен сенга бир пок ўғил ҳадя этиш учун Роббининг элчисиман, холос.²

– Менда қаёқдан ўғил бўлсин, менга башар тегмаган бўлса, мен бузук ҳам бўлмасам?!³

– Ана шундай. Роббинг айтди: «Бу Мен учун осондир. Уни одамларга белги қилишимиз учун ҳамда Биздан раҳмат бўлиши учун. Бу ҳукми чиқиб бўлган ишдир.»⁴

Роббимнинг буйруғига итоат қилдим. Ичимдан оламлар тўпланганди. Қиёмат шундай бўладими? Бир кичик борликда ҳамма нарса жам бўладими? Коинотнинг нақадар кичик эканини тушундим. Коинотдан ошдим. Бугунги сиқилишдан руҳимнинг мағзи чақилди. Ҳашр шундай бўлади, деб ўйладим. Рух мағзи қобиғидан чиқиши учун оламларнинг қобиғи жалол билан ёрилиши керак эди. Эзилдим. Гўё бутун оламларнинг остида баданим кулга айланди. Оғирлик таъсирида нафасга олишда ҳам қийналиб қолдим.

Йигит мендаги руҳий ҳолат ўнгангунча кутди. Тин олдим. Бегона турган еридан қимирламай мен тарафга юрди. Фақат пуфлади... Йигитни Роббим юборганини англадим. Эҳтиром билан турдим. Маънавий кўрқув ичимга юрди.

¹ Марям сураси, 18-оят.

² Марям сураси, 19-оят.

³ Марям сураси, 20-оят.

⁴ Марям сураси, 21-оят.

Кўрқув ичимда жалол, кўрқув ичимда жамол,
Аршнинг кўрқуви рухимда камол бўлди.

Йигит фақат пуфлади.

Бир шифо дуоסי ила “шуууф” дегандек.

Маънавий шивирлаш билан пуфлади.

Бир елпиғични тебратган каби.

Кўрқувни, кудратни нафас қилиб пуфлади.

“Бўл!” амрини ҳаво билан олиб келгандек...

Ҳаётни кўрқув билан пуфлади...

Ҳайй исмини ичимга солгандек бўлди.

Коинот жавҳари менга тушди.

Жалол ва жамолнинг барзаҳида эдим.

Титрадим...

ИЛОҲИЙ ЮК

Сирим қалбимда эди.
Баданимни руҳнинг ўзига хослиги кучди.
Пуфланишни ҳар бир заррамда ҳис қилдим. Руҳ баданининг ҳар ерида қандай ҳис қилинса, бу ҳам шундай эди.

Роббимнинг амри жонли эди. У буюрганида жонланмайдиган ҳеч нарса йўқ эди. Мусо пайғамбар замондаги Самирийни эсладим. У одамлар сифиниши учун бузоқ ясарди. Жаброил оёқ босган тупроқдан бир ховуч олиб, бузоғига отди. Ҳайвон бўқирди.

Мен ҳам иштиёқ билан нафаснинг таъсирини кутаётгандим. Кўринган кишининг нафасига ишонаётгандим. Роббим ўсимликларни ҳаво билан урчитгани каби шифони ҳам ҳаво билан берарди.

Аллоҳ калом билан яратувчи эди.

«Калимам» деганини ҳам айни шаклда яратарди.

У хоҳласа, ҳамма нарсани жонли қилар, ҳамма нарсани гапиртирарди. Жаннат ва жаҳаннамда ҳамма нарса жонли эмасми?! Жаннат ўзига кирганлар билан севиниб гаплашади. Жаҳаннам ўзининг ичидагиларга газабланади, уларни безор қилади. Роббимнинг жон бахшида қилиши учун сабабларга эҳтиёжи йўқ

эди. Одам отамизнинг на онаси, на отаси бор эди.

Фарзандим Одам каби бўларди. Кутдим.

Таваккул ва таслимият билан кутдим.

Қалбимдаги ишонч билан кутдим.

Кунлар бир-бирини қувлади. Калима ўзини баданимда ошкор этди. Ҳомиладорлик деган нарса шу бўлса керак. Нозик баданим янада нозиклашди. Оқ юзим сарғайди. Миш-мишлар бошланди.

– Марям хомиладормиш!

– Воййй, қанақасига?

– Шунақасига.

– Бўлиши мумкин. Яқинда келадиган Масих пайгамбар бокира бир киздан туғилади-ку!

– Қаердан биласан ўша киз Марямлигини?

– Ундан бошқа ким ҳам бўлиши мумкин?!

– Масих Довуднинг насабидан бўлади. Марям ҳам Довуднинг насабидан.

– Байтул Мақдисга Марямдан бошқа бирор киз қабул қилинганми?!

Холам гап-сўзларни эшитиб, мени кўргани келди. Туғишига оз қолганди. Эшикдан кирибоқ йиғлашга тушди. Ранги сарғайди.

Кўзларимга меҳр билан қаради.


Тинчландим.

Холам яна ўшандай меҳрли нигоҳлари билан боқиб:

– Марям, – деди, – Марямим, биласанми, нима учун йиғладим? Хужрага кирганимда ичимдаги сенинг ичингдагига салом берди.

– Билдим, холажон! Лекин сиз ҳам менга ишонмагансиз, деб ўйладим.

– Сенга ишонмай ўлибманми?! Туғилмасингдан олдин Аллоҳга бахшида қилинганигни ҳамма билди. Бу болалар ҳам дунёга келмасларидан аввал



исмлари кўйилган пайгамбарлардир. Бир пайгамбар яна бир пайгамбар билан она қорнида рўпара келди. Бир-бирларини таниб салом беришди. Бу қандай бахт!

– Албатта, танийдилар! Бири пайгамбар фарзанди, бири пайгамбар набирасининг ўғли. Келишлари муждаланган икки пайгамбар бир-бирини танимаслиги мумкинми?

Холам менинг бу оғир синовимда елкадош бўлишни истаётганди.

– Марям, қизим... Отасиз бир фарзандга юкли бўлишнинг оғирлигини сендан бошқа ҳеч ким билмайди. Исо пайгамбар билан коинот нури бўлмиш сўнгги пайгамбарнинг ҳам сирига юкландинг, буни биласан.

Холам чорасиз кишидек бўйнини букди. Бир асрга яқинлашган ҳаёт тажрибасини, бандалик сирини тушунтирди. Холам гўёки ҳаёт дафтарини ўқиётгандек эди.

– Болам, унутма, изтироблар бахтиёрликнинг вазнича бўлади. Муқаддас китобларимиз туғилажак ўғлинг азоблар тортишини айтяпти, тайёр тур.

Уруғнинг қобиғи ёрилмаса, униб чиқмайди. Биламан, азоблар бўлади. Ёмғир ёғмаса, дарахтлар ўсмайди. Албатта, кўзёшлари оқади.

– Биламан, хола, – дедим. – Мен Роббимнинг берганларию берадиганларига розиман. Розилик топган бандага айланиш учун, аввало, банданинг ўзи рози бўлиши керак.

Ўғлим – Аллоҳ таолонинг калимаси. Ҳеч ким йўқлигида мен билан гаплашади. Туғилмаган бола гаплашадими? Кимдир келса, жим бўлади, махфий зикр бошлайди.

– Марям, она нима бўлса, фарзанд ҳам шу бўлади. Сенинг зикр қилмайдиган бирор зарранг борми? Се-

нинг Аллоҳдан бошқасини тушунган бирор лаҳзанг борми? Албатта, боланг зикрни ва фикрни ўрганади-да.

Такдирга ризо сирида боқдик.

Иккаламиз ҳам илоҳий фармонга кўра юкли эдик. Биримиз юз ёшга яқинлашган она, биримиз бокира бир она. Нурли ҳомилаларимиз сабаб тақдиримиздаги синовлар бўлишини тушунаётгандик. Бу илоҳий юкнинг бадалини билардик. Илоҳий ваҳийнинг оғирлигини ҳис қилаётгандик. Пайғамбар оналигини бизларга юклаган Роббимизга ҳамд айтиб, илоҳий юкларимиз учун кўзёшларимиз билан дуо қилаётгандик.

МИШ-МИШ

Мен ҳақимда аввало Қуддуснинг қизлари, аёллари гап қилди. “Биласизми?” “Эшитдингизми?” деган сўзлар билан бошланган суҳбатлар ёмон гумон, гийбат ва бўҳтон билан битарди.

– Каранг, – деди қизлардан бири, – қилмишини қандай яширган. Биладики, Масих Довуднинг насабидан бўлади. Бокира бир қиздан туғилади. Онаси нима учун у бўлсин?!

Ҳасад олови билан уни тинглаган дугонаси:

– Тўғри, – деди, – шундай гуноҳга қўл урганини-чи! Камига Байтул Мақдисда!

Миш-мишлар қанот чиқарди. Холам ёнимга тез-тез келадиган бўлди. Сабр қилишим керак эди. Сабр тегирмонида сукутни янчиётгандим. Қуддус синовда эди. Ҳамма миш-мишчи бўлганди. Фасод сўз келтириб, гийбат қиларди. Қуддус ютқазаётганди. Қиёматгача давом этадиган бу фитнани ўзларига тамға қилаётган эдилар. Тухмат қилган на дунёда, на охи-ратда куларди. Бечора холам юзимга қараркан, нима дейишини ҳис қилардим. Холам менга тасалли беришидан кўпроқ унинг ўзига тасалли берардим. Холам бошларини қўлларининг орасига олди: “Марямги-

нам”, – деди. Кўзлари ёшланди. Сўз бошлаш учун ютинди.

– Шу юздаги маъсумликка, шу юзда акс этган иф-
фатга, шу юздаги нурга қандай қилиб тухмат қилиш
мумкин? Ҳеч номахрам назари тушмаган шу юз учун
ўшандай сўзларни гапириш тўғрми?

– Иблисни иблис қилган нарса нима, билмай-
сизми? Ҳасад. “Нима учун мен эмас, у” деди иблис.
Аллоҳга борар йўлда ҳар доим нимадир кечиб ўти-
лади. Аллоҳ бизни бошқаси билан синайди. Иблис-
нинг Аллоҳга борар йўлида Одам бор эди. У Одамга
ёпишиб олди. Ҳасад қилди. Ҳасад қалбни ўлдирувчи
оғуға ўхшайди. Қалбга тушиши билан бутун хислар-
ни захарлайди. Ҳасад қилган ёмон гумонга боради.
Ёмон гумон ғийбатга бошлайди. Ғийбат ўзига ёлғон-
ни эргаштиради. Ёлғончи бўхтон сўзлайди. Ҳаммаси
бир-бирини етаклаб келади.

Холам тинчланди. Шунча ғийбату бўхтон олдида
таваккул ва таслимият ила туришим уни хурсанд қил-
ганди. Юзида ҳузурнинг равшанлиги билан ёнимга
яқинлашди. Қўлларимдан ушлади. Кексалик кичрай-
тган қора кўзларини катта-катта очиб менга қаради:

– Яқинда Масих пайғамбар келишини улар ҳам
билишади. Бундай оналикка Марямдан бошқа ким
сазovor бўлиши мумкин?! Нима учун шуни ўйлаб
кўришмайди? Аллоҳ ҳимоясига олган кишига ким
қўл теккиза олади?!

Роббимиз сени Иброҳим пайғамбаримиз каби ўт
ичида саклади. Олов у зотнинг кўйлагини ҳам ёқа ол-
маганди. Тўрт юз эркак талаба бор жойда на бир ўғил
бола сени кўрди, на сен улардан бирини. Тўрт юз эр-
как ичида нафс оташи сенга илашган эди.

Аллоҳ сенинг воситангда ҳаммамизга иффатни
ўргатди. Сен “Ё Ҳофийз!” дединг. Аллоҳ сени шун-

дай хифз этдики, фаришталардан бошка хеч кимга кўрсатмади.

Холам менга тасалли бермоқчи эди. Такдирнинг тасаллиси қайғуда сақланган. Ҳар бир мусибат бир хазина, сабр кашшофидир.

– Қайғурманг, холажон.

– Биласанми, Марям, энг гўзал аёл ким?

Холамнинг ўзи жавобини айтиши учун қараб турдим.

– Энг гўзал аёл номахрамнинг сояси ушмаган аёлдир. Сен аёлларнинг махрамда ўрнагисан. Сен бутун номахрамлардан сақландинг. Роббимиз аёлда жамол сифатини акслантиради. Аёл иффат чачвони такқанида жамолга ойна бўлади. Иффат чачвони тушган аёлда жамол ҳам ич-ичига тушади. Аёлнинг асл жамоли қалбдаги жамолидир. Қалбнинг жамоли эса иффат билан бўлади.

АМАКИВАЧЧА

Холамнинг кўзи ёриганди. Кўп вақтдан бери ёнимга келолмайди. Мен ҳам олти ойлик хомиладор эдим.

Холимни ўйлаб бироз ғамга тушдим, лекин “Аллоҳ – лутф соҳиби” дедим. Аллоҳнинг бу оғир имтиҳон ортидаги лутфини ўйлаб сабр қила бошладим.

Бола баданимда билингани сайин одамларнинг ҳайрати ошиб, гап-сўзи кўпайиб бораётганди. Инсон ажиб ўзгарувчан борлиқ эди. Бир неча ой аввал ҳамма мени фаришта деб биларди, энди тушунчалари ўзгариб қолди.

Киши яхши гумондан нима учун қочади, ахир? Қалбимизда гумон туйғусини яратган Аллоҳ бизни шу билан имтиҳон қилади. Яхши гумон инсонга зарар бермайди. Шунда ҳам инсон ёмон гумонга бораверади. Қалб гўзал бўлса, гумон ҳам чиройли бўлади.

Қуддусда гўёки ҳамма инсоннинг ортидан иблисларга солаётганди. Мен ҳақимда турли васвасаларга солаётганди.

Мен, холам ва Закариё пайғамбарим ёлғиз қолгандик. Аллоҳга яқин бўлганларнинг синови ёлғизлик

эди. Қалб дунёга берилган миқдорда, инсон дунёга югурган нисбатида Унинг эшиги ёпиларди.

Хужрамда ўзимни Нухнинг кемасида кетаётгандек ҳис қилардим. Нух пайғамбар кема ясаркан, у нимага ҳам керак бўларди, дея мазах қиларди. Лекин энг сўнгида, Нух пайғамбар ва унга ишонган бир гуруҳ кишилар бу кема билан буюк тўфондан ўтиб саломатлик соҳилига етиб олгандилар. Кулганлар эса ҳам дунё, ҳам охират ҳаётини бой беришганди.

Мен ҳақимдаги миш-мишлар Қуддусдан ташқарига ҳам чиқди. Носиродаги амакимнинг ўғли Юсуфга ҳам етиб борибди. Одамлар Юсуфга ёмон гапларни гапириб, амакисининг қизини иффатсизликда айблашибди.

Юсуф Байтул Макдисда ибодатдан бошқа нарсага машғул бўлмаган амакиваччасининг бундай иш қилмаслигидан амин экан. Лекин ҳар кун янги бир гап ўртага чиқаркан. Амакиси Имроннинг қизи ҳақидаги гаплар тухмат эканини билса-да, ҳар нарсани ўз ўрнида ўрганиш кераклигидан Қуддусга келишга қарор қилибди.

Юсуф Байтул Макдисга менинг зиёратимга келди. Парда ортидан гаплашдик.

– Эй Имрон амакимнинг қизи, – дея гап бошлади.

Имроннинг қизи дейиши ичимни зирқиратди. Отажоним эсимга тушди. Юсуф таҳқиқ оҳангида сўради:

– Сен ҳақингдаги гаплар менга ҳам етиб борди. Нима бўлганини ўзингдан сўрашни хоҳладим.

– Эй амакимнинг ўғли, сўзнинг яхшисини гапир.

Мақсадим мени айбдор қилмаслиги, тухматга қолдирмаслиги, ишончдан чиқармаслиги, дуруст таҳқиқ этиши эди.

– Эй Марям! Уруғсиз экин чиқадими?

– Ҳа.

– Хўп, эй амакимнинг кизи, ёмғир тушмаган
нихол ўсадими?

– Ҳа, ўсади.

– Эр бўлмаса, бола бўладими?

– Ҳа, бўлади. Эй Юсуф, мендан шубҳанг бўлса,
Аллохнинг кудратидан ҳам шубҳанг борми? Сен
Аллох экинни яратганда уруғсиз яратганини бил-
масмидинг? Аллох илк дарахтни ёмғирсиз яратгани-
ни билмасмидинг? Аллох дарахтни ҳам, ёмғирни ҳам
бошқа-бошқа яратди. Ёмғир дарахтнинг ҳаёти учун
сабаб, холос. Сув бўлмаса ҳам, Аллох ўстириб қў-
йишига гумонинг борми? Яратган сувми, Аллохми?
Агар шундай бўлса, Аллох биринчи дарахтни яра-
тишга кучи етмаган бўларди.

Юсуф сокинлашди.

– Аллох истаганини “Бўл!” сўзи билан бўлдири-
шини мен ҳам яхши биламан.

– Эй амакимнинг ўғли Юсуф! Сен Улуғ Аллох-
нинг Одамни ва унинг аёлини ота-онасиз яратганини
биласанми?

– Ҳа, биламан.

Амакимнинг ўғли менга ишонарди. Фитна-фасод-
га эшиги очик бўлган нафсларни таҳқиқ билан бер-
китмоқчи эди. Юсуф ёнимдан кетаркан, ақлга кели-
ши мумкин бўлган бутун шубҳаларни йўқ қилганди.
Аллохга иймони яқийн ҳосил айлаганди. Юсуф яқин-
да келадиган пайғамбарнинг бокира онадан туғили-
шини ҳам яхши биларди. Одамлар бу онанинг Имрон
оиласидан бўлишини тахмин қилишарди аслида.

Юсуф бу мавзуда бошқа гаплашмаслик ва мени
хафа қилмаслик ҳаёли билан айриларкан, имтиҳон-
нинг оғир эканини ҳис қилиб турарди. Амакивачча
сифатида ўзининг ҳам бу имтиҳоннинг бир чеккасида

бўлишини тушунганди.

Юсуф ўша тун Носирога қайтмай, Байтул Мақдисда қолибди. Тушида бир фаришта унга овоз берди:

– Эй Юсуф! Марямнинг қорнидаги Аллохдандир! Аллох сени элчисини ҳимоя қилишинг ва уни қўллаб-қувватлашинг учун танлади.

Юсуф уйғонганида қалбига ишонч кирганини ҳис қилибди, Аллохга ҳамд айтибди.

Мени таҳқиқ қилишга келган амакиваччамни Аллох менга ходим қилиб қўйди.



ҚАЛБ ЮСУФНИНГ ҚАРДОШЛАРИ

Куддус алғов-далғов эди. Қалблар ўрта-га тўкилди. Ходисаларда қалб кўринарди. Одамларни танисмай қолдим. Қалбларида шулар бор-миди?

Қалбни ҳазрати Юсуф ва унинг акаларига ўхшат-дим. Қалб гўзалликка ойна бўлиши билан Юсуф эди. Бир томондан эса унинг акалари эди. Қалб Юсуфи-нинг ўн бир қардоши бор эди:

ёмон гумон,
ғийбат,
хасад,
ёлғон,
танқид,
туҳмат,
нотўғри таъвил,
манманлик,
ғурур,
хирс,
очкўзлик.

Юсуфнинг акалари қалбидаги хасад бўриси Юсуфга тузоқ курдириб, уни кудукқа оттирганди. Кейин оталарига бўри еб кетди, дейишди. Яъкуб пай-

Ғамбар уни қайси бўри еганини биларди. Юсуфини еган ҳасад бўриси олдида улардан юз ўгириб, «Мен ғамимни ҳам, қувончимни ҳам Ўзига айтаман» деди.

Ҳасад бўриси яшаётган юракка ҳеч нарса дейилмаслигини улуғ пайғамбар яхши биларди.

Байтул Макдисда қалбдаги бўрилар изғиб қолди. Ҳеч қанча ўтмай Байтул Макдиснинг киборлари мен аҳлининг нияти қарор келиш учун тўпланди. Мажлис қарорни ҳамманинг ичида тасдиқлатиб олиш эди.

Йиғилганлар орасида илк сўз олгани:

– «Марям гуноҳ қилди. Қилганда ҳам бу иш Байтул Макдисда бўлди. Жазоси Мусонинг шариатиға кўра бўлиши керак», – дебди.

Закариё пайғамбарим унга қарши чиқибди:

– Бундай нарсаға қандай ишондингиз? Кечагина барчангиз «Марям ҳурматидан...» деб дуо қилаётгандингиз. Маъбад эшигида Марямнинг файзидан файз олиш навбат кутганлар сизларнинг аёлларингиз, қизларингиз эмасми? Айтинг-чи, нечтангиз Марямни кўрдингиз?

Атрофни сукут қоплабди. Кўнгил кўзларини беркитишни истагандек бири ўртаға чиқиб:

– Закариё! Марямни сендан бошқа кўрган ҳам йўқ, хужрасига кирган ҳам йўқ.

Бу аҳмоқона айблов ўртаға олов тушгандек тушибди. Ҳамма жим бўлибди. Закариё пайғамбаримнинг кекса гавдаси шиддат билан турибди:

– Мени айбдор қиляпсизми?! Мен Марям билан парда ортидан гаплашяпман. Бу ёшда менга тухмат! Пайғамбарға тухмат қилган миллат халос бўлмайди. Марямға қилинган тухмат Аллоҳға қилинган тухматдир! Аллоҳнинг қудратига ишонмасликдир. Марямға қилинган тухмат туғилажак пайғамбарға тухмат

бўлади. Бу тухматингиз жазосидан ҳеч бирингиз на дунёда, на охиратда кутула оласиз.

Жимлик...

Мажлисга келганлар фикрларини сўзлаш ўрнига бир нечта фитнабошининг гапларини индамай эшитишдан нарига ўтишмабди. Закариё пайғамбарим мажлис таҳқиқ учун эмас, тухматни тасдиқлаб олиш учун чакирилганини пайқабди. Уларга болалигимдан, мени хомийликка олиш учун қилган жанжаллардан, онам Ҳанна билан отам Имроннинг маънавий буюклигидан гапирибди. Бола пайтим ўқиш-ёзишни билишимга ишонишмагани сабаб имтиҳон қилиб кўришганини эслатибди.

Ҳирс сукунати бироз юмшабди. Ҳалим пайғамбарим давом этибди:

– Марямнинг ёзишига ишонмаётган эдингиз. Жажжи Марямни ёнингизга олиб келдим. Олдига қаламларни кўйдингиз. Маъсум қизча қайси қаламга қўл узатса, у синиб қолаверди. Эсладингизми? Ҳаммангиз қаҳқаҳа отиб кулгандингиз ва масхара қилгандек «Бу қандай хаттотки, қайси қаламга қўл узатса, синдириб кўйяпти?» дегандингиз.

Кўқарган юзларга қараб:

– Эсланг! – дебди Закариё пайғамбарим. – Эсланг, Марям сизга нима деганди?

Юзлар уятдан ерга қарабди. Закариё пайғамбарим ўша куни мен нима деганимни уларга эслатибди: «Менинг бир дуоим бор. Аллоҳим, кўлимни ҳаромга узатма!»

Закариё пайғамбарим давом этибди:

– Ҳаром пул билан олинган қаламларга қўл узатмаган Марямнинг бундай ҳаром иш қилишини қайси ақлингиз билан ўйладингиз? Марямнинг табаррук эканини билиб туриб, бундай тухматга нега ишо-

няпсиз?

Жавоб беришолмабди. Закариё пайғамбарим яна сўзлабди:

– Сизлар ҳам биласизки, яқинда келадиган Масих пайғамбар бокира бир онадан туғилади. Буни инкор қила оласизми?

– Шундай. Инкор қилмаймиз. Қуддусда қанча-қанча бокира бор экан, ўша қиз айнан Марям эканини қаердан биласан?

– Марям Сулаймон ва Довуд пайғамбарларнинг насабидан. Масих ҳам ана шу насабдан бўлади.

Шайтон билан бирга ҳаракат қилаётган кимса ҳар жойда эътироз нуқтасини топа олади.

– Сулаймон ва Довуд пайғамбарларнинг насабидан бўлган бошқа қизлар ҳам бор.

Яна бири:

– Ўша она бизнинг қизларимиз бўлмасинми?, – дея гапга аралашибди.

Закариё пайғамбарим ҳасаднинг қаёқларга олиб боришини биларди. «Нима учун менинг қизим, менинг қариндошим эмас, айнан Марям?» Такдирга эътироз.

Закариё пайғамбарим биладиларки, кимда манманлик кўп бўлса, ҳасад ҳам шунча кўп бўлади. Уларга шундай дебди:

– Такдир Аллоҳдан. «Нега мен эмас, у экан» дейиш Аллоҳ ҳукмига қарши чиқиш бўлади. Айтинг-чи, Аллоҳга она қорнидан бери кеча-ю кундуз тўхтовсиз ибодат қилаётган бошқа бирорта қиз борми?

Закариё пайғамбарим ичларидаги ҳасад билан тухматга ёпишиб олган бу кишиларга танбех берибди:

– Қаранг, Марям ҳаммамизнинг баракамиз. Уни Роббимиз улғайтирди. Едирди, ичирди. Фаришталар

билан учраштиради. Хужрасига юборган неъматлари барчамизга аён. Марямнинг баракасидан мен ҳам фойдаландим. Роббим менга шу ёшимда фарзандни унинг хурматидан берди.

Мажлис қарор бериш эмас, уруш-жанжал учун бўлади. Ғазаб бор жойда нафс бўлади. Жаҳл келганида ақл кетади. Ҳамма бир Иблис бўлиб Закариё пайғамбаримга ҳужум қилишибди. Закариё пайғамбарим энг ишонган талабаси Натанга қарабди. Унинг ичида эса вафосизлик.

Қалби набавий нигоҳдан яланғочланиб қолган Натан уялиб, бошини ерга эгибди. Натаннинг рўпарасида маъбаднинг ашрофларидан бўлмиш поччаси ўтирган экан. Натаннинг қалби Закариё пайғамбарим билан, лекин опасининг эри унга берган давлатлар эвазига Натаннинг ақлини сотиб олган эди.

Закариё пайғамбарим изтироб билан титрабди. Кекса юзлари ундаги вафосизликнинг изларини ошқор қилибди. Мўртлашган суяклари янада зирқираб оғрибди. Нозик юраги ларзага келибди. Сабр либосини устига ташлабди.

Ғазаб, нафрат ва ҳирс тушган ер Иблис изғиган ер бўлади. Шайтон кезган жойдан виқор айрилади. Закариё пайғамбарим шайтон гапиртирган кимсалар олдидан ғазабини ютганча виқор билан чиқиб кетибди.

Мажлис эртаси кун мен ҳақимда қарор чиқариш билан тугайди. Аслида, қарор қабул қилиниб бўлганди. «Марям гуноҳ қилди. Бу гуноҳ учун Мусонинг шариатига кўра тошбўрон қилиб ўлдирилади».

Закариё пайғамбарим ёнимга келди.

– Марям, кетяпсан, – деди.

Қадарни ва қарорни индамай қабул қилдим. Сўраш эътироз эди. Закариё пайғамбарим вақтини айтди:



– Тунда.
Хар нарсани тушундим. Роббим кўнглига кўл сол-
ган бандаларининг сири тун эди.
Тун бор сирым бўлурди.

ЯЛДО КЕЧАСИ

Тун эди. Хуркак бир юрагим билан кечадан кўрдим. Кеча Зулайхонинг тухмати каби қора, Юсуфнинг кудуғидек ёлғиз эди.

Зайтун тоғига қараб тўғри юрдим. Байтул Макдисдан Зайтун тоғига анчагина масофа бор.

Аввал бир тепаликка чиқдим. Ортидан нариги тепаликка тирмашдим. Бироз юрганимдан кейин юзимга Зайтун тоғининг шамоли урилди. Мавсум кишга қараб кетаётганди. Совуқ. Қуддуснинг совуғи пичоқдек кесарди. Қуддуснинг маънавияти ҳам, ғазаби ҳам шиддатли эди.

Зайтун тоғига тирмаша бошладим. Кўтарилганим сари совуқ кучайиб борарди. Ичимдаги ёнгин ташқаридаги совуқ ҳиссини бир даража озайтирарди.

Кечанинг қоп-қора соялари атрофни эгаллаб олган.

Кеча йиғлаётганди.

Тупроқда маҳзунлик иси бор. Тилини эса ютиб юборган. Кечанинг ичида бир мен бордек эдим. Бу кеча жамики борлиқ уйку ила дунёдан видолашган, фақат менгина тун бағрига ёппа-ёлғиз тушиб қолганга ўхшардим. Ёнимдаги дарахтларга қарадим. Қо-



ронгиликнинг чексизлигини илк бор хис килдим.

Кўрқдим.

Кўркув рухимга журъатли ўғридек кирди. Нафасим тутилди. Кўрккан бир аёлнинг вужудида бўлаган ўзгариш баданимга ўтирди. Бир муддат оёқларим юролмай колди.

Кечанинг қора кўзлари кўзларимга тўлиб колди. Ой йўқ эди. Юлдузлар нур ўрнига махзунлик тара тарди. Юким оғир, юришим қийин эди.

Зотан, дунёга юришни ҳам билмасдим. Гўёки Аллох «Марям, сен дунёга бормайсан!» деганди.

Роббим, дунёга юриш ниятим йўқ. Мен онам Ҳаннанинг ниятиман. Мен туғилмай туриб дунёга терс бурилибман, охират ила ахдлашибман. Булар ўша аҳдимга ҳалал берадиган бир туйғунинг бадали бўлса, тавба килдим.

Бироз ўзимга келдим.

Тавба банданинг ғусули эди.

Инсон Аллохга узатилган икки кафт эди. Аллохнинг даргоҳига бир кўлида тавба, бир кўлида дуо билан борарди.

Оёқларимни судраб босаётгандек эдим. Шунақа ҳам тез чарчайманми? Кўркув ортимдан куваётганди. Бироз тин олишим лозим эди. Дуолар билан юрдим.

Зайтун тоғини ошиб ўтишга уринаётгандим. Қалбим нафс тоғидан тирмашаётганди. Накадар тик ва баланд тоғ. Чикдим деганда думалаб кетасан. Етдим деганда тик қояга дуч келасан. Ҳақиқат шуки, нафс тоғини ошиш ҳеч бир тоғни ошишга ўхшамасди.

Менимча, мусибат нафс тоғининг душмани эди.

Жалол ва жамол бўлмай туриб бандалиқ қусурли бўлишини билардим. Жалол билан тарсакиланмаган амаллар жамолнинг гўзаллигидаги ихлосга етиша олмасди. Нафс тоғининг бошида қора қушлар бўлмаса,

нафс қорлар, бўронлар билан «сийланмаса», амалда-
ги ихлосли баҳор гуллари тўпланмасди.

Бошимдан ўтганлари бир ёш қиз учун оғир эди.
Отасиз фарзанд! Кўз ёшларим ўзини тутолмай қолди.

Кеча ичимда чексиз қоронғилик эди.

Қўркув қалбимда оловнинг кўри эди.

Қочиш кўзларимда қонли ёш эди. Чорасиз ёш бир
юрак заиф ниҳолдек титради.

Зайтун тоғи увушди.

Совук эди. Кеча руҳимда зиркиради.

ТУН

Хисларим тун шамчироғининг пилиги билан туташди. Кечанинг кора сурмаси кўрқув тўла кўзларимга тегмади. Худойим-е, шунча борлик устига қоронғи чўкдими? Кундуз кечанинг этаклари-га ёпишдими?

Туннинг икки юзи бор экан. У жалол ила жамолнинг жуфт кўйлаги эмиш. Бундай тунни биринчи марта кўриб тургандим. Ҳар тун жамол бешигида кеча деб аталган маънавий ойдинликнинг қучоғида ибодат қилардим. Кўрқув нималигини билмасдим. Кечалар қисқа бўларди, тунни Роббим узатган бир ютум сувдек ичардим. Унинг кетишини хоҳламас, кейинги кечани сабр арқони билан тортқилардим.

Илк кез кечанинг сирини англаб турибман. Унинг маънавий ойдинлигига эришмаганлар учун тун жаҳаннам бўларкан.

Қоронғилик.

Кўрқув. Ақлдан оздирар ваҳима. Мубҳамлик. Хавотир. Биринчи бор уйқуни соғиндим. Тундан уйқуга қочишни истадим. Уйқунинг эса ўзи қочганди. Кўрқув бор юракда уйқу бўлмас экан. Аллоҳдан кўрққанлар шу сабаб тонггача ибодат қиларкан, шу



сабаб кўзларини уйқу босмаскан.

Танимаганим онамни, отамни биринчи марта жудаям соғиндим. Онажонимнинг кўксига бош кўйишни, кўркувимни кучоғида даф қилишни, сочим тиззаларида сийпалашини, уйқуни қўлларида топишни истадим. Дунёвий кўркувлар она кучоғига, ухровий кўркувлар Аллоҳга кочиранкан.

Тушундимки, тун кўркув ва ёлғизликнинг исми экан.

Қоронғилик қоп-қора сочларини ёйиб ташлаганди. Уларни шамол тўзғитиб юборди. Бу кеча шамол ҳамма қоронғиликни тўплаб келиб, руҳимда эстирди. Совуқ қалбимда замҳарир, танамда пичоқ эди.

Титрардим.

Кимсасиз эдим.

Ожиз эдим.

Чорасиз эдим.

Чарчагандим.

Аллоҳим, қўлларимдан тут. Кечангда қоронғилигингдан ойдинлигингга, кўркувингдан умиддинга ўтказ.

Тунга маҳзун бўлиб сингдим.

Кўз ёшлари билан хўл бўлган сабр қандилини ёққан узун бир кеча...

Орқамга қайтиб, Қуддусга боқишни хоҳладим. Шамол, қарама дегандек, ортимдан ураётганди. Қалбим Қуддусга очик эди. Қуддус нақадар суюкли, нақадар яқин, нақадар маҳрам эди менга. Энди-чи? Зайтун тоғида соврилган бир қиз...

Осмонга қарадим. Унинг ҳам кўзлари очик эди. Аёз. Само бутун пардаларини очганди. Гўёки унинг кўзи кўзи бўлиб, биридан совуқ, биридан маҳзунлик

оқаётганди. Кўркаётгандим. Рухимнинг дахлизлари-
да ёлғизлик тўла довул кўтарилган эди. Кўркувдан
тебранаётгандим.

Совукқотиб кетяпман.

Ичимга кириб кетишни истадим. Совукда бир-би-
рининг қаноти остига сукилган кушларни ўйладим.
Ўзимни Зайтун тоғини пана қилган кимсасиз бир
кушдек ҳис қилдим. Увушган кўлларим бир-бирини
тутди. Совукдан кўқарган кўлларимни лабларимга
олиб келдим. Тун қоронғилик сари астойдил кириб
бораркан, мен хануз йўлда эдим. Шамолнинг этакла-
ри хилпирашдан тўхтамасди.

Вақт кечанинг ўртасига етди. Осмон ерга оқиб
тушаётгандек эди. Юлдузлар эса кўзларини катта
очиб олган. Оёқларимда чарчок, кўзларимда уйку.
Баданим совукқотгани сайин исиниш учун уйқунинг
кўлларига тойиб кетардим. Шамол теккан ҳар япроқ
қадам товушидек эшитиларди. Совук музлатувчи,
мен ожиз эдим. Ичимда кўркув солган изтиробнинг
исёнсиз садоси: «Кошки, бундан олдин ўлсам эди ва
бутунлай унутилиб кетсайдим».¹

Шамол қаттиқ овоз билан келиб, юзимга урилди.
Хаёлларимни тўзғитиб ташлади. Кўзёшларим совук
яноқларимга илиққина тегди. Ичимда бир юлдуз
порлади. Туриб қолдим. Қандайдир овоз эшитдим.
Кўркув бироз йўқолгандек бўлди. Ўрмон ичида зикр-
га берилган бир куш.

Ўрмоннинг чуқурликлари қора гирдоб каби. Да-
рахтлар атрофни баттар қоронғи қилиш учун кўлни
кўлга берган эдилар. Баргларнинг йилтир-йилтири
ҳавога учиб кетарди.

Ер қоронғилик эди. Бир зулмат денгизига чўкдим.
Ичимдан топганим кўркув эди.

¹Марям сураси, 23-оят

Кўрккан қалб Роббидан ҳам кўрқарди. Айникса
аёл қалби. Кўркмаслик аёл учун ёмон ахлоқ эди. Ал-
лоҳдан ҳам, дунёнинг шарридан ҳам кўрқардим.

«Роббим, бу ердаги кўркувларимни охирадаги
кўркувларимга каффорат қил! Жалолингни бу ерда-
ги кўркувларимда ҳис қилай. У ерда жамолинг билан
овутгин!»

Қалбим дуода эди.

Дуо Аллоҳнинг жамол бешигида бандасини ноз-
ли-нозли овутиши эди.

ҚОЧИШ

Кеча – кундузнинг байрами эди. Кеча – Аллоҳга етишишда инсоннинг кўлларидан тутган сир эди.

Кеча – қалб эди, рухнинг кундузи эди. Кеча – маънавий оламларга очилган йўл эди.

Тун менинг учун равшан кўз эди. Бугун биринчи марта кечанинг кўр кўзларини фарқладим. Нақадар кўркитувчи эди!

Қочиладиган кеча...

Тунлари Роббимга қочардим. Тунларим кўз ёшларимдан намланарди. Кўз ёшларим кафтимдан оқиб тушарди. Ҳар тун қалбимга маънавий булутлар билан раҳмат ёмғирларини бошлаб келарди. Кўз ёшларим – зикрларимнинг оби ҳаёти эди. То тонгга қадар апрель ёмғири каби ёғарди. Роббимга кўз ёшларим билан ювилмаган ҳеч бир амалимни арз этмасдим.

Кўз ёшларимга дунёвий кўркув тегмаганди. Бу кеча маънавий ҳаётимни заҳарлайдиган ҳаромдан кўрқаётган эдим. Кўзёшларим Роббимга боғлайдиган арқоним бўлганди. Яна арқоним билан ўша эшикка бордим:

– Аллоҳим! Сен мени ўзимдан яхши биласан!

Кўзимга, хисларимга, хаёлимга, калбимга Сендан бошқаси кирмади! Ё Ҳафийз! Сен буларнинг барини асра!

Йўлим ғурбатга тушди. Боламнинг йўли ҳам туғилмай бурун ғурбат бўлди. Ғурбатга тушмаган, уйдан кетмаган, юртидан қувилмаган бирор Пайгамбар бормиди?! Синалаётган менми, боламми – билмадим.

Ортимда эшитилган овоздан қаттиқ кўрқиб кетдим.

Кўркувнинг ҳам даражалари бор экан.

Тиззаларим дарахт шохлари каби синишга келди. Юрагим янги бир япроқ мисоли учди. Ўша баланд овознинг кўркувидан ичимдаги чоҳларга йиқилдим. Нафасим бўғилди. Мажолим қолмади. Кўзларим кўрмай қолди. Ичим парча-парча бўлди. Ҳар парчам тил бўлиб Аллоҳга ёлворди:

– Роббим! Мени бу хоинларнинг қўлларида қолдирма, ифғатимни Ўзинг сакла!

Билдимки, аёл ифғати қадар кўрқарди. Дунёнинг энг кўрқоқ аёли эдим.

Мени кўрқитган овоз эгаси ўша товуши билан олдимдаги дарахтга кўнди.

Ишнолмадим. Қарадим. Ўзимга келдим. Гўё бутун кўркувларим ва бари кучим нафасим билан ташқарига чиқиб кетди. Худойим-е, шу маҳалда, шу совуқда бир қуш! Мени кўрқитган қушга титроқ ичида қарадим. Кўзёшларим тўхтамаётган эди. Неча йиллардан бери кечанинг қалбидан тутардим. Бу кеча менинг кўркувимдан тутиб олганди. Кечалари Роббимнинг жамоли билан ҳамдам эдим. Бу кеча жалоли билан сийландим.

Йиғлаётгандим...

Изтироб инсон бўғзига ўт қалаб ёқишини бирин-



чи марта тушундим. Аллох учун йиғлашлар, тўкилган ёшлар, изтироб чекишлар бошқача бўларди. Аллох учун тўкилган ёшлар ором берса, дунё йиғилари одамни чарчатиб юборарди. Кўз ёшлар ҳис эканини англадим. Кўз ёшини ниятга кўра яратган Аллохга ҳамд айтдим.

Юрдим...

Бўғзим ёниб, нафасим оғирлашиб қадам босдим. Тўхтамаслигим керак эди. Таъкиб қилишаётган бўлса-чи!

Таъкибни сезиш – оғир кўрқув. Таъкиб қилинаётганини ўйлаган киши ҳар нарсадан шубҳаланиб, ҳавотирга тушарди.

– Аллоҳим, – дедим, – Сен бандаларингни доим кузатиб турган бўлсанг, улар қандай қилиб кўркмай гуноҳ қилишади?

– Роббим, кўрқяпман, – дедим.

«Ё Ҳафийз!» дедим ифғатим учун, болам учун, кечанинг қоронғилиги учун.

«Ё Афувв!» дедим номахрамлардан узок бўлиш учун.

«Ё Қуддус!» дедим моддий ва маънавий кирларга коришмаслик учун.

Бутун кўрқувлардан, ёмон ҳаёллардан, бегоналардан асраниш учун «Ё Саттор!» дедим.

Асмоул ҳуснанинг ҳар бирига бир-бир тутиниб, ҳар исми шарифни шафоатчи этиб зикр қилдим.

Ичимни ожизлик эгаллади. Роббимнинг шафқатини қалбимга кирган сукунат билан ҳис қилдим.

Бир кудукнинг бошида ўтирдим. Шамол турди. Илик бир насим кўрпадек устимни ёпди. Роҳатландим. Кун туғишини кутдим.

Ухлаб қолибман. Кўрқув билан юмилган кўзларим уйқунинг роҳати билан очилди. Кун ёйилган эди.

Манзилга окшом тушмай етиб олишим керак эди.
Йўлим узун, йўлчимнинг келиши яқин эди.

ТУҒИЛИШ

Кун ёйилди.
 Манзил кўринди. Закариё пайғамбарим таъриф қилган томонга кетаётгандим. Худди кимдир оёқларимни бормаслигим керак бўлган жойга торткилаётгандек эди. Кечанинг кўрслигига қарши кун сокин эди. Шаҳар ташқарисида ўтлаб юрган хайвонлар овозини эшитдим. Кейин чўпонларни кўрдим. Чўпонлик пайғамбарлар касби эди. Дунё ўтлоғида хайвоний туйғуларини кувиб юрган ҳамма инсон ҳам чўпон эди. Ўзимни чўпондек ҳис қилдим. Бутун туйғуларимни, нафсимни Роббимга ибодат қилиш билан қувлардим.

Рим аскарларининг кириш учун солиқ оладиган шаҳар дарвозасига узоқдан қарадим. Шаҳар ичига қира олмасдим. Кирсам ҳам қаерга, кимнинг олдига борардим?

Қочоқ эдим.

Кимсасиз эдим. Ичимга аччиқ ғариблик тушди.

Ичимда тахир бир ёлғизлик, туйғуларимда синик бир санчиқ бор эди. Ҳеч кимга кўринмаслигим керак. Шаҳарнинг юқори томонидаги бир тепалликка тўғри йўл олдим. Чарчаган оёқларим ихтиёрини йўқотган,

мени у ерга тўғри олиб бораётганиди. Келдим. Бироз тин олдим. Атрофга карадим. Ҳеч ким йўқ эди. Бировнинг бу ерга йўли тушиши ҳам амри маҳол эди.

Боламнинг уйи мана шу ер бўлади. Бир қанча зинадан пастга тушиларди. Тошли зиналардан қуйиладим. Ташқаридан беркитилган маконнинг ичкари кенглиги менга ҳузур берди. Она қорнидек эди. Соғуқдан увушган баданим иссиқ уй сукунати билан роҳатланди. Ерга ўтирдим, бир тошга ёнбошлаб ҳордиқ чиқардим. Аёл учун уй мухташам ҳаёт эди. Уй ичи маҳрам эди.

Қўркув ва тасалли орасида қолдим. Бўладиган ишларнинг охиридан қўрқарканман, Роббимнинг раҳматидан амин эдим.

Сабр – кутиш эди, нафси Аллоҳ ҳузурига олиб бориш эди. Сабр нафсининг дийдиёларини битириб, бори туйғулардан шайтонни отиб чиқариш эди. Юсуф пайғамбар Зулайҳонинг истагига сабр қилди ва Миср азизи бўлди. Зулайҳо Юсуфнинг жамолига сабр этолмади, нафсининг асири бўлди.

Сабр тегирмонида нафсимни янчдим. Бутун ҳисларимни сабр қалити билан бир-бир қулфладим. Шайтоннинг қирадиган нуқтаси қолмаслиги керак эди. Сабрда қалъа қаби собит бўлишим зарур эди. Боланинг ҳаёт олдидаги сабри онанинг сабрига қараб бўларди.

Сабр – қалитим, таваккул – йўлбошчим эди. Роббим, қаҳрингда ҳам, лутфингда ҳам Сенга сиғинаман. Мусо пайғамбарим Сенга ёлвориб, бир тавсия истаганиди. Ўшанда марҳамат қилганинг:

– Мени тила!

Мусо пайғамбарим айни истакни тўрт марта такрорлади. Ҳар сафар бир нарсани айтдинг:

– Мени тила!

Роббим, менинг хар доим бир дона тилагим бор:

– Сен!

Байтуллоҳнинг тепасидаги бир ғорда эдим. Бу ер-далигимга бир неча кун бўлганди. Боламнинг келиши сезила бошлади.

Нихоят кутган онимдаман. Болам дунёга келаётганди.

Бир ўзим эдим. Аввал ҳеч бир туғаётган аёлни кўрмагандим. Бир аёлнинг қандай туғиши ҳақида ҳам маълумотим йўқ эди. Ҳавво онамизни ўйладим. Илк фарзандини дунёга келтираркан, туғиш нима эканини билмасди.

Сабр малака эди.

Санчиқлар бошлади.

Бир ёш қиз учун отасиз болани туғиш энг оғир синов эди. Ҳавво туғаркан, ёнида Одам Ато бўлган. Мен жумла одамлардан узоқ, отасиз бир боланинг онаси бўламан. Устимга Исонинг оғирлиги тушди.

Тун эди.

Ташқари совуқ.

Мендан қайноқ тер чиқарди. Оғриқлар билан у ёқлик-бу ёқлик бўлиб турдим. Онам Ҳаннанинг мени туғишини ўйладим. Ёнида холам бор эди. Қуддуснинг етти дояси етти осмон каби бошида эди. Мен эса кечанинг ичида ёппа-ёлғиз эдим.

Борлиқ кечанинг сирига қарам эди. Зайтун дарахлари бу кеча сассиз эди. Атрофни сукунат қоплаганди. Шамол йўқ. Ҳайвон овозлари ҳам эшитилмайди. Бошимни ғордан чиқардим. Осмон тиниқ эди. Ложувард чимматини юзига тортганди. Юлдузлар инжу эди. Само астойдил зийнатланиб олганди.



Ғор бошурар остона эди. Кўнгил дарвешларининг қалб уйи эди. Қочишди, кириб келишди, пинжигга суқилишди. Ғор она қорни эди. Дунёга тесқари қарашди. Ғор пайғамбарлар саройи эди. Барзаҳ эди. Дунё ва охирақ ораси эди.

Баданим яна бир санчикнинг кўзғолиши билан оғирлашди. Биринчи марта ичимга умидсизлик тушди. Отасиз бир боланинг онасига қилинадиган ифқатсизлик айби мени исёнсиз дуоларнинг маъсум истагига судради:

– Қанийди, бундан олдин ўлган ва бутунлай унутилиб кетган бўлсам.¹

ХУРМО

Мусофирлик, очлик, чанкок заиф баданимни янада кичрайтирди. Роббим, яхшики, кўзёшлар бор. Яхшики, улар орқали тасалли юборасан.

Онам ёнимда бўлишини истардим. Она хасрати гариб руҳимга олов бўлиб ёпишди. Унинг маънавий борлигини ва химматини хис қилдим. Худди “Чида, Марямим”, деяётгандек эди.

“Сен менинг қалб армуғонимсан. Роббига юрагини армуғон қилган ягона аёл менман. Аллохга бахшида қилинган ягона юрак сенсан. Чида, кўнглимнинг назри”, деб тургандек эди.

“Мен ўгил кутгандим. Ўгил бўлиши учун дуо қилгандим. Сен ўгил бола нияти ўрнидасан. Эркак каби қучли бўл!” деганга ўхшарди хаёлимда. Ҳа, мен эр нияти ўрнида эдим. Ҳам эркак, ҳам аёл эдим. Ҳам она эдим, ҳам ота. Ҳозир кўпроқ ота эдим.

Дунёда бундай синовга дуч келган биринчи ва охирги кимса мен эдим. Ўхшаши йўқ имтиҳоннинг ўхшаши йўқ узлатида эдим. Форнинг совуқ тошига руҳимнинг қайноқ тафти урди.

Ичим маҳзууликдан титради.

Қаттиқ оғриқ бутун баданимни ўзига тортди. Рухим Роббимнинг хузурида саждага кетди. Сабр ўз кучини кўрсатди. У рухнинг калити эди. Изтироб бор эди менда. Қалбимда малоллик турди. Форнинг сукунати руҳимнинг маҳзунлигини оширди. Жимлик изтиробнинг оғзини очди. Қалбим марҳамат, руҳим муҳаббат истарди. Озроқ кўрқув босди. Форнинг куйи тарафидан келган товуш чўчитиб юборди:

– Маҳзун бўлма!¹

Фаришталарнинг овозини танирдим. Роббимнинг хушxabари келди.

Билдим, бу Жаброил фаришта эди. Роббим пайгамбарининг туғилишини ваҳий фариштаси ила муждалаяпти, унинг онасига элчиси ила тасалли берапти.

Жаброил фариштанинг товуши давом этди:

– Хурмо танасини ўзингга торт, сенга янги хурмо туширади. Егин, ичгин, кўзинг кувонсин.²

Роббимнинг муждасидан кейин атрофга қарадим, горда на сув, на дарахт бор. Биргина қуриган тўнка бор эди.

Анави нима? Сув! Ҳаётнинг қўлларидан тутган сув. Раҳмат нақадар тез етиб келди. Ичдим. Юз-қўларимни ювиб роҳатландим. Тўнканинг ёнига боришга мажолим йўқ эди. Унга гапирдим. Ўзи мен томон тўғри шошиб келди, ёнимга турди. Аллоҳим, мўъжизалар билан сийлаяпсан! Тўнка шох чиқарди, барг ёзди, дарахтга айланди. Мева берди. Новдалари устимга эгилди. Ғужум-ғужум хурмолар билан безанди.

Хурмо туғруқда ёрдам бўладиган мева эди. Оғир-оёқ аёл энг кўп эҳтиёж сезган емиш эди. Туғилган гўдакнинг танглайи у билан кўтариларди.

¹ Марям сураси, 24-оят.

² Марям сураси, 25-26-оятлар.

Хурмо дарахти дўст эди, халоскор эди. Аллоҳ хурмони Одам Ато халқ қилинган тупрокнинг чўкиндисидан яратган эди. Шу сабаб у ўзимизга ўхшайдиган ягона дарахт эди. Одамлардек ҳиссиётли эди. Хафа бўлар, аразларди. Аразлаган йили мева бермасди.³

Хурмо бу ҳаяжонли онимда мен билан бирга эди. Гўё у махзун эди. Бир пайғамбар онасига раво кўрилганлардан сиқилаётганди. Устимга онадек эгилди, шохлари бошимга тегди. Тоза меваларини онам каби узатди. Бола туғиларкан, оналар бошида доя бўларди, менинг бошимда хурмо дарахти турди. Дарахт – коинот дегани. Демакки, менинг туғишимда тепамда коинот турди.

Хурмо шохларини ўзимга тортдим, новдаларни силқитдим. Раҳмат ёққани каби мевалар тўкилди.

Хурмо жаннат емиши эди. “Бисмиллаҳ” деб оғзимга солдим. Неча кунки оч баданим хурмонинг баракаси билан кучланди. Иброҳим пайғамбаримни эсладим. Фаришталар унга фарзанд хушхабарини етказганда шошиб қолганди. У зот: “Икки кекса одамнинг қандай фарзанди бўлсин?” деб сўраганди. Жаброил алайҳиссалом: “Бу Аллоҳнинг мўъжизаси, эй Иброҳим, қара!” дея ташқаридаги бир куруқ дарахтни кўрсатибди. Мўъжиза юз бериб дарахт бир зумда яшил тусга кирибди.

Роббим бу ерни сув, дарахт, емиш билан жаннатга айлантирди. Зотан, жаннат Аллоҳни ҳис қилиш эди.

Ҳузурландим. Кўзёшларим оқа бошлади. Йиғлаган гўдакни онаси қандай овутса, ўзимни шундай ҳис қилдим. Роббимнинг раҳматида тасалли ила овундим. Асл ҳузур келди. Янги бир оғриқ туриши билан

³Пайғамбаримиз хурмони “инсониятнинг халоскори” деб марҳамат қилганлар. Хусусиятлари худди одамларникига ўхшайди (Хайрия Вурал, “Сур” журнали, 2010 йил. июль).

Ташқарида байрам бўлаётганди. Фаришталар боламнинг туғилишидан шод эдилар. Шайтон эса гўдагимга яқин келишнинг йўлини тополмай, талвасага тушибди. Туғилганимда менга ҳам яқин келиша олмаганди. Интиқом учун онт ичганди:

– Сизга ишонганларни васваса қиламан!

Шайтон қаҳри билан қовриларкан, кўк юзи ажиб тусга кирибди. Самода табриклар учибди. Юлдузларнинг ҳаммаси ғор устига ёғилибди.

Осмондаги бу ўзгаришдан одамлар ҳайрон бўлишибди. Ўша куни бутун кўзлар самода экан. Ҳеч кўрилмаган бир ҳолатдан ёқа ушлашибди. Ҳа, у!

Кутилган ойдинлик... Севинч билан, ҳаяжон билан ҳайкиришибди.

– Туғилди! Туғилди! Бу кеча туғилди! Халоскор Масиҳ!

Ҳамма бир-бирини қутлабди.

– Масиҳнинг юлдузи кўринди!

– Масиҳ туғилди!

– Масиҳ туғилди!

МАСИХ ЮЛДУЗИ

Уч нафар олим саройнинг энг катта айвонида туриб самодаги тақдир ёзувларини ўқишга уринар, кўрган-билганларини дархол ҳукмдорга жўнатардилар. Эрон подшоҳи бу уч олимнинг тасдиғидан ўтмаган ҳеч бир ишни амалга оширмасди. Уларнинг ичида ёши энг каттаси кўзини осмондан узмай шундай деди:

– Бугун осмон бошқача.

– Ҳа, – дейишди шериклари. Энг ёш олим:

– Бугун самода ажиб бир ҳаракат бор, – деди.

Қалин кийимларига ўранишди. Ҳаво совуқ эди. Самонинг ич-ичига сингиб кетишди. Бир муддат ўтиб учови тенг бақириб қолди:

– Бу нима?!

– Қаранг!

– Туғилди! Туғилди!

– Масих юлдузи кўринди! Яҳудийларга подшоҳ бўладиган пайғамбарнинг юлдузи туғилди.

Уч олим тўғри ҳукмдор олдига боришди:

– Хожам, бугун яҳудийларга қирол бўлувчи пайғамбар дунёга келди. Рухсат берсангиз, уни кўриш муродимиз бор.

Подшоҳ улардан Масихнинг каерда туғилганини сўради.

– Фаластинда! – дейишди.

Хукмдорларидан изи олиб, янги туғилган пайгамбарни кўргани бориш учун хозирлана бошлашди. Ўзлари билан бир қанча ҳадялар олиб, йўлга чиқишди. Узун бир йўлни гўдакни кўриш шавки ила босиб ўтишди. Синон шаҳрига етиб келишди. Биринчи ишлари туғилган чакалокни суриштириш бўлди. Лекин ҳеч нарса билишолмади. Қирол Ҳеротнинг одамлари бу мусофирлар Масихни кидириб юришгани хақида унга хабар етказишди. Ҳерот уларни саройга чақириб, ўзлари хақида ва нима учун келишгани тўғрисида сўради. Улар Эрон подшоҳининг олимлари эканликларини, Масих пайгамбарнинг туғилганини ўрганишганини, унга иймон келтириш учун кидириб юришганини айтишди. Улар ўзлари билан совғалар ҳам олиб келишганини таъкидлашди. Ҳадяларни кўрган қирол нима учун айнан бу ҳадялар танланганини сўради. Мусофирлардан бири шундай деди:

– Олтин олиб келганимизнинг сабаби шуки, у дунёнинг энг қийматли маъдани. Масих ҳам замоннинг энг қийматлиси бўлади.

Кейин бошқа олим сўз олди:

– Ип олиб келдик. Яра ва синган жойлар ип билан боғланади. У хасталарга шифо беради.

Учинчиси ҳам ҳадясининг сирини маълум қилди:

– Муҳтарам қирол, ладандон ҳам олиб келдик. Унинг тутуни кўкка қадар чиқади.

Қирол эшитганларидан диққати ошди. Дин олимларининг ўзининг ҳузурига келишини амр қилди. Улардан сўради:

– Бу олимларнинг айтганлари тўғрими?

– Тўғри, муҳтарам қиролимиз.

Херот ичидан ўтганларни билдирмасликка уринди ва ўзини хурсанд бўлгандек кўрсатди:

– Демак, пайғамбаримиз туғилибди. Уни тезда топинг ва жойини менга хабар қилинг.

Қирол олимларни табассум билан кузатиб кўйди. Хабарни тез етказишларини қайта-қайта таъкидлади. Улар подшоҳга ваъда бериб, чиқиб кетишди. Аслида, Херотнинг ичига шайтон олов ёққанди. Лаблари ғазаб билан учди, фақат ўз-ўзига гапирди:

– Демак, салтанатимни йикитадиган чақалок туғилди. Мен уни гўдак чоғидаёқ ўлдирайин-да, салтанатни кулатиш нима эканини кўрсин!

Қоронғи тушди. Олимлар туғилган юлдузни кузатиб боришарди. Бола юлдуз кўрсатган жойда эди. Унга эргашиб, Масих туғилган жойга юра бошлади. Ҳийла вақт ўтди. Юлдуз ҳаракатда эди. Юлдуз йўқолмай туриб кўзланган манзилга етиб олишлари керак эди. Келишди!

– Масих Довуд пайғамбар туғилган ерда туғилди, – деди эронлик олимлардан бири.

Юзларига майин шабада урилди. Бир пайғамбар билан айни ҳаводан нафас олиш англатиб бўлмайдиган туйғу эди. Олимлар ҳафталаб юрганларининг чарчоғини унутган эдилар. Учала олим ҳам уйкуга кетди. Тушларида кимдир уларга шундай деди:

– Тонг отиши билан ўлкангизга қайтинг. Херотга Масих ҳақида гапириб юрманг. Чунки у болани ўлдирмоқчи.

Уйғонганларида таажжубда эдилар. Учови ҳам бир хил туш кўришганди. Уч олим топиш ва йўқотишнинг севинч-у қайғусини бир онда бошдан ўтказишди. Тезда кетишлари зарур. Чақалокни кўришмоқчи эди. Кун чиққанди. Тонг уч олимни яхшилик билан сийлади. Учови мен турган ерга келишди. Фор

оғзида туришди. Ичкарига овоз бериб, киришга рух-
сат сўрашди, ўзларини танитишди. Издан кейин
горга киришди. Исо кучоғимда эди. Нурли чақалок
катта одамнинг хатти-ҳаракатларини қилаётганди. Уч
олим чексиз одоб ва эҳтиром билан чақалоғим томон
юришди. Унинг оқ юзларида рисолатни, чуқур қора
кўзларида абадиятни кўргандек ҳурмат ила салом бе-
ришди. Бир пайғамбар зиёратининг тавозеси билан
туришди. Олимлардан ёши энг каттаси шундай деди:

– Эй Марям, Масихнинг келиш вақти яқин эка-
нини билардик. Унинг туғилишини кутаётгандик.
Юлдузини кўрдик. Зиёратига шошдик. Унга иймон
келтирдик.

Ҳадяларини топшириб, дарров чиқиб кетишди.
Ҳерот ва унинг аскарларига кўринмай, Фаластинни
тарк этишди.

АРБАЪИН

Кўзинг кувончга тўлсин.¹

Болам Роббим томонидан табрикланди. Мен учун нақадар буюк лутф эди бу. Энг буюк тасалли эди. Аллоҳнинг ҳадяси кучоғимда эди. Иккаламиз ҳам тажрида эдик. Тавҳидда аввало тажрид лозим эди.

Тавҳидга эришиш учун кўнгил одамлари тажридага кочардилар. Ўзларини энг бошда кишилардан узок қилишарди. Кейин бутун ҳисларини Аллоҳ таолодан бошқадан бир-бир тажрид этиш тарбияси бошланарди. Сўнгра қалбдан ҳар нарсани тажрид қилиш билан сайру сулук тамомланарди. Шунда инсон руҳнинг даражаси ҳаётига етишарди. Бирлик сири руҳда эди. Руҳнинг ҳаёт даражасига бориш кишининг меърожи эди.

Чақалогимга қарадим. Оқ юзларида чилла билан бошланган ҳаётининг акси бор эди. Бир лаҳза хотирамда ўтмиш уйғонди. Боламнинг менга нафас бўлиб тушган илк куни. Бошимда пайдо бўлган ёш йигит. Кўркувнинг руҳимдаги кучи. Туртилганим. Даҳшатдан қотиб қолганим...

¹ Марям сураси, 26-оят.

Боламга боқдим. Менга шунчалар ўхшардики...
Бошқа кимга ҳам ўхшасин, Исо ибн Марям бўлса?!
Онасининг ўзи. Оппок, бироз кизгизга тортган бадан.
Катта қора кўзлар. Ўзига холи ярашган кичик бир юз.
Сочлари узун ва силлик.

Аллоҳим! Бу бола гулга ўхшайди. Қора холи билан устига шабнам тушган бир чечак.

Бир зум қалбим титради. Шабнам қўнган гул кўз ёши тушган бир қисматни эслатарди. Хаёлимдаги тушунчаларни дуолар билан нари қилдим.

Гўдагимни ҳидладим. Фаришталарнинг ифори билан бир хил эди. Яхши дўст эди. Мен унга қарасам, у менга қарарди.

Боламни қаттиқ бағримга босдим. Кўксимдаги раҳматни эсладим. Аллоҳим, йиғламаган гўдакнинг қорни очиши мумкинлигини унутибман. Раҳмат эшигида иккимиз ҳам тўйдик. Аллоҳим мени янги хурмо-лар билан сийларди.

Чақалок раҳмат булоғидан ичаётгандек тамшанарди. Биламанки, мен эмас, У сут бераётганди.

Болам соғлом эди, мен ҳам. Юклиларда бўладиган хасталикни бошдан ўтказмагандим.

Ғоримизда болам билан ибодатга турдик.

Мусо шариатида туғруқ чилласи қирқ кун эди. Тукқан аёл қирқ кунни ўтказмай, кўчага чиқолмасди. Мен ҳам қирқ кун ўтишини кутдим.

Қирқ кунлик чилла арбаъин эди. Аллоҳ таоло аёл кишини туғруқ билан бутун гуноҳлардан покларди. Кейин покиза бир қалб ила ҳис-туйғу ва назокатнинг энг нозик ерларига етказарди. Шу сабаб бу пайтда аёл киши севги ва марҳаматни ҳар доимгидан кўпроқ истарди. Аллоҳим, мен ҳам шуни хоҳлайман. Кимдан? Албатта, Сендан! Ҳар доим Сендан бошқа ҳеч кимим бўлмади.

Аллоҳим, биламанки, яхши кўрганингни биров-
нинг кўлига топшириб қўймайсан.

Туккан аёлнинг чилласи қирк кун.

Чиллалари аёл бу қирк кунни гуноҳлардан узок хол-
да ибодат билан ўтказса, яқунда маънавий ойдинлик-
ларга эришарди.

Аллоҳ таоло онани тезда муқофотлайди. Тўққиз
ойлик сайр-у сулукдан кейин арбаъинни ўтказиб, ва-
лийлик остонасига етиб келарди.

Арбаъинни тамомладим.

Қучоғимда гўдак, қалбимда сабр ва таваккул.

Юрдим...

КАЛОМ РЎЗАСИ

Юким кучоғимда, имтихоним оналигимда эди. Куддусга кирдим. Одамлар хайратга тушди. Ҳамма бир-бирига сўз қотди:

- Қаранглар! Марям келяпти!
- Қўлида чақалоқ ҳам бор!
- Қайси юз билан келди?!
- Бизни мазах қиляптими?!

Эркаклар ишини, хотинлар уйини ташлади, ҳамма атрофимда тўпланди. Биров хафа, биров ғазабнок, биров жимгина, яна бирови таҳқирловчи сўзлар билан менга қарарди.

Юришда давом этдим.

Иффатим кўйнимда... Калимуллоҳ...

Викорли ва сокин эдим. Ғазабнокларга ачиниб, бақирганларга индамай, ҳақорат қилганларга марҳамат, таҳқир этганларга дуо билан юрдим.

Сўз тилимда рўза тутганди.

Куддуснинг марказига келдим. Атрофимга оломон тўпланди.

Ҳаво баҳорга уланиш севинчи билан илиқ нашъада эди. Қўллар орасига тошлар олинганди. Кўзлаганлари аниқ. Кетишимдан олдин қилолмаган ишларини

энди қилишмоқчи.

Калом рўзасини ният қилиб олгандим. Одам ёмон хаёлга нақадар тез боради. Одам туншунчасига кўра одам эди. Закариё пайғамбарим махзун, Роббнинг қурбатини кутгандек турарди. Холлам эса кучоғида гўдаги билан менга ёрдам беролмасликнинг аламида. Кўзларимиз орқали гаплашдик.

Ғазабланган халқ:

– Эй Марям, сен ажойиб нарса келтирдинг-ку!¹ – деди.

Яна қанчалари онамни, отамни, насабимни ўрта кўйишди.

– Эй Ҳорун синглиси, отанг ёмон одам эмас эди ва онанг ҳам бузук бўлмаган эди-ку!² – дейишди.

Мен калом рўзасида эдим. Роббим шундай марҳамат қилган эди: “Бас, бирор одамни кўрар бўлсанг: “Мен Роҳманга рўза назр қилдим. Бугун инсон зотига зинҳор гапирмасман”, дегин”³.

Тарки калом этдим, тарки диёр каби. Нафс диёри-ни тарк қилгандан аввал сўз кетарди.

Индамадим...

Мутакаллимнинг эшигига борган кишида калом сифати қанчалик акс этса, шунчалик жим бўларди. Инсон “Мен”лиги қадар сўзларди. Гапирар экан, “Мен”ини эшиттирарди. Нафсида яшаганнинг тили кўп калом чиқарарди.

Инсон гапдан тўхтамас экан, Аллоҳ таолонинг қаллимасини эшита олмасди. Тил нафсга, сукут қалбга боғлиқ эди. Қалб каломини эшитиш учун тил каломи-

¹ Марям сураси, 27-оят

² Марям сураси, 28-оят. Аслида Марям онамиз Ҳорун алайҳис-саломнинг сингиллари эмас. У кишининг насабидан бўлганли-
ғи учун мана шу ибора қўлланган.

³ Марям сураси, 26-оят.



ни тарк этини лозим эди.

Тарки нафе каби тарки калом ила тилимини тийдим...

Тарки калом тарки таомдан кийин эди. Қалбнинг даражаси ҳаётига чиққанларда тил каломни рўза тутиб, ҳол каломни сўз очарди.

Аллоҳ таолодан кўркан инсоннинг етти аъзосида ўзини ошкор қиларди. Биринчиси тил эди. Аллоҳ таолодан кўркан тилнинг сўзлашига мажоли қолмасди.

Тил сўйларкан, қалб эътироз этарди. Шайтон тил билан инсон бошида ҳукмдорлик қиларди. Тил нафенинг қалити, шайтоннинг шориҳи эди. Нафе сукут билан боенилиб, тарбия қилинарди. Сукут бор ерда фаришта бўларди, тил каломга югургуича фаришта қочар, шайтон келарди.

Фариштадек сукут сақладим.

Тавҳиди ҳолга эришганлар тарки калом этарди. Таълим ва таваккул сирига эришганлар тилини ҳам соҳибига таълим этиб, Унинг сўзига таваккул қиларди.

Тил сўзламаса, ҳикмат қалбга тўкилиб, исми Ҳакийм зохир бўларди. Роббимиз биз билан ҳодиса тили ила гаплашарди. У Зот гапираркан, оғиз очиш адабсизлик эди.

Ҳолимда исми Ҳакиймни ўкиб сукут сақладим...

Сабаб доирасидан эътиқод доирасига ўтганлар Аллоҳ таоло ҳамниша ва ҳар ерда ҳозир у нозир эканини яхши билишарди. У зот сўзларкан, гапга тушиш аҳмоқлик бўларди.

Рухнинг даражаси ҳаётига чиққанлар бутун аъзолари билан эшитар, бутун аъзолари билан кўрар, бутун аъзолари билан сўзларди. Сукут тавҳиднинг камоли эди. Тавҳиднинг энг уст мақоми ҳамд мақоми эди. Ҳамд мақоми етганда сукут ҳосил бўларди.

Ҳамд мақоми инсонга берилган ҳар бир туйғунинг Унинг йўлида ишлатилиши эди. Ҳар бир туйғу Ўзининг йўлида ишлатилганида Аллоҳ уларнинг ҳар бирини рози қиларди. Ризо мақомига етган ҳар бир туйғудан эътироз кетарди.

Ризонинг сукунати ила жим бўлдим...

Халқни тарк этмай, Ҳаққа етиб бўлмасди. Халқ билан гаплашган Ҳақ билан сўзлашолмасди.

Ҳақнинг хузурда одоб ила сукут сақладим. Сукут кудуғида Юсуф бўлгандим.

Йиғилганлар мажнунга айланганди. Қандай жим тура олардим! Улар билан гаплашсин, дея боламни кўрсатдим. Баттар жазавага тушишди.

– Бешикдаги ёш бола ила қандай гаплашамиз?!⁴

Нутқни ўзидан, деб ўйлаганлар Аллоҳ ҳар нарсага тил бера олишини қаердан ҳам билсин.

Боламга қарадим. Оппоқ юзларида ойдинлик, қизғиш яноқларида онасига қилинганларнинг қаҳри бор эди. Қизил лаблари қимирлади:

– Албатта, мен Аллоҳнинг бандасиман. У менга китоб берди ва мени Пайғамбар қилди. Мени қаерда бўлсам ҳам, муборак қилди. Модомики, ҳаёт эканман, менга намоз ва закотни адо этмоқни тавсия қилди. Мени волидамга меҳрибон қилди ва жабр-ситама кўр-газувчи, бадбахт қилмади. Менга туғилган кунимда ҳам, ўладиган кунимда ҳам ва қайта тириладиган кунимда ҳам салом бордир, – деди.⁵

Роббим тарки калом билан рўза туттирган эди, боламнинг сўзи билан ифтор қилдирди.

Сукунат кудуғидан Юсуф каби чиқдим.

Халойиқ ҳайратда эди, уялиб қолганди.

Мен Амин исмли ила Роббимга ишонардим.

⁴Марям сураси, 29-оят.

⁵Марям сураси, 30-33-оятлар.

Боламни корнимдалигида мен билан кўп-кўп гап-лаштирган Аллоҳ таоло мўъжизасига яқинлигим бор эди. Болам ўзини ва онасини поклаганди.

Ифтори калом мўъжиза билан бўлди. Роббим гапиртирган пайғамбар боламнинг устига шукр кўзёшларим тўкилди.

Закариё пайғамбаримга қарадим. Аллоҳимнинг эшигида шукр кандилини ёкиб, ҳамд мақомида зикр бошлаганди. Холам билан кучоклашдик. Онамни эслатган холамнинг шукр тўла юзига тўйиб-тўйиб қарадим. Елкамдан тоғ ағдарилганди. Айрилиқнинг изтироблари бир онда йўқ бўлди. Холам билан уларнинг уйига юрдик.

ТАРКИ ҚУДДУС

Бошам гапирди. Ким эканини айтди. Барча пайғамбарларнинг фаройиб ҳолатлари болаликдан бошланади. Исонинг гапиргани бир муддат олимларнинг оғзини ёпди. Лекин ичларидаги фитналар дивом этди. Айниқса, Закариё пайғамбаримнинг ўрнига Байтул Макдисга ҳоким бўлишни истаганлар мен ва у кишига тухмат қилишдан тўхтамади.

Эронлик олимлар киролга айтмай кетган бўлсалар-да, Ҳерот ўз тахтини йикитадиган чақалок туғилганини ўрганган эди. Ҳаловатини йўқотганди. Кирунинг салтанат хирси, дин одамларининг Байтул Макдис раёсатини кўлга киритиш хаваси бечора налкни икки ҳокимият эхтироси орасига ташлаганди.

Кирул Ҳерот тахтини ушлаб қолиш учун одамларни шафқатсиз жазоларди. Севимли хотини киролча Меримини ва ўз пушти камаридан бўлган баъзи ўғилларини ҳам ана шу сабаб билан ўлдиртириб юборганди.

Кирул яҳудий эмасди. Ашкелон маъбадидаги бир хизматкорнинг набираси эди. Рим императорининг кўмаги билан кирул бўлганди. Исроил ўғилларидан бўлмаган кимсанинг подшоҳлик қилиши яҳудийлар-

га ёкмасди.

Херот кироликни ушлаб турган Рим императорига бўйсунар, давлатнинг даромадларини ва халқдан солиқ дея тўплаган ҳар нарсани унга юборарди.

Жафокаш халқнинг умиди кирол Масихда эди. Херот қанчалик зуғум қилса, умид шунчалик ортиб борарди. Подшоҳнинг Сион шаҳридан тарқалган амри халқнинг кўзидан қон оқизди:

– Бу йил кироликда туғилган барча ўғил болалар ўлдирилсин!

Закариё пайғамбарим хабарни эшитар-эшитмас уйга югурибди:

– Марям, тайёрлан! Бугун кечкурун йўлга чиқсан!

Тайёр эдим. Такдиримга йўллар тушганди. Масих, зотан, йўловчи дегани эди. Боламнинг энг буюк хусусияти муқим бўлмаслиги эди. Бу ҳаёт тарзи унинг даъватчилиги учун муқим эди. Банда ҳар он қадарга рози бўлиши керакмасми? Банда йўловчи дегани. Бандалиқ йўлчилик билан бўлмоғини билиш зарур эди.

– Бу кеча, – деди Закариё пайғамбарим.

Мен: «Қандай ва қаерга?» деб сўрамадим. Қул сўрамайди. Савол эътироз эди, эътироз эса нафсдан. Савол, мен янада яхшисини биламан, ўзимнинг ҳам режаларим бор, дейиш билан баробар эди. Банданинг тақдир олдида режаси бўлмаслиги керак эди.

Роббим ёзган қисматда ўзимни қучоғимдаги боламдек ҳис қилдим.

Қадарда битилгани қабулимда эди.

Ичига хузур тўлди.

Алиқашғам Юсуф Байтул Макдисда ибодат қи-

ларкан, уни ажиб бир уйқу элтади. Тушида эшитгани «Юсуф, тур! Она ва болани Мисрга олиб бор! Ҳерот болани ўлдириш учун кидириб юрибди!» деган нидодан уйғоганида олдида Закариё пайғамбаримни кўрибди.

Кўзларидан меҳр окиб турган, кексаклик вужуди-га жимгина сингган Закариё пайғамбарим Юсуфга сўз очибди:

– Юсуф, тезда кетишинг керак.

Тунда яширинча шаҳардан чикдик. Исо ва мен маркабга миниб олгандик. Юсуф пиёда эди. Шаҳар ташқарисида бизни кутиб турган кичик бир карвонга кўшилдик. Йўлларимиз чўлга улашди. Тун қоронғи, аёзли эди. Тўхташни ният қилмай йўл олдик. Кечкурунги сафарда оғир маҳзунлик ва дунёнинг кўрқитувчилиги бор. Маънавий оламларга сайрнинг вақти бўлганиданми, тундаги дунёвий йўлчиликлар қалбимга ваҳима солади. Қоронғидаги йўловчиликда тўрт томонидан ғариблик, ёлғизлик ўраб олади. Рухнинг сирларида қолган туйғулар қалбга тўкилади.

Йўл – ғурбат дегани. Ғурбат эса ичимни музлатиб юборди. Қалбимдан сиркираб қон окди. Ҳеч кимга билдирмай ичимда йиғладим. Чўлларга бокдим. Чўл ҳам ғурбат дегани. У дарахтдан, сувдан айрилганди. Ҳаёт билан айрилишнинг номи ғурбат дейилса, ғурбат чўл эди.

Қочяпмизми, қовушяпмизми? Куну тун бир-бирини қувиб борарди. Карвон шошаётганди.

Йўллар устига йўллар қўшилди. Йўлчилигимиз пайғамбарларнинг улуғларига хос йўлчилик эди. Уларнинг изидан кетаётгандик. Қучоғимиздаги пайғамбарни бир золимнинг зулмидан олиб қочаётгандик. Такдирнинг нозик сирларида бу йўл ҳам қочишнинг, ҳам қовушишнинг, ҳам зулмнинг, ҳам зафарнинг

йўли эди.

Бу йўл Ёкубга хасрат, Юсуфга айрилик солган. Айни ушбу йўл Юсуфга ёмонлик қилган акаларини хижолат билан унинг хузурига олиб келган. Мана шу йўл Ёкубнинг хижрондан кўр бўлган кўзларига Юсуфнинг давои висол кўйлагини етиштирган.

Манзилимиз Миер, гузаргоҳимиз Мусонинг Миердан қочган ери эди. Мусо Фиръавндан қочганди, биз эса золим Ҳеротдан қочаётгандик. Мусо қисматли, Юсуф хуснли гўдагимга қарадим. Қандайини кўхли чакалок! Оппок юзлари доим кулиб турар, хеч йиғламаеди.

Тури Синога келдик. Бу жой Мусо пайғамбар Аллоҳ ила роз айтишган макон эди. Маркабдан тушдим. Оёғимдагиларни ечдим. Мусо пайғамбар ҳам бу ерда чорикларини чиқарганди. Роббнинг хузурида аввало поябзал ечиларди. Кишини дунёга олиб борувчи поябзал оёқдан чиқариларкан, қалбдан дунё чиқариларди ва маънавий оламларга кадам кўйиларди.

Чақалоғимни ерга кўйдим. Қарасам, кўзлари осмонга тикилган. Болам доимо самога бокарди. Аллоҳим, бу гўдакнинг кўзи дунёни эмас, у кўк юзини хоҳлайди. Саждага кетдим. Юзимни ерга бердим. Манглайим тупрокка қоришди. Рухим Роббим хузурига йўналди. Мусо пайғамбар мана шу ерда Аллоҳ каломини туйганди.

Мутакаллимнинг остонасида турдим. Ҳамд айтдим. Роббим берган маънавий лутфлар, очган маънавий йўллари ва қалбимга туширган сакинат учун шукр қилдим.

Қалбдаги йўлчиликнинг тамоми қалбнинг шукр ва софлик ичида бўлиши эди. Қалбнинг сафари битиши билан руҳнинг сафари бошланарди.

Қалб сафарининг якуни дунёдан тамоман озод бў-

лиш, рух сафарининг боши эса муҳаббат сирида эди.
Муҳаббат учун айрилик керак бўларди. Муҳаббат

кандилини ёққан хижрон оташи эди.

Фуркат тушганди бандаликка.

Тушундимки, фуркатзода бўлмай, ишқзода бўлиш
мумкин эмасди.

ЗИКРИ АРРА

Боғчага асрнинг синик нурлари тушган. Холамнинг кучоғида Яхё ухлаб ётибди. Қуддусдан кетишимиз хузунли аср куёши каби холамнинг қалбига урибди. Холам ичини эзган изтиробдан ташқаридаги ғала-ғовурни эшитиб ўзига келибди. Боғчадаги шовкин болалар ўйнаб отган тошдек эшикка урилибди. Ҳеч қанча ўтмай бақир-чақир авжига чиқибди.

– Марям қаерда?!

– Закариё, Марям билан ўғлини олиб чиқ!

– Мусо шариати нима деса, шу бўлиши керак!

Арқонини узган хўкиздек тўғри уйга келишибди. Холам дарров эшик орқасига туриб олибди.

Бунча кас бир аёл тираган эшикни буза олмасми-ди?!

Ташқарида қанча тош олган кўллар. Деворларга отилган тошлар овозидан куфрнинг ғазабини англаш кийин бўлмабди.

Тошлар билан бирга ўтлар ҳам учиб кириши Закариё пайғамбаримни ҳаракатга туширибди. Холам ва Яхёнинг таҳликада қолгани учун Закариё пайғамбарим исёнчиларга ўзини намойиш қилиб орқа эшикдан чиқибди. Ўғли ва аёлини муҳофаза қилиш учун



узоклашибди.

Холам кучоғидаги боласи билан эрининг ортидан боқибди. Энди унинг келмаслигини тушунибди. Закариё пайғамбарим Зайтун тоғига йўл олибди. Адашган оломон у кишининг изидан борибди. Закариё пайғамбарим тилида зикр билан, халойиқ эса энг ёмон сўқинишлар билан юрибди.

Закариё пайғамбарим кекса, улар ёш. Закариё пайғамбарим кучсиз, улар бақувват. Закариё пайғамбарим бир ўзи, улар сон-саноксиз.

Закариё пайғамбаримнинг дўсти – дарахт. Дарахтлар у киши билан ибодат қилади. У киши дурадгор. Ёғочларга шакл бераркан, уларнинг тилларини ҳам очади.

Вафодор бир дарахт, зикрдоши Закариё пайғамбаримга сасланибди:

– Эй Аллоҳнинг пайғамбари, менга кел!

Ўртасидан иккига ажрабди.

Закариё пайғамбарим очилган ерга кирибди. Дарахт яна ёпилибди.

Юнус пайғамбарим баликнинг қорнида, Иброҳим пайғамбарим оташ ичида зикр қилганидек, Закариё пайғамбарим ҳам зикрда экан. Дарахт ҳам бир пайғамбарни ўз бағрига олгани учун зикрга тушибди. Ўнгу сўлга тебранибди, ҳар япроғи шитирлаб зикр бошлабди. Ҳақни кўрмаган кўзлар Закариё пайғамбаримни йўқолганда ақлдан озай дейишибди.

– Закариё қаерда?

– Бироз аввал олдимизда эди.

– Нима учун кўздан қочирдингиз?

– Сен қандай кўрмай қолдинг?

– Сен олдинроқда эдинг, нима учун йўқотиб қўйдинг?

– Бир қари одамни ушлай олмадингиз.

Фитначиларнинг ичига фитна тушибди. Куфрда хамиша жанжал бўлади. Жанжал шиддат олганида Иблис одам суратига кириб, йўл кўрсатибди:

– Қаранг, мана шу дарахтнинг ичида у!

– Шунақаси ҳам бўладими?! Кўз олдимизда эди, қандай қилиб дарахтнинг ичига кириб қолди?

– Дарахтни кесинг. Нимани йўқотасиз? Ичида бўлса, ўлади.

Иблиснинг гапида жон бордек туюлибди. Кесамиз, дейишибди.

Арра кидиришибди. Бир бадбахт Зайтун тоғининг этагига шамолдай учиб кетибди. Энг яқин уйдан арра топиб келибди.

Арранинг бир томонини кимдир, бошқа томонини яна биров ушлабди.

Бор-кел, бор-кел...

Дарахт зикрда экан.

Ичидаги зикрда экан. Арра зикрда экан.

– Ё Ҳайй!

Дарахт бироз очилибди. Арра муборак баданга тегибди. Кесишнинг илк оғриғи башарий баданга олов мисол тушибди. Арра ёққан танадан бир марта оғриқнинг зорланиши чиқибди:

– Оҳ!

Қолганини дарров улаб кетибди:

– Ё Аллоҳ!

Жаброил дарҳол етиб келибди:

– Эй Закариё! Роббингиз айтяптики: “Нима учун бошингга келган балога сабр қилмаяпсан, оҳ тортяпсан? Агар яна бир марта оҳ урсанг, пайғамбарларнинг номи ёзилган девондан сенинг исмингни ўчираман”¹.

Арра танадан ўтибди. Закариё пайғамбаримнинг

¹ Имом Ғаззолий, “Мукошафатул қулуб” асари.

наломатига тушибди:

– Ё Таввоб! Ё Гаффор! Ё Аллох!

Арра кесишда давом этибди.

Бир у ёкка, бир бу ёкка тортилибди.

Арра Закариё пайгамбаримнинг калбида экан.

– Ё Гаффор! Ё Роҳийм!

Арра кесишда давом этибди.

Бир у ёкка, бир бу ёкка бориб-келаркан.

Арра Закариё пайгамбаримнинг руҳида экан.

Закариё пайгамбаримнинг бир охи уни қонот ба-
робар зикр ила югуртирибди.

Ох торганига бутун зарралари билан ох урибди.

“Ох” банданинг жалолга эътирозидир. Банда
Унинг жалолини ҳам, жамолини ҳам севган бўлиши
керак.

Зикрнинг асоси калбдаги жалол ва жамол сифат-
ларининг тажаллисидир.

Закариё пайгамбарим жалол сифати ох урувчи
туйғуларини бир онда бошдан жудо қилибди.

Ох урганига шундай бир ох тортибдики, қиёмат-
гача етиб борадиган зикрга тушибди.

Арра Закариё пайгамбаримнинг сабридек қаттиқ
экан. Ишида давом этибди.

Бир у ёкка бораркан, бир бу ёкка.

Арранинг маъноси икки томондан кесишдир. Бир
севга, бир менга, дегани. Кесувчиларнинг ритмидек
зикр бошлабди Закариё пайгамбарим.

Бир тортибди. “Менга” дебди:

– Ё Ҳайй!

Бошқа тараф тортибди, Роббига йўналибди:

– Ё Аллох!

Арра зикри давом этибди. Менга:

– Ё Ҳайй!

Севга:

– Ё Аллоҳ!

Менга:

– Ё Ҳайй!

Сенга:

– Ё Аллоҳ!

Арранинг тишлари остида дарахт овози бор экан:

– Ҳиррр... хирр... хиррр... хирррр...

Закариё пайғамбарим бир ох уришнинг надомати билан шундай зикр бошлаган эдиларки, бўғиздан бошлаб бутун зарраларни арра остидаги дарахтнинг овозига ўхшаган товушда ҳаракатга келтирган бир зикр. Зикри пушаймон:

– Ё Ҳайй! Ё Ҳак!

Коинот зикрда экан.

Зайтун тоғи ох ила зикр қилармиш.

Дарахт арранинг қўлида қурбон бўлибди. У ҳар бир шоҳи билан зикрда экан.

Бутун дарахтлар нола чекишибди, зикр қилишибди.

– Ё Аллоҳ! Ё Ҳайй!

Дарахт иккига бўлинибди. Дарахтнинг ярми у ёққа, ярми бу ёққа йиқилибди. Қурбон пайғамбар дарахт билан бирга иккига бўлинибди.

Арранинг зикри тўхтамабди. Нафс дарахт киби қуп-қуруқ бўлса, руҳнинг ҳаёти битмас эмиш. Кесилган тана зикрда экан:

– Ё Ҳайй! Ё Ҳак!

Қулоқнинг маънавий пардасини тешган қуфр буюк пайғамбарнинг зикрини эшиттирмабди.

Қуфр ҳайвонлигини яна бир марта кўрсатибди. Ҳалим исмини акс этган мулойим табиатли пайғамбарнинг бадани иккига бўлингани уларга етмабди. Аввал зикр қилувчи бошни кесишибди. Кейин зикр қилувчи кўзини кесишибди.

Закариё пайғамбарим ҳануз зикрда экан.

Эсдалик учун бу муборак бадандан ҳар кас бир парчадан олибди.

Закариё пайғамбарим ҳануз қолмабди.

Буюк пайғамбар арра билан кесилган бир дарахтнинг “ҳиррр... ҳиррр...” овози каби бўғиздан қилинувчи зикр бошлабди:

– Ё Аллоҳ! Ё Ҳайй!

Бу зикрда аввал ҳамма зарра кесилади ва зикр қилинади:

– Ё Аллоҳ! Ё Ҳайй!

Кейин ҳар қайси туйғу бир-бир кесилади ва зикр қилинади:

– Ё Аллоҳ! Ё Ҳайй!

Сўнгра дунё кесилади, уқбо кесилади ва зикр қилинади:

– Ё Аллоҳ! Ё Ҳайй!

Қурбон Закариё каби руҳ Роббнинг ҳузурда нафсидан сўйган қурбонлари билан қурбатга етишади. Закариё пайғамбаримнинг этакларидан тутилган бу зикр билан бутун жонлардан кечилади.

Бу зикрга зикри арра дейилади.

Ҳар кимки зикрида Закариё пайғамбаримнинг арра сасини эшитмаса, у зикр бекордир.

Ҳар бир дарахтнинг шитирлашида Закариё пайғамбаримнинг зикри бор.

Ҳар бир дарахт зикри арранинг зикридир. Закариё пайғамбарим бутун дарахтларнинг сарзокиридир.

Ҳар бир дарахт Закариё қисматли бўлади...²

² Зикри аррада бўғоздан арра товушига ўхшаш товуш чиқариб зикр қилинади.

МИСР КУНЛАРИ

Юсуф ва Мусо пайғамбарларни Мисрдан узоклаштириб, кейин яна Мисрга ковуштирган йўл бизни ҳам бу ерга етказганди. Энди кирол Ҳерот ва унинг аскарлари бизни топа олишмасди. Кичик карвонимиз Миср ичида эди.

Мисрда бизга энг аввал Мусо пайғамбарнинг йўр-гаги бўлган Нил пешвоз чиқди. Тўсатдан ёдимга Мусонинг онаси Якобад тушди. Унинг таслимиятини, таваккулини, боласини сувга туширганини эсладим.

Нилда сутдан ажралмаган бир гўдак бор эди. Нил шаффоф йўргак, ноз билан тебранар бешик эди. Нил викорли она эди.

Мусо пайғамбарим иккинчи марта Нилдан туғилди.

Якобаднинг сабри, пайғамбар оналарининг сабри тошга, сувга ёзилди.

Елкамда бир пайғамбарнинг ва иффатига доғ тушмаган бир ёш қизга отасиз гўдак айбловининг юки бор эди. Бу ҳол гўдакни Нилга отишдан оғирроқ, кўрқинчлироқ эди. Ўзимни Нилга оқизилган чақалок Мусодек ҳис қилдим. Нилдан ҳам тошқинроқ, сўз укмайдиган бир халойиққа отасиз бир боланинг онаси



ўларок топширилгандим.

Бир муддат назарим Нилда сузиб юрди. Иймон кетган қалблар мана шу сувдан ҳам кўпроқ бўғувчи эди.

Нил пайғамбарни таниди. Бағрини унга бешик қилди. Иймондан узоклашган инсондан ёмонроқ, бе-шафкатроқ мавжудот йўқ эди.

Бир буюк пайғамбарнинг баракаси тушган Нил болам билан мени Мусо ва онасини танигандек таниди, салом берди.

Куёш синган нурларини Нилнинг устидан тўп-лашни бошлади. Нил куюк ложувард ёпинчигини кўксига ташлади. Шом тушаркан, ичимга сафар ғами тушди. Қаерга борамиз? Яна қанча юрамиз? Охири қаерда тўхтаймиз?

Шомнинг махзунлиги ичимга ўзидан аввал кириб келди. Кимсасиз йўловчилар эдик, чарчагандик. Болам ухлаётганди. Оқ юзларига окшомнинг сариқ акслари тушганди.

Мисрдаги Маниф шахрига келдик. Маниф қатта шаҳар эди, баланд-баланд ибодатхоналари бор эди. Шаҳар бозорлар ва тинимсиз у ёқдан бу ёққа юриб турган савдогарлар билан тўла. Одам кўп, сершовқин. Дунё сотган, дунёга чорлаган бир ер эди.

Юрагим сикилди. Бунақа бакир-чакирли жойни карвондагилар ҳам ёқтирмади.

Йўлда давом этдик. Тушундикки, кир-адирлар биз учун яхши экан. Шимолга қараб юрдик. Айн Шамс минтақасига келдик. Бозор йўқ, тужжорлар дунёни олиб-сотмайдиган ерда эдик. Катта-катта палма дарахтлари остида сукунат чўккан, тупроғи оқар сувларнинг раҳмати билан топишгани ишониладиган,

текис бир тепалик эди. Карвондаги ҳамма қатори бу ерни мен ҳам яхши кўрдим. Қолдик.

Одамлар далаларда меҳнат қилишарди. Бу ерга келган ғарибларга деҳқонлар бошлиғи яшашга жой беришарди. Исо билан менинг бир кичик хужрамиз бор эди.

Ип йигирардим. Бу иш фаластинлик аёлларнинг бахти эди. Ип йигириш кўнгилни тафтиш қилиш эди. Ип маъно оламида хийлага ишорат эди. Фаластин хотинлари асрлар бўйи бошларига ўрилган хийла ипларига сабр билан қарши чиққанларини ип йигириш билан кўрсатардилар. Шайтон бутун хийла ипларини, улар эса сабр ипларини ушлаган эдилар.

Урчуғимга аввал сабр боғладим. Кейин эса зикр. Йигиришни бошладим. Киши касбида маънавий сайру сулукнинг акси бор. Пахталарим ип бўларкан, нафсим ҳам кичрайиб борарди. Урчуғим айланаркан, юнглари атрофида рухим ҳам айланади. Дунёни қалбимда ип килиб, бандалиқни нақш-нақш йигираётгандим.

Бу ерга қисқа муддатда мослашдик. Исо улғаймоқда. Қуддусни ўйлардим. Ҳеч қанча ўтмай Қуддус кавронлари олиб келган хабар қишлоққа ҳам ёйилди. Биздан кейин оломон Закариё пайғамбаримни шаҳид қилибди. Хабар юрагимга чўғ бўлиб тушди. Кесилган ҳар парчада ҳар бир заррам кесилди. Закариё пайғамбарим дурадгор эди. Демак, кесган дарахтлари билан тақдири бир хил бўлди.

Ийша холам ёлғиз қолди.

Ҳаётни осонлаштирган, уни гўзаллаштирган, қисматни қабул қилдирган сабр тилсими билан кунларим ўтиб борарди. Исонинг улғайиши қалбим-

нинг севинчи бўлди. Қишлоққа ҳам ўрганиб қолдим. Мослаштирган сабр эди. Кундузларим иш билан, кечаларим ибодат билан ўтарди. Зикр ва шукр ҳаёт кўзимнинг сурмаси эди.

Ўша куни хўжалик алғов-далғов, деҳқонлар бошлиғи хафа эди. Бўлган ишлар мени ҳам қайғуга солди. Исо ҳолатимни сизди, ёнимга келди.

– Она, нега хафасиз?

– Деҳқонлар бошлиғининг хазинаси ўғирланибди.

– Топиб беришимни хоҳлайсизми?

Албатта, истайман-да! Ҳаммамиз тухматга қолгандик. Боламнинг кўзларига кўзларим чакнаб боқдим.

– Топа оласанми?

– Хўжаликда ишлайдиган ҳамма тўплансин.

Тўпландик. Исо икки одамнинг ёнида турди. Ҳамма ҳайратда қолди. Бу бечоралар қандай ўғрилик қила олишарди? Уларга қараб одамнинг раҳми келарди. Бири кўр, бири маймоқ эди. Исо уларни пулларни ўғирлаган хоналарига олиб борди. Маймоқ оёғини кўрнинг белига қўйди. Кейин унга гап қотди:

– Қани, кўтар!

– Қандай кўтараман?

– Кеча тунда пулларни олиш учун қандай кўтарган бўлсанг, шундай кўтарасан!

Кўр маймоқни кўтарганда маймоқ пуллар турадиган жойга қўл узатди.

Исо деҳқонлар бошлиғига:

– Кўр бўлгани қувватини, маймоғи эса кўзини ишлатди, – деди.

Исонинг худди кўргандек айтиб бергани ҳалиги икковини тан олдирди. Пулларни қайтариб беришди. Бойлик эгаси муродига етди. Жуда ҳам хурсанд бўлди. Ҳамма Исонинг яширин нарсаларни билганига

хайрон қолди. Дехқонлар бошлиғи:

– Марям, бу пулнинг ярми сеники, – деди.

Мен уни қабул қилолмаслигимни айтдим.

– Унда ўғлинг Исоники.

– Ўғлим Исо иззат ва шарафда мендан устун...

га

ха

уй

д

н

о

л

ТУШ

“Тур, она ва унинг ўглини Фаластин тупроқлари-га олиб бор. Болани ўлдиришни хоҳлаган кирол энди хаётда эмас”.

Юсуф кўрган тушининг таъсирида терлар ичида уйғонди. Ҳаяжонга тушганди. Ўз-ўзига гапирди:

– Демак, кирол ўлди.

Юсуф бизни Мисрдан Қуддусга элтиш учун дарҳол сафар ҳозирлигини бошлайди.

Ўн икки йил аввал келган йўлларимиздан такрор юриб борардик. Қўрқув билан ўтган йўлларимиздан омонлик ичида ўтаётгандик. Қўрқув билан кирган Мисрдан омонлик билан чиқдик. Қучоғимда олиб келган болам бўйимдан ошганди.

Шукр қиладиган нарсамизнинг кўпини вақтида англамасдик. Ҳаётимизда имтиҳонлар бошдан ўтма-гунча шукр ҳам бўлмасди.

Шукр эшигига бордим.

Қўрқув билан келган йўлларимни менга омонлик қилгани учун, кўздан пана қилиб келган боламни исми Ҳафийзи ила асраб, исми Рохийми билан улғай-тиргани учун, ҳар онимни шукрга улаштириб, менга шукрнинг қазосини англашни насиб қилгани учун

Роббимга ҳамд айтдим...

Ёнимда Исо, у оппоқ лўппи юзлари, кора холлари, катта-катта кора кўзлари, елкаларига тушган сочлари билан жуда ҳам ёкимтой эди.

Роббим бу юзда туғрукнинг жалолли олдида шундай бир жамол тўплаганди. Инсонни ўзига жалб қилган маъно тўла сирли кўзлар, ҳар доим кулиб турган чехра нақадар ёкимли, нақадар илиқ эди.

Кетишимиз ҳаммани қайғуга солди. Исодек боладан ажралиш барчани алам билан бўғди. Боламнинг фаройиб ҳолатлари одамларни унга мафтун қилиб қўйганди.

Исо деҳқонлар бошлиғининг ўғиллари билан хайрлашаркан, улар ўтган кунларни ҳозирданок эслай бошлаганди.

Исонинг ажабтовур ишларини қандай ҳам унутишсин?! Бир куни улар одамларга зиёфат беришди. Таом орасида бирор ичимлик тарқатишни хоҳлашди. Хумларнинг ёнига боришганда уларнинг бўшаб қолганини кўришди. Исо қўли билан хумларни силаганди, улар оғзигача шарбатга тўлди.

Айрилиқда киши дарҳол хотираларга чопарди. Ҳам ўтмишдан бирор нарса қидирарди. Менинг ўғлимга хўжаликнинг баракаси сифатида қарардилар. У жойга биз билан бирга барака келгани ҳақида гапиришарди.

Биздан ажаралишни истамаган кишиларга иккимиз ҳам елка оша қарадик. Кетаётганмиздан ичи эзилган, орқамиздан йиғлаётган кишилардан дуолар билан узоқлашдик.

Мисрда ўн икки йилимизни қолдирдик. Нима ҳам қила олардикки, дунёда ажралиш деган нарса бор. Дунё туйғу, дунё ўй, дунё хаёл олами дегани, шундай эмасми? Дунё сен бўлмаган, сенга бўлмаган, сендан

ташқари қолган нарса дегани. Шу сабаб ким ўзидан ташқари нарсалар билан ўралашиб юрса, дунё одами дейишади.

Дунёнинг калима қисматига мана шу маънолар тушганди. Тақдирни ўзгартириш бизнинг кўлимиздан келмайди. Дунёнинг қазои қадарини ўзгартириш мумкин эмасди.

Болам дунёнинг дунё эканига ажойиб мисол эди. Олиб келганим кеча эди, бугун ўспирин бўлди. Онаси билан бирга кетиб боряпти. Бу лаҳзамиз кечага айланади. Энди тарих элагиде эланиб-эланиб дунёда қолади.

ҲАЖ

Ғурбатда ўтказган йилларимиз ортда қолди. Бобо шаҳримиз Носирога келгандик. Исо билан бобомиз уйида яшай бошладик.

Қирол Ҳерот Ариҳадаги янги саройида завқу сафо ичра яшаётган пайти хасталанибди. Ўлишини билиб Фаластиндаги суюкли ашрофни Ариҳага даъват қилибди. Ҳаммасини бир жойга тўплаб қамокқа тиқибди. Синглиси Симонга ўзи ўлганидан кейин уларнинг ўлдирилишини васият қилибди. Бу азиз кишиларни ўлдиришдан мақсад, халқ улар учун ёш тўкиб, ўзининг ўлганига севинишларини унуттириш экан.

Золим қиролнинг ўлими билан юрт ағдар-тўнтар бўлибди. Унинг ўғилларини подшоҳ бўлишини истамаган халқ оёққа турибди. Қўзғалган халойиқни Рим қироли бостириб, Ҳеротнинг беш ўғлини бешта минтақага волий қилиб қўйибди. Шундай қилиб Фаластинни парчалаб ташлабди.

Фаластиннинг тақдирида қайғу бардавом эди. Халқнинг бор умиди Масих пайғамбарда эди. Ҳамма у ҳақда гапирарди.

Носирода Имроннинг қизи Марям бўлиб эмас, Исонинг онаси Марям бўлиб танилдим. Бу ердаги

кунларимиз хузур-халоват ичида ўтиб борарди. Исо ўн беш ёшларига яқинлашганди. Бу ёшдаги ҳар бир яхудий йигитнинг ўз касби бўлиши керак эди. Исо ҳам ўзига бирор касб танлаши лозим бўлди. Амаки-ваччам Юсуфнинг устахонасида дурадгорлик кила бошлади.

Бани Исроилнинг Мисрдан чиқиши ёд этиладиган Пасха байрами яқин эди. Ҳаж учун Қуддусга боришга қарор қилдим. Исо бундан қувониб кетди. Қуддус хижронига ўн беш йил бўлганди.

Ҳаяжонлар ичида ҳозирлик кўрдик. Ҳожи бўлишни истаганлар Носиро бозорида тўпланди. Улуғ бир қарвон ила Қуддус томон йўлга чиқдик.

Исо оппоқ хирқада яна ҳам нурланиб кетди. Бўйи яхшигина узайганди. Кенг елкаларига тушган узун сочлари билан хушсурат эркакка айлаганди.

Ичимда чексиз қувонч билан кетиб борардим. Ҳам ҳожи бўлиш, ҳам йиллар ўтиб Қуддусни ва холамини кўриш севинчи мени чулғаб олганди.

Март ойининг нашъаси теваракни камраган. Тоғлар қорни қувган, қир-адирлар чечаклар билан безанишга тушганди.

Аллоҳим, ҳамма нарса нақадар чиройли эди. Фирок ҳам гўзал, висол ҳам гўзал. Одам шошқалок эди. Қишнинг қаҳратони бўлмаса, баҳорнинг шу лаззати бўлармиди?

Қуддус ичимда болалаган ҳасрат эди. Зайтун тоғини кўриб эски кунлар ёдимга тушди. Қуддус мен учун бошқача эди. Кечаю кундуз Роббимга бандалигимда ўн беш йил йўл олганим эшик Қуддус эди. Қуддус менга она эди.

Исонинг нурли юзида Қуддусни кўриш ажиб бир завқ бўлди.

Қуддус ҳожилар билан тўла эди. Шаҳар марказида

тўпланган хожилар қариндошларининг уйларига кетаётганди. Ҳожиларни пул эвазига уйга қўйиш ҳаром эди.

Исо билан Ийша холамнинг уйига бордик. Кўксимизда ўн беш йиллик ҳасрат билан эдик. Холам анча қарибди.

– Марям, кап-катта аёл бўлиб қолибсан, – деди.

У кексайган, мен улғайгандим. Ўттиз ёшларда эдим.

Холам она ҳасрати билан кўзёш тўкди. Мен унинг ягона қизи бўлгандим. Яхёдан олдинги фарзанди каби эдим.

Кексалик денгизида тўлкинлар пайдо бўлди. Хотиралар бир-бир олдига тўкилди. Онам Ҳанна, отам Имрон ва Закариё пайғамбарим... Ҳар бири учун кўзёшларини айри-айри оқизди. Закариё пайғамбаримнинг шаҳодатини айтаркан, баравар йиғладик. Бирликда зикри аррага тушдик.

Холам Исони, мен Яхёни болаликларидан бери биринчи марта кўриб тургандик. Икки тенгқур бир-бири билан танишди.

Яхё Исодан бошқачароқ ўсмир эди. Чатма қошлари руҳидаги жалолни акс этган бир ёй эди. Кексалик либосини эрта кийиб олгандек, сочлари сийрак эди. Яхёга болалигидан илм ва ҳикмат берилганди. Отасининг шаҳодат шакли ҳар доим руҳида тажалли этарди. Яхёда маънавий маҳзунлик бор эди. Холам Яхёни кўздан кечирганимни тушунди. Боласини бир оналик сири ила менга гапириб берди:

– Яхё бошқача бола бўлди. Кичиклигида ҳам болалар билан ўйнамади. Ўйин учун чақирган болаларга “Мен ўйнаш учун яратилмадим” дерди. Закариё Зайтун тоғида сўйиларкан, гўё жалоли боламнинг кайиғи урди. Яхё гўдаклигидан бери ҳар доим Ал-

лох кўркуви билан йиғлайди.

Бир Яхёга, бир Исога қарадим. Иккиси бир-бирига ўхшамасди. Яхёнинг махзунлиги, Исонинг бахтиёрлиги бор эди. Худди одамлар кутган умидни берадигандек шод эди.

Икки нур орасида эканимни англадим. Аллоҳим, икки қариндош, икки тенгдош, икки севган банданг, иккови ҳам мўъжиза, икковининг исми ҳам Сен томонингдан кўйилди.

Демак, Яхёда жалол, Исода жамол зухури бор эди. Илоҳий тенглик.

Яхёнинг ёшликдаги хузун тўла жалоли, Исонинг бахт тўла жамоли қадарларида қандай акс этади, буни ҳеч ким билмасди.

Қадари илоҳийдаги нозик сирга тутиндим.

Қуддусда ибодат ва ҳузур билан етти кунни ўтказдик. Ҳажимиз битган ва байрамимиз тутагани. Қайтиш бошланди. Ҳаж қарвонимиз билан Қуддус бозорида такрор кўришиб, йўлга чиқдик. Раус қудуғига етганда Исо йўқлигини билиб қолдим. Дарҳол Қуддусга қайтдим. Холамникига югурдим. У ҳам ташвишга тушди. Нима бўлди экан? Эски хаёл билан юрган кимсалар унга бирор зарар етказдими?

Икки кун кидириб ҳеч нарсага эришмадик. Аллоҳим, Исогинамга нимадир бўлдими? Биринчи марта Қуддус шунчалар тор, шунчалар қоронғи кўринди.

Учинчи кун хаёлимга маъбад келди. Ўша ерда бўлиши мумкинми? Окшомнинг қоронғулигига қарши ибодатхона равоқларига қандиллар шуъласи тушганди. Дарсхоналарга қарадим. Йўқ. Охирги бир хужра қолганди. У ерда Бани Исролнинг энг буюк олимлари сабоқ берарди. Қараш зарурмас деб билдим. Исо бу ерга киришга ҳали ёшлик қиларди. Бу олимлар билан нима иши бўлиши мумкин?

Ичимда бир нарса, ўша ерга кара, деди. Кўзларим хайратдан катта-катта очилди. Исо тўрда ўтириб уларга дарс бераётганди. Уч кундан бери шундай ҳолат экан.

Мени кўриб ёнимга келди. Вақт ўтганини унутиб қўйибди. Уч кундан бери нима бўлаётганимни айтдим.

Узоқларга кўз тиккан каби менга каради.

– Эй онажон! Аллоҳ мени зое қилмайди!

Қалбим “аманна” дерди. Меҳрим она эди.



ИККИ ИФФАТ ЧЕЧАГИ

В акт тегирмонида йиллар янчилиб борарди. Исо ўттиз ёшларига яқинлашиб қолди. Кунларининг кўп қисмини тоғларда, тепаликларда ёлғиз ўтказарди. Коинот китобини вирд айлаганди. Ўқийди, зикр қилади; зикр қилади, ўқийди.

Баъзан Зайтун тоғида кунлаб қолиб кетарди. Унинг маънавий ҳаётида Зайтун тоғининг алоҳида ўрни бор эди. Бу ерда кўзёш тўла кечаларни, тафаккур билан кунларини ўтказарди.

Маъбадга унча кўп бормасди. Чунки ибодатхона сиёсий мужодала жойи бўлганди. Ихтилоф ва тортишувлар маъбадда маънавий ҳаво қолдирмаган эди.

Исо коинотни ўзига ибодатхона қилганди. Яхё ҳам Қуддусда, маъбадда ибодат қилмасди. У ҳам маъбаднинг сиёсий ўйинлар маконига айлангани учун Қуддусдан кечиб, Урдунга кетганди. Тоғларда яшар, дарахт илдизларини ер, денгиз сувидан ичарди.

Гўё Закариё пайғамбаримнинг кетиши билан очилиб қолган бўшлиқни, халқнинг йўқолган маънавиятини икки ёш – бири Зайтун тоғида, бошқаси Моаб тоғларида зикр ва ибодат билан тўлдиришарди. Биз учовлон эдик. Мен ҳам уларнинг икки қўли, икки

кафти бўлгандим. Гўё бир кафтимда Исо, бирида Яхё бор эди. Уларни тўғри Роббимга узатаётгандек эдим. Учлик зикр халқасида маънавий ҳимматларимиз бирлашарди.

Яхё ва Исо икки йигит эди. Иккиси ҳам тарки дунё қилишганди. Иккисининг турфа холларда турфа тажаллийга ойна бўлишарди. Пахлавоним Исо хамиша:

– Мен дунёни енгдим, – дерди.

Исо дунё курашчиси эди, уни енганди. Дунё унга ҳеч тенг келолмасди.

Исо ниҳоятда камтар эди. Роббга яқинлик кибрдан узоқ бўлганчалик эди. Исодага тавозе гўзал эди. Онасининг сирида эди. Аёл мутавозе бўлади. Она кўнглини боласи учун оёқлар остига ташлайди. Аёл оналик билан улуғвор бўлади, камолотга эришади. Исода ота томон бўлмагани учун кибрдан пок эди. Эркакнинг жалол йўли тегинмагани учун жамолга ҳақиқий ойна эди.

Исо жонга жуда ҳам яқин эди. Унга караган кишида илк уйғонган ҳис – умид бўларди.

Яхё Исонинг мутлақо тескариси эди. Яхё кўркув соларди. Қалблар кўркувдан уйғонар, титраб кетарди. Гўёки кекса ота-онанинг жалол меваси эди Яхё.

Улар тақдири ўхшаш икки йигит эди. Менинг иффат имтиҳонимга икки ёш иффатлари билан жавоб бўлганди. Кишининг бандалик масъулияти қобилиятларининг зидди билан бўларди. Туйғуларимнинг ҳеч бирига болалигимдан бери бир он ҳам Аллоҳдан бошқаси тушмаганди. Қалбим иффати мустаҳкам эди. Иффат фақат баданий эмас, бутун туйғулар билан камолга эришарди. Баданимдаги иффатга халк гувоҳ эди, руҳимнинг иффатига Роббим шоҳид эди.

Иффатим билан синалдим. Имтиҳон оғирлиги юрагимга чўғ бўлиб тушди. Натижаси буюк, бара-

каси мўл бўлди. Икки иффат чечаги унди. Улар ҳам иффат эгалари бўлди.

Одоб уларда тож, хаё уларда камол, иффат уларда қалъа бўлди. Улар пахлавони дунё бўлишди.

Учаламиз ҳам иффат муаллими бўлдик. Яшаган асримиз иффат асри бўлди.

Ҳикмати борнинг одоби бўларди. Одоби борнинг иффати бўларди. Иффати борда муҳаббатulloҳ бўларди. Кимда муҳаббатulloҳ бўлса, Илохий тажаллийга етишарди.

Бугун ичимга яна иффат тушди. Зотан, Яҳё ва Исо эсланганда, бошқа нарса ўйланмасди.

Яҳёга ваҳий келгани ҳақида хабар Носирога ҳам етди.

Шу сабаб одамлар Урдунга оқа бошлади. Уминини йўқотган, қалби синик инсонлар дунёдан сўз айтувчи пайғамбарни таниш, маънавий ҳимматидан насиба олиш, файзидан баракатланиш учун Урдунга йўл олди.

Аллоҳ Яҳёга беш калима ваҳий қилганди. Ўзига ширк келтирмасликни, намоз ўқишни, рўза тутишни, садақа беришни ва зикруллоҳни буюрганди. Буларга амал қилишни ва халққа билдиришини марҳамат қилганди.

Яҳё одамларга хитоб қилди:

– Доимо Аллоҳни эсланг. Аллоҳни зикр қилган кишининг ҳоли душмандан қочган кимсанинг қалъага беркинганига ўхшайди. Душман қалъа сабаб уни қўлга тушира олмайди. Аллоҳни зикр қилган инсон шайтон олдида мана шундайдир.

Носиро кўчаларида ҳамма янги пайғамбардан баҳс этарди. Яҳёнинг зиёратидан қайтаётганлар маъ-

навий бир ҳавонинг насимида келишарди.

Исо Ўлик денгиз бўйидаги Урдун водийси томон
йўлга чиқди. Яҳёни зиёрат қилмоқчи эди.

ва
эд
па
ё
к

Н
Н
х

ХИЛВАТ ВА РИЁЗАТ

Исони кўпдан бери кўрмаётгандим. Хилват ва узлат унинг дўсти бўлганди. Бу галги хилвати қирқ кунга яқинлашди. Хилват пайғамбар йўли эди. Хилватни Иброҳим пайғамбар, чиллани Мусо пайғамбар бошлаган. Исогинамда хилват билан риёзат ҳам бор. Хилват одамлардан узок бўлиш, мен каби сукут қилиш эди.

Қалб тили кишилардан узок бўлганда ечиларди. Қалб сўзга тушганда бошқа тиллар мум тишларди. Нафс тил каломи билан сўзга кирарди, шайтон ҳам ҳар вақт унга ёпишарди. Қалб фаришталарнинг тили эди. Исо Қуддусга яқин жойларда хилватда, Яхё эса Урдунда.

Мен дуогўйман.

Зоҳирий хилватдан ўтиб, ботиний хилватга етганлар қалбни озод айлардилар. Роббга боришга тўсик бўлган нафснинг қалбдаги гумашталарини эшикдан ташқарига отардилар. Ўша гумашталар сурбет эди, осонликча тарки макон этишмасди. Улар билан каттиқ олишиш керак бўларди. Бу олишувда уларни кучсиз қилувчи энг муҳим нарса риёзат эди. Нафснинг аскарлари таом билан кучланарди. Очликка чидай

олишмасди. Бир хил емишга сабр кила олишмасди. Емок-ичмоқ камайса, уйку ҳам қочарди. Тун ибодатлари бошланарди.

Улар жудда маккор, баъзан ўзларини маъсум кўрсатувчи туйғулар эди. Ўзларини мудофаа қилишни жуда яхши билишарди. Улар бир занжирнинг халқалари каби бир-бирларига киришиб кетишганди. Бирининг борлиги бошқасини етаклаб келар, бирининг йўқлиги бошқаларини ҳам парчаларди.

Қалбни бўшатмоқчи бўлган киши аввало кинни улоқтирмоғи зарур эди. Кини бор қалбни Аллоҳ хузурига қабул этмасди. Кейин ғазабни қувиш даркор бўларди. Ғазаб шайтондан эди. Сўнгра очкўзликни. Очкўзлик уятни қочирарди.

Эшикдан отиладиган туйғулардан бири ҳасад эди. Ҳасадгўй қалбга илм тушмасди. Қалбнинг яна бир душмани кибр эди. Кибр Фиръавннинг ахлоқи эди. Қалбни ўлдирувчи яна бир нарса бадгумонлик эди. Қалбдан уни ҳам отиб ташлаш керак эди. Ёмон гумон Роббимиз ҳам қилмаган иш эди. Аллоҳ Ўзини унутган, Ўзини танимаган бандасини ҳам хусни зон билан кутарди.

Исо риёзатда чўккига чиқди. Бирор нарса еб-ичмайдиган ҳолга келди.

Қалб дунёдан риёзат билан воз кечарди.

Исо хилватидан кўкларнинг қалити билан қайтди. Мусо пайғамбар Тур тоғидан қайтган каби Исо ҳам у томонлардан каломи билан қайтди.

Кичрайгандек кўринди. Оқ юнгли жуббаси ичида ажиб нурланганди. Узун бўйи устида порлаган оппоқ юзига бошқача нозиклик чўкканди. Маънавий ҳолнинг аломатларидан бири ҳам терининг зарифлаши-

ши эди.

Болам ёшгина пайғамбар. Унда ўттиз ёшнинг бор гўзаллиги барқ урганди. Ёшликнинг камоли шундок билиниб турарди. Кенг елкаларига коинот кўнганди. У оғирликнинг остида Тур тоғи эрirkan, Исо тоғдан тикрок, виқорлирок турарди. Демак, тортган бор изтиробим мана шунга эмиш...

Оқланиш вақтим келганди. Пайғамбар ўғлим она-сини оқларди. Бошдан ўтказганларим бир шукр силсиласи бўлиб, кўзим олдига терилди. Пайғамбар оналигининг шукри тилимга қадалди.

Закариё пайғамбаримнинг руҳи шод бўлаётганди. Роббим бир даврда икки опа-сингилнинг авлодларига пайғамбарликни насиб этди. Уларнинг бири пайғамбарнинг бувиси, яна бири пайғамбарнинг онаси бўлди. Ўғил нияти ила дуо қилган онам Ҳанна ўзи билмай, Исо учун илтижода бўлган экан.

Отам Имрон ҳаяжон тўла қалби билан сўзлаган, бокира онадан туғиладиган Масихнинг ўз набираси бўлишини билиши мумкинмиди? Қалбига ўқ бўлиб қадалган Масих ҳаяжони, ажабки, шунинг учунмиди? Такдирнинг сирлари ғаройиб. Демак, мукофот чиллага қараб экан. Мамнун этилиш Роббни рози қилиш баробарида бўларкан.

Боламнинг куняси Исо ибн Марям эди.

САМОЛАР СУХБАТИ

Исо ўз хилватидан хилват дар анжуманга ўтди...

Улуғларнинг йўли чўккилар сари бўлади. Мардларнинг тоғ каби мустаҳкам иймонлари уларни тоғларга тортади, қалблари қояларда гул очади. Исо ибодатлари билан кундузни айро, кечани айро нақшлангирди. Роббининг висолига интилди. Қирк кун шундок ўтди. Қалби тилим-тилим бўлди. Аллоҳнинг остонасига бош урди:

– Аллоҳим, ёлвораман, менга жамолингни кўрсат!

Исо дунёдан, бадандан, руҳдан кечди. Аллоҳдан бошқа ҳамма нарсадан кечди. Исонинг қалби ҳайбат чўккисиде кўкларга учди.

Тоғ кўркувга тушди.

Бир нур Исонинг бутун ҳисларини қоплади, еру самони эгаллади. Аввал ҳеч кўрмаган равшанликка улашди. Аввал ҳис қилмаган нарсалари содир бўлди.

Бир нур ёмғирининг остиде қолди. Бутун жисми покланар, у ҳолдан бу ҳолга алмашарди...

Исонинг маънавий ҳоли юзидан маълум эди. Ёқимли гаплашарди. Сўзлари ширин ва қалбнинг туб-тубилан чиқиб келарди. Айниқса, мен билан гап-

лашаркан, “онажон” деганда мухаббат ва одоб бир каломнинг ичига ётишиб кетарди.

Юзимга каради. Такдирдош эканмизни ёдга солгандек боқди.

– Бир хитоб эшитдим, – деди.

Қолганини кўзларимни юмиб, унинг сўзларига сингиб тингладим.

– Унга томон йўналдим.

Кўркув... Азамат... Титроқ...

Нафас олиш нима экан, дунёнинг хавоси етмай қолди сўлғинлигимга. Бадан шунчалар ҳам ожиз бўладими? Роббим, бу бадан, бу тан Сени бу ерда кўришга чидай олмагани учун оламда Ўзингни кўра олмасдик. Кўролмаслигимиз ҳам раҳмат экан. Йўкса қандай бардош қилардик?

Кўркув жалолнинг ойнаси, жалол кўркувнинг ифодаси экан.

Қалбим Тур тоғи. Совриляпман...

– Хитобга йўналдим.

Жаброил эди.

Жаброил тўғри менга йўналди:

– Эй Исо!

Исо гапирарди. Мен Исонинг ҳар жумласи билан маънавий олам эшикларига урилардим. Қалбим ва руҳимда мажол қолмади. Гўё иккови ҳузурланиб саждага кетганди. Бутун борлигим тупроқ бўлди. Ўн саккиз минг олам менинг ҳам елкамга тушди. Нубувват кўркуви борлигимни кучди. Аршнинг тили Жаброил худди менга гапираётгандек эди. Исо сўзлашда давом этди.

– Роббинг сени Бани Исроилга пайғамбар қилиб юборди.

Ҳар пайғамбарнинг муаллими Жаброил эди. Роббидан ўрганганларини ўргатарди. Исонинг кўзлари

ичига қарадим. Исони тингларкан, Жаброилни кўрган кўзларидан малаклар оламини қидирдим.

– Жаброил менга ҳикматни, Тавротни ва Инжилни ўргатди.

У ўрганилиши асрлар бўйи давом этадиган нарсани бир онда таълим берарди. Унинг ўргатиш шакли ваҳий эди. Жаброил илм солган қалбга, у назар қилган юзга – Исога ҳам иймон келтирган киши, ҳам бир она бўлиб қарадим.

Ҳамд руҳимда чашма, шукр ичимда Ҳожарнинг замзами бўлиб оқди.

ШАЙТОН ҲИЙЛАСИ

Исонинг сочлари елкаларига тушган, юзига кесилган нафснинг рангги урганди. Чехрасида бошқача бир азамат зухур килди. Менга ҳар доимгидек эҳтиром билан каради. Елкаларида юк бор. Унга вазифа берилган. Ҳар кимнинг охират ҳаёти юкланганди.

У тоғдан юк билан тушди.

Қирк кунлик риёзат танини анча заифлатганди. Таом эҳтиёжи билан атрофга каради. Кўзи тошларга тушди. Яхёнинг сўзларини эслади: “Аллоҳ мана шу тошларни Иброҳимнинг болалари қилиб қўйишга қодир”.

Исо тафаккур ичида экан, ёнига биров келибди.

Келган одам айтибди:

– Эй Исо, Роббингга дуо қил, бу тошларни сен учун нонга айлантириб қўйсин!

Исо Аллоҳнинг қудратини тафаккур қиларкан, қарши тараф унинг башарий эҳтиёжлари ҳақида гапирибди. Исода исми Қодир энг олий даражада ошкор эди. Тупроқдан нон чиқарган Аллоҳ хоҳласа, тошдан ҳам чиқаришини Исо яхши биларди.

Мусонинг қавмига кўкдан таом туширмадими?
Исо ҳалиги одамга:



– Билмайсанми, сенга фақат сен учун тақдир қилинганлар бўлади.

Бирга юришни бошлашибди. Юриб-юриб бир тоғнинг чўққисига келишибди. Одам Исога:

– Шу тоғдан ўзингни от. Қандай ўлар экансан!

Исо аҳмоқ кимсага ғазаб билан жавоб берибди:

– Жаноби Ҳақ бандасини имтиҳон қилади ва шундай дейди “Бундай қилсанг, сенга бундай қиламан. Кўрамиз, қила олармикинсан”. Банданинг ҳаққи йўқки, Жаноби Ҳаққа шарт қўйса. Бу Аллоҳни имтиҳон қилиш дегани. Мазкур ҳол кулликка тескари. Робб олдида адабсизлик.

Одам ҳаддидан ошибди. Исога муҳаббат билан яқинлашиб, унга илтифотлар кўрсатибди, макташга тушибди.

– Сенга кул бўлиш ярашадими? Сенга “Робб” бўлиш ярашади. Чақалоқ ҳолингда гаплашдинг. Сен каби бешикда гапирган биров борми?

– Асл Робблик гўдакни гаплаштирган, инсонларни ўлгандан кейин тирилтирган Аллоҳга хосдир!

Анави нусха жуда аччиқланибди, лекин ғазабини билдирмасликка уринибди.

Исога: “Қара!” дебди. Исо шунда дунёнинг бутун мамлакатларини кўрибди.

– Мана шу кўрган салтанатларингни сенга берман. Одамлар устидан ҳоким қиламан. Шон-шуҳратинг бутун ер юзига ёйилади. Ҳаммасига эришишинг учун сендан бир нарса сўрайман. У ҳам бўлса менга сажда қилишинг.

Исо унга нафрат билан бақрибди:

– Эй шайтон, йўқол ёнимдан! Ёлғиз Аллоҳга сажда қилинади! Фақат Аллоҳга ибодат қилинади!

Шайтон ҳеч воз кечай демасмиш. Бутун дунёни тақлиф этибди. Нафсга ёқалиган мол-дунё, шуҳрат,

хокимият... Исо ҳаммасини рад қилибди, шайтоннинг таклифлари уни баттар ғазаблантирибди.

Шайтон дебди:

– Эй Исо! Бу ғазаб банданинг ғазаби эмас! Мен сени ҳаққинг бўлган нарсага чақиряпман. Барча шайтонларга айтай, сенга итоат қилишсин. Шайтонлар сенга итоат қилса, халқ сенга топинади. Қандай ҳам гўзал “Илоҳ” бўласан. Ишонган Аллоҳинг кўкларнинг илоҳи бўлади, сен эса ернинг.

Исо ҳайкирибди:

– Эй малъун Иблис! Аллоҳ бирдир! Аллоҳ бирдир!

Шайтон ҳам ғазабдан кутурибди. Чиркин афтидаги ғазабни кўрсатиб, интиқом ҳислари билан Исога бакирибди:

– Эй Исо! Бугун мени яхшигина чарчатдинг. Библиб кўй, сендан фойдаланиб одамларни васваса қиламан. Уларга турфа нафсоний истакларни кўрсатаман. Уларни тоифаларга бўлиб ташлайман. Сен ва онангнинг Аллоҳдан ташқари “Илоҳ” деб эълон қиламан, халқни шунга ишонтираман...

Исо шундай англатди.

– Онажон, шайтон сизни ҳам сабаби имтиҳон қилади. Бир тўп инсонларнинг синови сизнинг иффатингиз бўлганди. Бир тўп инсонларнинг синови бунинг мутлақо тескариси бўлади. Сизни муқаддас қилиб, “Илоҳ” қилиб кўрсатади.

Қалбим дуолар билан топишди.

– Роббим, қувилган шайтоннинг ёмонлигидан Сендан паноҳ тилайман!

Демак, шайтон Исо борасида мени ҳам ўртага қўяди. Исо она қисматли. Онаси билан имтиҳон қилинган пайғамбар. Демак, Исо ҳақида гап кетганда одамлар ҳам ҳар замон мен билан ҳам синалади.

Шайтон мен ва Исо туғилганда бизга тегинолма-
ганди. Ҳаётимиз бўйича биздан йироқ бўлганининг
интиқомини мана шундай олмоқчи.

Кўз ёшларим мен ва Исо ила синалиб ютказган
кишилар учун оқди...

ЙЎЛОВЧИ

Исо даъватни кандай бошлашни ўйлаётганди. Носиродан бошласами ёки бошқа жойдан-ми?

Шубҳасиз, Роббимиз унга йўл кўрсатади. Тўхташ йўқ, бир жойда туриш йўқ.

Менга сўз очди:

– Онажоним, айрилиқ вақти.

Мухаббат учун айрилиқ лозим эди. Қалбнинг тилга кўчиши, каломга ўтиши учун севганларингдан ажралиш керак. Висол учун хижрон даркор. Айрилиқ вақтидан васл замонини тушундим. Болам кўзларимга караб қалбимга бокди. Она юраги нима дейди, дегандек эди.

Онанинг юраги фарзандини дунёга берганича изтиробга тушади.

Шафқатим Соҳиби Ҳақдан.

Исогинамнинг имтиҳони оғир бўлади. Ўттизида Аршдан юк олганди. Қайси пайғамбарнинг синови энгил бўлибди?! Роҳат истаганлар дунёда роҳатланаверсин. Биз дунёни орқага отдик. Дунё биз билан кураша олмади. Дунё эшигини очилмайдиган қилиб ёпдик. Нафс бўлса, дунёга сўкмоқлар очилади.



Биз Уқбога қадам қўйдик, нафси оёқ остига олдик.
Нафси босиб бошимизни Аршга узатдик.

Пайғамбар болам мендан розилик истаётганди. Бу видо Уқбо видоси эди. Масихнинг маъносини у ҳам билади. Масих – йўлчи дегани. Масих – йўл юриб иршод килувчи. Масих – оила курмайдиган кимса. Масих – уй-жойсиз, бола-чакасиз инсон. Масих – дунёсиз одам. Бу видолашувга дуо керак эди.

– Йўлинг очик бўлсин.

Сенинг йўлинг – менинг йўлим. Сенинг айрилигинг – Ҳанна онамнинг айрилиги, менинг айрилигим. Йўлинг равон, сенга ишонганлар кўп бўлсин! Роббимиз ризоси, лутфи хар доим сенга ёр бўлсин!..

Исо йўлга чикди.

Бугунгача хар доим юзи юзимдан терс бўлмади. Биринчи марта назарим ортидан эргашди. Энди бола-сини Аллоҳ йўлига солган хар она Марям эди. Бутун Марям тақдирли оналарнинг қисматини юкладим.

Йиллар жуда ҳам тез ўтади. Дунё йўл, инсон йўловчи эди. Йўлчим кетди. Илк иймон келтирганини қолдириб кетди.

Хайр-хўш.

У Ҳаннанинг Марями, Иброҳимнинг Исмоили, Марямнинг нури дийдаси эди.

Кун окшомга қовушди.

Бағримдан бир ўғил айирдим. Меҳр боғимдан бир гул уздим. Кўнгил уйимдан бир пайғамбар етишди.

Келин кетар каби бир пайғамбар жўнатдим уйимдан.

Шукр севинчга етди.

Зикр ниёзга эришди.

Коинот билан ҳамдга киришдик.

Уйимдан бир пайғамбар кетди.

Бир он қўлларим бўшашди. Бу қўлларда пайғам-

бар етишди.
 Пайғамбар онаси бўлган пешонам шукрла сажда-
 га кетди.

Масихнинг сафари бошланди. Она – дуоғўй. Кўн-
 гил мадори. Икки буюк кафт. Она – курбон килувчи.
 У фарзандини ё дунёга, ё Аллоҳга курбон қилади.
 Исо кафтларимга тушиб айрилганди. Роббимга дуо-
 ларим билан йўналдим. Болам худди кафтларимда
 тургандек. Қўлларимни юзимга сурарканман, Исо
 дунёю охиратда кўзимнинг нури эканини англадим.

Шукр билан, зикр билан кузатиб қолдим. Бошига
 нималар келишини ҳис қилдим. Инсон ҳамиша си-
 новда. Пайғамбарлар аллақачон имтиҳон қилинади.

Исо бутун яҳудий шаҳарларни бир-бир кезиб, Ал-
 лоҳни англатади. Энди унинг хабарлари келади. Ҳеч
 қанча ўтмай Носирога ўша хабарлардан бири етиб
 келди.

Исо бу ердан кетиб биринчи дуч келган шахрида
 даъватни бошлабди. Халқ дунё бозорида экан. Одам-
 лар молларини қимматроқ сотиш, кўп фойда топиш
 дардида. Устида оқ жунли жуббаси, ўттиз ёшнинг са-
 лобати ва навқиронлиги билан Исо кўринибди. Юзи
 тўлин ой каби порлоқ, оппоқ. Узун бўйида бутун пай-
 ғамбарлар силсиласи. Кенг елкаларида салобат ва
 сукунат. Исонинг ўзи камтар, даъватида эса виқор.
 Баландроқ ерга чиқиб сўз бошлабди:

– Эй Бани Исроил! Эй Бани Исроил!

Бозордагилар янги бир сотувчини, бошқача бир
 молни кўриш иштиёқи билан унга қарашибди. Пай-
 ғамбарликнинг асслиги ичларига кириб борибди. Бу-
 тун халойиқ бу гўзал ва ёш инсон атрофида тўпла-
 шибди. Елкаларига теккан сочлари куёшда порларкан,

Исо гапларини бошлабди:

– Эй Бани Исроил! Менинг ҳам, сизнинг ҳам Роббингиз бўлган Аллоҳга ибодат қилинг. Унга ширк келтирманг. Ўзига ширк келтирувчиларга Аллоҳ жаннатни ҳаром қилди.

Одамлар сотувчи деб ўйлаган шахсга ажабсиниб қарашибди:

– Сен кимсан?

– Аллоҳнинг сизга юборган элчиси.

– Қаердан биламиз пайғамбар эканингни?

– Роббимдан мўъжиза келтирдим.

– Мўъжизанг нима?

Исо турган еридан лой олибди. Ундан бир куш хайкалини ясабди. Кушга пуфлабди. Куш жонланибди ва учишни бошлабди.

Роббим илк мўъжизасини Исога ўзининг туғилиш шаклида берганди. Пуфлаш билан ҳаёт бағишлаш. Халойиқ ҳайратга тушибди. Талваса ичида кушнинг учишини томоша қилишибди. Ҳамма иймон сирига яқин келганда, бир хосиятсиз шивир-шивир қулоқдан қулоққа ўтибди:

– Бу сеҳр!

– Ишонманглар! Лой жонланадими?

Иймоннинг асрори фитна келган бир онда кетибди. Шубҳа тушса, ҳимоя кетади. Васваса келса, ақлнинг муҳокамаси битади. Ҳаммамиз балчикдан яратилмадикми, бу Одам Атонинг яратилиш сирини, демабди ҳеч ким. Нафслар дарров оёққа турибди. Инсондаги шайтон иш бошига ўтиб, ҳайрон кишиларни уйғота бошлабди. Шайтон муаллим, тил воиз бўлибди. Гаплар учибди:

– Ҳа, тўғри, сеҳр!

– Ҳеч замонда лойдан куш учадими?

– Қани тезроқ кетайлик.

– Яна
Кетини
тутиб ўз
Исода

– Сехрининг таъсирига тушмайлик.

– Яна нима учун турибсиз?..

Кетишни истамаган бир неча кишини кўлларида
тутиб узоклаштиришибди.

Исодан қочиб шайтоннинг орқасига тушишибди.



КУМУШ ПАТНИС

Кирол Ҳеротдан кейин ўрнига Аркалавус келганди. Касалманд Аркалавус ҳеч қанча ўтмай ўлиб, унинг ўрнига укаси Ҳерот II ўтирди.

Аркалавуснинг вафотидан энг кўп хотини Ҳеродиа роса сиқилди. Қиролича Ҳеродиа шохлик ва кудрат кўлдан кетганини қабул қилолмади. Янги қирол билан турмуш қуришни ўйлади. Фақат қонунлардаги «эри ўлган хотин икки йил ичида турмуш қуролмайди» деган жойи хоҳишига тўсик бўлди.

Қиролича ўзини иқтидорга етказиши мумкин бўлган йўлни топди. Қизи хаёлига келди. Агар қизи амакиси қирол Ҳерот II билан турмуш курса, бошқарув қизидан ўзига ўтади. Ким билади, балки икки йил ичида қизидан ажрашиб, ўзига уйланиши мумкин. Бу хаёллар Ҳеродиага нашъа берди.

Дарров ҳаракатга тушди. Қизи Саломини жозибадор қилиб ҳар ерда амакисининг йўлидан чиқаришни бошлади. Аёл жозибадорлик либосини кийса, албатта, шунга кўра иш қилади. Чунки бу кийимнинг ичига шайтон киради. Шайтоннинг энг севган нарсаси аёл киши бировни гуноҳга бошлашидир. Шайтон бир тош билан икки қушни уради. Ҳам эркак гуноҳкор,

хам аёл.

Ҳеродианинг режалари қиска фурсатда иш берди. Қиролнинг кўзи жияни Саломидан бошқани кўрмай қолди. Лекин қаршисида бир тўсиқ бор. Амаки билан жияннинг оила қуришини бутун дин одамлари тўғри десалар, Яҳё бу никоҳнинг ҳаром эканини айтарди.

Қирол анча ҳурмат қилган Яҳёни виждонидан нари қилолмади. Ҳеродиа бошқарувга энди яқинлашганида тўсиқ бўлаётган Яҳёни бош душмани ўрнига кўйди.

Ўшанда саройнинг катта хоналарида иситма алаҳсирашига ўхшаш ҳолат мавжуд эди. Қирол Ҳерот II нинг туғилган куни шарафига зиёфат берилиши керак. Сарой худди янгидан жиҳозлангандек. Тайёргарликлар ниҳоясига етди. Меҳмонлар келишни бошлади. Саломи ва онаси меҳмонлар орасида. Қиролнинг кўзи Саломида. Шайтон бу манфур ишни дастаклади. Қиролга жиянини янада гўзал кўрсатди. Шоҳ унга яқин келди:

– Мен учун рақсга туш, – деди.

Саломи ноз қуролини қўллаб, рақсни хоҳламаётгандек кўринди. Қиролнинг истаги янада кучайди:

– Мен учун рақсга тушсанг, сенга хоҳлаганингни бераман.

Саломи шайтоний бир қулиш билан амакисига қаради. Ичини тўсган ёлғон бир уялиш билан сўради:

– Ростданми?

– Қасам ичаман. Мен бугунгача ҳеч бир ваъдамни бузмадим.

Саломини қўлларида шайтон тортиқлади. Ҳарир либослари билан ҳавода учди. Ҳар рақсда шайтоннинг бир қўли бор эди. Қирол ўзидан кета бошлади.

Қирол Саломига қаради. Бутун нафси амморасини ҳаволантирган рақснинг бадалини сўради:

– Нима истайсан?

Саломи нима хохлашини ўйлаб кўрмаганди. Кўзлари онасини кидирди. Ҳеродиа ниятига эришай деб қолди. Қизига энг яхши нарсани сўраб беради. Она шайтон шивирлагандек кизининг кулоғига лабини яқин қилди. Саломи ноз ва ишва билан керишди. Жинсу инсий шайтонларнинг истагини сўради:

– Кумуш патнисда бир ҳадя.

Қирол ажабланди, нима бўлиши мумкин?

– Айт.

Саломи харир кўйлагини ҳилпиратиб қиролнинг атрофида айланди.

– Кўп нарса истамайман, ҳукмдорим.

Аёлликнинг фасод бокишларини бир ерга тўплади, узок тикилди. Айёрона кулиш билан хоҳишини айтди:

– Яхёнинг боши...

Қирол хохламади. Саломи ноз билан юзини бурди.

– Мамлакатнинг ярмини сўра.

Саломи жавоб ўрнига ишвани орттирди.

Қирол титради... Атрофидагилар унга, сўз бергансиз, дейишди. Қирол ғазаб билан гапирди:

– Яхё – азиз одам. Йўқ, унинг бошини олмайман.

Қиролнинг боши айланди. Дунё бошига тушгандек бўлди. Ёнидагилар “Қасам ичдингиз! Сўз бердингиз!” дейишяпти. Гўё ҳаммаси шайтон билан аҳдлашган эди. Шоҳнинг кўз ўнгидан Яхё ўтарди. Устига дунёни кўндирмаган, туғилибок дунёни устидан олиб ташлаган Яхё. Қирол нималарнидир ҳис қилди. Бақирди:

– Йўқ! Яхёнинг боши бўлмайди.

Ҳамма бир овозга айланиб “Қасам ичдингиз,

хукмдорим” дерди.

Шайтон аёл макри билан киролнинг хаётини эгаллаб олганди. Бўғилди. Чорасиз тикилди. Кўзлари қорайди. Дунё ва охиратнинг қорайганини ҳис қилди. Подшоҳлик қибри иродасидан устун келди. Ич-ичидан чуқур жарликка қуларкан, ҳикилдоғига қадалган бўғик овози муҳофизларга зўрға эшитилди:

– Буларга сўраганини беринг!

ТАВҚИ ЛАЪНАТ

Кумуш патнисга ваҳийнинг тили тушди. Яхё отаси билан қисматдош бўлди. Ўғил отанинг сиридир. Оламда Роббнинг сири зухур бўлганидек отанинг сири ўғилда ошкор бўлади.

Кумуш патнис келтирилди. Ҳар ерни кўрқув эгаллади. У аввал тилларга урди. Бутун забонлар лол бўлди. Кейин кўзларга тушди. Бутун кўзлар кўрқувдан қотиб қолди.

Ваҳийнинг тили патнисда сўзлади:

– Қилган ишинг ҳаром!

Қирол кўрқувдан дахшатга тушди. Қалбига жалолнинг абадий ўқи қадалди. Қалби оғриқдан бўғилди, руҳи оловда қоврулди. Кўрқув забонида типирчиларкан, алам билан бақирди:

– Олиб кетинг!

Ваҳийнинг бошини олиб бораётган патнисдан набавий бир калом Кавсар каби отилди:

– Қилган ишинг ҳаром!

Кўлларини юмди, кулоқларини беркитди. Куфроний ишларни бир-бир бажарди. Виждони заққум оташини чуқур-чуқур пуфлади. Юраги тилка-пора бўлди. Овози борича бақирди:

– Йўқотинг шуни!

Патнисдаги ваҳийнинг муборак оғзи унинг руҳига такрор кириб, чакмоқ каби ўт солди:

– Қилган ишинг ҳаром.

Хонага катта шамдонлардан шуъла эмас, даҳшат тушаётганди. Қўрқув кўринмас бир кўл каби хонани тутган, ҳамманинг қалбидан ушлаб, руҳини ўт билан ёқаётганди. Барча бурчакка тикилиб, кумуш патнисдаги бако тилини эшитаётганди. Бадан эмас, Мутакаллим гапиртиради. Тил эмас, руҳ сўз очарди. Кумуш патнисдаги нурли бош ҳайкирди:

– Қилган ишинг ҳаром!

Жалол сифатининг акси бўлган Яҳё бу гал сўзининг жалоли билан хонадагиларни қуршаб олганди.

Коинот кумуш патнисда эди.

Аршининг юки кумуш патнисда эди.

Закариё кумуш патнисда эди.

Бир юз йигирма тўрт минг пайғамбарнинг руҳонияти кумуш патнисда эди.

Қирол қўрқувдан жинни бўлиб қолди. Пайғамбар қатлининг гуноҳи унинг руҳини ҳозирданок жаҳаннами сижжийнга отганди.

– Йўқотинг! – деб бўкирди аскарларга.

Уларнинг патнисга яқинлашишга жасоратлари йўқ. Патнисдаги исми Жалол яна ҳайкирди:

– Қилган ишинг ҳаром!

Калом яратгани каби ўлдирадди ҳам. Каломнинг моддий кучи бор. Аллоҳ сўз билан ҳалок қилади. Қирол ҳеч қанча ўтмай, Яҳёнинг сўзидан ақлдан озиб ўлди.

Ўғил отанинг сири экани яна бир марта исбот бўлди. Яҳёни ҳам Закариё пайғамбарим каби қийма-қийма қилишди. Яҳёнинг ҳар парчаси отаси каби зикрга тушди. Яҳудийлар пайғамбар парчаларини хотира

сифатида олишни одат қилгандилар. Закариё пайғамбаримдан кейин Яхёнинг ҳам муборак баданини парча-парча этишди. Хотира учун ҳамма олди. Ҳар парчаси турли шаҳарларга олиб кетилди. Муборак боши Шомга насиб этди.

Икки пайғамбарни парчалаган яхудийларнинг бошига бундан буёғи парчаланиш тушади. Ҳар пайғамбарнинг қисмларини бошқа-бошқа ерларга ташиган яхудийлар ўша парчалар каби дунёнинг ҳар ерига сургун бўлади. Ҳеч бир замон бутун бўлмайди. Илоҳий сирдаги бутунни бузишганди.

Яхудий бундан кейин бутуни бўлмаган, парчаланган дегани эди.

Яхудий парчалаган, парчаларга бўлинган дегани эди.

Яхудий тафриқа дегани эди

ТАОМ

Яхёнинг шаҳид бўлиши ичимизни ёкди. Роббим бандалигимизни изтироблар билан баракатлангирди.

Кунларим Исогинамнинг хабари билан ўтарди. Унинг рисолати зикримни, шукримни ортирарди. У ҳақда келган ёмон хабарлар сабримга кувват берарди.

Исонинг мўъжизалари еру кўк орасида эди. Ердигилар унинг мўъжизаси билан тирилади. Кўлларини сийпаласа, беморлар тузалади. Ана шу кўл истаса, осмондан дастурхонлар тушади.

Ҳаворийлар Исога:

– Қанийди, кўкдан бир дастурхон инса?! – дейишди.

Исо уларнинг бу истагини ҳеч хушламади. У шундай деди:

– Сиз Аллоҳнинг кудратига шубҳа қиляпсизми?

– Қалбимиз амин бўлишини, иймонимиз кувват олишини ва Роббимизнинг эҳсонидан баҳраманд бўлишни хоҳлаяпмиз.

Исо ғусл қилди. Кейин икки ракъат намоз ўқиди. Эгнида эски бир кўйлак бор эди. Қаттиқ йиғлади. Бутун инсониятнинг гуноҳи учун, ишончга эришмаган

калблар учун ёш тўкди.

Исо Аллоҳга ёлворди.

Кўз ёшлари оппоқ юзидан соколларига окди. Ёнидагиларнинг яқийн иймони учун сўради.

Само баракадир.

Ҳамманинг кўзи осмонда. Инсон нақадар нонкўр. Кўкдан тушаётган шунча раҳматни кўрмайди, яна бошқа нарсаларни хоҳлайди. Роббнинг кудратини чексиз эканини билмайдими?!

Самода қандайдир ҳаракат пайдо бўлди. Узоқларда бир нарсалар кўринди. Ажиб бир порлоқ нарса ерга тўғри кела бошлади.

Одамлар кўрқиб, бир-бирларига яқинлашишди.

Исо дуода давом этарди.

Порлоқ нарса анча яқин келди...

Ҳа, моида!

Ҳа, у!

Дастурхон!

Ҳамма эсанкираб қолди.

Дастурхон устида ёпқич бор эди. Исо уни “Бисмиллаҳи хойрур розиқийн” деб очди. Ўз ёғида қовурилган катта бир балиқ ва кўкатлар...

Одамлар дастурхоннинг гўзаллигидан ва таомларнинг нафис хидидан маст бўлди.

Исо йиғлаётганди.

Аллоҳнинг неъматларига умматнинг шукр қилмаслиги ғазабига дучор этиб кўйиши кўркуви билан йиғлади.

Ҳаворийларнинг бошлиғи Шамъун шундай деди:

– Ё Рухуллох, бу таом дунё емагими ёки охиратникими?

– Иккови ҳам эмас. Бу таом Аллоҳнинг ҳозир яратган неъматидир.

Ҳаворийлар:



– Эй Исо, бу мўъжиза ичида яна бир мўъжиза кўрсат, – дейишди.

Исо бежиз йиғламаганди. Инсон нақадар бадгумон. Исо хаворийларнинг мўъжиза ичида мўъжиза хоҳлаганларини мутлақо ёқтирмади.

– Кўркаманки, азобга қоласиз.

Кейин балиққа қараб гапирди:

– Эй балиқ, Роббингнинг изни билан тирил!

Балиқ тирилди.

Хаворийлар Исога дейишди:

– Аввал сиз енг.

– Ким истаган бўлса, ўша есин.

Хаворийлар таомни ейишдан кўрқди. Исо эса фақир, хаста ва ногиронларни чақирди. Уларга:

– Енглар, булар сиз учун офият, бошқалар учун балодир! – деди

Бир минг уч киши ўша ерда овқатланди. Лекин у ҳеч нарса ейилмагандек турарди. Қандай келган бўлса, шундай кўкка кўтарилди. Ўша дастурхонда ўтирган касаллар шифо топди, фақирлар бойга айланди. Емаганлар пушаймон бўлди.

Дастурхон тушишда давом этди. Еганлар учун хиёнат қилмаслик, олиб сақламаслик ва эрта учун ажратиб қўймаслик буюрилди. Лекин кулоқ тутишмади. Инсоннинг очкўзлиги, эртанинг хавотири овқатни сақлаб қўйишга ундади. Шунда Аллоҳ таомларни сақлаганларни маймун ва тўнғиз шаклига киритди.

Ҳамма бу ҳолдан кўркиб кетди.

Аллоҳ бу мўъжиза билан: “Эрта учун сақлаб қўйганингиз, эртанинг ташвишини қилганингизча маймун ва тўнғизсиз. Эрта учун тавҳиди ҳақиқийнинг эгасини ҳис қилмаганингиз ва У Зотга суянмагунингизча инсонликдан узоқсиз. Ризқда хавотир олганингиз қадар ҳайвонсиз” деди.

ИФФАТ МЎЪЖИЗАСИ

Исо ҳаворийлар билан ўтирарди. Одамлар дарров атрофини ўраб олишди. Ваъз бошлади. Маждаллик Марям у ердан ўтаётганди. Тўхтаб кулок солди. Шу кунчага кўп ваъз эшитган, лекин ҳеч кимники кулоғидан руҳига етиб бормаганди. Ҳеч кимнинг насиҳати уни гуноҳ ботқоғидан тортиб олмаганди.

Роббим гўё бутун гўзалликни маждаллик Марямда жам қилганди. Исога қаради. Ҳозиргача кўрган йигитларига ўхшатмади. Оппоқ жуббаси, елкаларига тушган сочлари уни нурдек кўрсатарди. Айтаётганлари эса яна бир олам... Ваъз юрагини эритди. Қалби ажиб бир туйғулар билан жўшиб кетди. Кўзларидан ёшлар окди. Секин-аста ваъз ҳалқасига кўшилди. Ким эканини, халқ орасида нима билан танилганини унутди. Тинглади, тинглади...

Ваъз тугади. Исо ва ҳаворийлари у ердан кетди. Маждаллик Марямнинг қалби улар билан қолди. Уйига қайтди. Тун эшиги яхшилаб беркитилди. Бутун ошиқлари эшик олдида жамолини кўриш учун кутди. У илоҳий жамолларга эришиш дардига тушганди. Кўзёшлар ичида пушаймонлик тўла бир ке-

чани ўтказди. Қарор қабул қилди. Исога боради. Гуноҳлар билан яшаган ҳаётини унинг хузурида тавба билан беркитади.

Маждаллик Марям узун бир кечани ўтказди. Тонгда Исога югурди. Унинг атрофида яна одам кўп эди. Ўйларини кишилар ёнида баён қилишни хохламади. Улар ўтмишни эслатишидан, мазах қилишидан қўрқди.

Исони тинглади. Маънавий оламлар юкланган набавий ваъз битди. Кишилар тарқалди. Исонинг ёнида бир неча кимсалар ва хаворийлар қолганди. Юришни бошладилар. Маждаллик Марям ҳам уларнинг ортидан борди.

Исони бир Фарисий¹ уйига даъват қилди. Исо ва хаворийлари уйга киришди. Фарисий мезбонлик одобини билмади. Исога оёқларини ювиш учун сув бермади, уларни кучоқламади. Мақсади Исо ва дўстларини менсимаслик эди.

Маждаллик Марям уларни ташқаридан кузатди. Уй эгасининг бу азиз меҳмонга қилган муомаласи ичини эзди. Уйга киришни, у муборак инсонга ўзи хизмат қилишни истади. Чекинди. У бадном бўлган аёл эди. Бироз кутди. Исо унинг ичига ёққан кандил барча хавотирларни кетказди. Ким нима деса десин, у Исога учрашиб тавба қилади. Эшикни тақиллатди, ичкарига кирди.

Исо ичкарида кўрпача устида ўтирарди. Маънавий ҳаво бутун руҳларни қуршаб олганди. Маждаллик Марям бош эгиб одоб билан хузури набийга борди. Уй эгаси бу муборак инсонга етарлича хизмат қилмаганидан, оёқларини ювишга қасддан сув бермаганидан аччиқланган эди. Олиб келган кутисидаги мушк

¹ Фарисий ёки фарисий яҳудийлари – Бани Исроилдаги сиёсий ҳаракат (тарж.)

билан у кутлуғ оёқларни ювишни истади. Мушкни Исонинг оёқларига тўкди. Оёқларини ювгандан кейин артиш учун кўзлари билан сочик кидирди. Ҳеч нарса кўрмади. Қора сочларини ёйиб сочик қилмоқчи бўлди. Исо оёқларини тортиб олди. Маждаллик Марямнинг бу ниятига изн бермади. У кўз ёшлар ичида илохий эшик олдида надомат оташи билан қоврилди. Исонинг оёқларини ўз гуноҳларини ўчиргандек артишни, ўтган гуноҳларининг бадбўй хидини Исонинг оёқларига тўккан мушки билан кетказишни хоҳлади.

Уйни қичкириқлар тутди.

Маждаллик Марямнинг қилган ишига уй эгаси Симон кулди. Масхара қилгандек қаради. Гуноҳкор бир аёлнинг иймони нима бўларди, деб ўйлади.

Исо Симоннинг бу аёлни назар-писанд қилмаганини англади. Унга шундай савол берди:

– Бир кишининг икки инсонда ҳаққи бор. Биридан 500 тилло, иккинчисидан 50 тилло олиши керак. Лекин уларнинг қарзни тўлашга имконлари йўқ. Шунда ҳақдор иккаласидан ҳам кечса, уни қарздорларнинг қайси бири кўпроқ севади?

– Албатта, қарзи кўпроғи.

– Тўғри айтдинг.

Симон Исонинг нима демоқчи эканини тушунди. Бу гуноҳкор аёлни Аллоҳ кечирса, у Аллоҳни ҳаммадан кўра кўпроқ яхши кўрмасинми?

Исо Симонга дедики:

– Бу аёлни кўряпсан, тўғримми? Уйингга келганимда оёқларимни ювишим учун сен сув бермадинг. Бу аёл кўзёшлари билан оёғимни ювди, кейин сочлари билан қуритишни хоҳлади.

Исо гуноҳларига пушаймон бўлиб инграган аёлга ифбат назари билан рисолат мақомидан қаради:

– Эй аёл, Аллоҳнинг изни ила гуноҳларинг мағ-

фират килинди, энди бораверсанг хам бўлади.

Маждаллик Марям гуноҳлардан покланиб қайтди. Такрор гуноҳ қилмасликка сўз бериб, нафсини эшикдан нарига отиб кетди. Исодан ҳеч айрилмади.

Маждаллик Марям иффат тимсоли бўлди. Мени ҳеч ёлғиз ташлаб қўймади. Исонинг мўъжизаси эди у. Иккаламиз гўёки иффатга ўртак бўлдик. Мен ҳеч бир гуноҳ изи бўлмаган иффатли бир ҳаёт намунаси бўлдим. Маждаллик Марям эса тавбакор кишининг иффат сабаб қандай килиб пайғамбар онасига дугона бўлиш мумкинлигини ўргатди.

ЖАЖЖИ ҚИЗ

Кекса хахам¹ Пирос оғир-оғир нафас олиб ичкарига кирди. Ўзини Исонинг оёқларига отди. Ҳикичоклар бўғзига ёпишиб қолганди. Нафас олишда кийналаётганди. Яна хикичоклар тутди, кейин бироз тинди. Кутди. Чуқур бир нафас олиб гапириш учун ўзига келишга уринди.

– Жанобимиз, қизим... – деди бўғиқ овоз билан. Такрор хикичок кўзғалди. – Ёлғизгина қизим охириги дамларини яшаяпти. Илтимос, уни кутқаринг.

Исо дарҳол ўрнидан турди. Ёнидагилар ҳам у билан бирга кўзғалди. Ҳахамнинг уйи томон юришди. Исонинг атрофида кўпгина одамлар бор эди. Шу аснода Исо кимнингдир кўли ўзига текканини сизди.

– Ким бу? – деб сўради.

Ҳаворий Патрус Исога:

– Шунча одам шошиляпти, сиз бўлсангиз жуббасингизга теккан кўлни сўраяпсиз.

Бир аёл уялиб олдинга чикди. У хижолат бўлаётганди.

– Жанобимиз... – дея олди, холос.

Теккан ўша аёл эди. Бечора бир дарддан азоб че-

¹ Яҳудийларнинг роҳиби

Исо ҳашр² пайғамбари эди.

Исонинг қўли теккан бемор шифо топарди, назар қилган тупроғи ҳаёт бошларди. Аллоҳ Исога Нусайбиндаги золим бир ҳукмдорни иймонга даъват қилишни буюрди. Исо вазифани олибоқ ҳаворийларидан сўради:

– Қайси бирингиз ўша шаҳарга бориб, Аллоҳнинг кули, расули ва калимаси Исо сиз томонга келяпти, дея оласиз?

Ҳаворий Ёқуб бормоқчи эканини айтди.

– Майли, лекин мендан энг аввал узоқлашган сен бўласан.

Кейин Тавман ҳам бориш учун рухсат сўради. Исо унга:

– Эй Тавман, яқинда бошингга бало келади, – деди.

Шамъун ҳам боришни хоҳлади. Лекин унинг бошқа истаги ҳам бор эди:

– Эй Рухуллоҳ, изн берсангиз, мен ҳам борсам. Бироқ қийинчиликка учраб сизни чақирсам, менга ҳиммат қилинг, – деб айтди.

Уч ҳаворий Нусайбин томон отланишди. Шаҳар дарвозасига етганларида Шамъун икки шеригига шундай деди:

– Сизлар шаҳарга кириб, халойиққа сўзланг, бирор фалокат бўлса, мени ёрдамга чақиринг.

Ёқуб ва Тавман шаҳарга киришди. Ёқуб жар солди. Халойиқ:

² Дугатда "ўз жойидан қўзғатиш ва уни майдонга йиғиш" деган маънони англатувчи ҳашр сўзи Қиёмат куни тирилган барча насонудотларни ҳисоб майдонига юбориш ва йиғишни англатади. Бу ерда "ўз жойидан тургазиш" маъноси етарли.

каётганди. Унда кон тўхтамаётганди, ҳеч ким чорасини билмасди. Бор-будини касалликдан кутулиш учун сарфлаганди. Иймон келтирган бу улуг пайғамбарга қўл теккизиш билан шифо топишни умид қилганди. Касалини айтишга эса хижолат чеккан эди.

Исо ўша одобли аёлга:

– Аллоҳнинг изни билан шифо топган ҳолингда кетавер.

Исо ва унинг ҳамроҳлари йўлда давом этди. Кўзланган жойга етиб бормасларидан олдин ёмон хабар келди:

– Қизча ўлди!

Исо йўлда давом этаркан, йиғлаётган отага тасалли берди:

– Қўркманг, ишонинг.

Ҳаҳам Пирос:

– Ишондим, – деди, – чин юракдан ишондим.

Уйга яқин келишганда фарёдлар эшитилди. Дод солган аёллар Исонинг атрофини ўраб олишди. Исо қизча ётган ерга тўғри юрди. Унинг қўлларини ушлаб сўзлади:

– Қани, Аллоҳнинг изни билан тур!

Қичкириклар кесилди, фарёдлар тинди, кўзлар косасидан чиққудек бўлди.

Қизчанинг жонсиз бадани кимирлади. Одамлар бир тўлқинланиб олишди. Ҳамма кўркувини кетказиш учун мадад бўладигандек бир-бирининг пинжига суқилди. Қизалокнинг сўлғин юзига кон югурди. Жажжи юздаги маъсум кўзлар очилди. Аввал Исога, кейин ота-онасига қаради.

Ўғлим Исо Рухул амин эди. У калима эди. Робби уни амр билан яратганди. У ўликларни амр билан тирилтирарди. Қизалок Унинг амри билан ҳаётга қайтди.

– Гапирган кайси бирингиз? – деди.

Ёкуб кўрқиб инкор қилди.

У ернинг аҳолиси мен ва ўғлим ҳакимизда нотўғри гапларни эшитишганди. Тавманни хукмдорнинг хузурига олиб боришди. Золим подшоҳ бир дин даъвати билан келган Тавманнинг кўл-оёқларини кестирди, кўзларига мил торттирди, кейин уни зиндонбанд қилди.

Шамъун ҳолатдан хабар топди ва шаҳарга кирди. Ким эканини яширди. Хукмдорга яқинлашиш йўллари кидирди. Шоҳ билан яхши алоқа ўрнатгач, унга:

– Рухсат берсангиз, Тавмандан баъзи нарсаларни сўрасам, – деди.

Хукмдор Тавманни зиндондан чиқарттирди. Шамъун ундан сўради:

– Эй киши, сен даъват қилаётган сўз нима?

– Исо Аллоҳнинг бандаси ва расулидир.

– Далилинг борми?

– Ҳар қандай дардга шифо бўла олади.

– Бу иш ҳакимларнинг ҳам кўлидан келади.

– Одамлар уйларида нима еб, нима сақлагини ҳам

билади.

– Буни коҳинлар ҳам қилиши мумкин.

– Лойдан куш ясаб жон бағишлайди.

– Буни сеҳргарлар ҳам қила олади.

– Аллоҳни изни билан ўликларни тирилтиради.

Шамъун хукмдорга қараб дедики:

– Бу улуғ иддао. Бу ишни сеҳргарлар, ҳакимлар қила олмайди. Фақат пайғамбарларнинг кўлидан келадиган ишдир бу. Унда Исони чақирайлик. Агар ўликни тирилтурса, иймонга келайлик. Акси бўлса, бу одамга яна бошқа азобларни ҳам тоттирайлик.

Хукмдор ҳаворий Шамъуннинг сўзларини тўғри деб билди. Исони даъват қилишди.

Исо Нусайбинга жўнади.
Шамъун Исони ҳукмдорнинг ёнида кутиб олди.
Ўзини танимагандек кўрсатди ва Тавманни кўрсатиб,
шундай деди:

– Агар айтганларинг тўғри бўлса, қани, бу мажруҳ
одамни тузат.

Исо Тавманнинг кесилган қўл-оёқларини ўрнига
ёпиштирди. Кейин кўзларига қўлини сурди. Унинг
кўзлари очилди.

Шамъун деди:

– Эй Исо, бу ердагилар кеча нима еганини ва нима
сақлаганини айт!

Исо бирма-бир айтиб берди. Шамъун лойдан бир
кўршапалак ясади ва: “Буни учир” деди. Исо кўрша-
палакка пуфлади, у учишни бошлади. Сўнгра шаҳар-
даги бутун касалларга шифо сўрашди. Хасталарнинг
ҳаммаси келди ва тузалди.

Ҳукмдор ва халқ Исонинг шифо тарқатган қўли
олдида иймонга келишди. Моддий шифоларни бер-
ган қўлга маънавий шифолар учун тутинишди.

ТУПРОҚҚА ЖОН КИРДИ

Исо яманликларга Аллоҳдан сўз очди. Нафс калбга ҳукмронлик қилиб, шайтон инсон иродасини кўлга олса, иймон келтириш ортик даражада қийин бўлади. Яманликлар шундай дейишди:

– Бу ерда Худ алайҳиссалом қавмига мансуб Шаддод ибн Од исмли золим ҳукмдорнинг қабри бор. Мўъжиза сифатида уни тирилтирсанг, сенга иймон келтирамиз.

Бир тоғнинг чўққисида жойлашган қабрга боришди. Исо қабрга назар солди. Тупроқ ҳаракатланди. Одамлар кўрқди. Қабр очилди. Ўлик унинг ичида ўтирди. Кишилар саромисада бир-бирларини ушлаб олганча бақира бошладилар. Исо Шаддодга:

– Гапир, – деди. Шаддод тилга кирди.

– Мен минг йил ҳукмдорлик қилдим. Мингта қизга уйландим. Ҳар ернинг эгаси бўлдим. Барча душманларимни мағлуб этдим. Буларнинг бари ўткинчи экан. Ақлингизни ишлатинг. Менга ўхшаб умрингизни совурманг.

Исо иймоннинг ғайб пардасини кўтарди. Яманликлар кўрганлари олдида иймонга келдилар. Исонинг ўликларни тирилтиришини эшитмаган кимса қолма-



ди. Одамлар ўлик фарзандларини, яқинларини Исога олиб келиб, уларга ҳаёт бағишлашини сўрашарди.

Бир куни хаворийлар Нухнинг кемасига кизиқиб қолишди. Исога:

– Қанийди, Нухнинг кемасидаги бирортасини тирилтирсангиз, у бизга бўлиб ўтган ишларни гапириб берса, – дейишди. Исо улар билан бир уйнинг ёнига борди.

– Бу Нух алайҳиссаломнинг ўғли Сомнинг тупроғи, – деди. Бир кафт тупроқ олиб, асо ила ўша тупроқка урди:

– Аллоҳнинг изни билан тур! – деди.

Сом дарҳол жонланди. Устидаги тупроқлар сочилди. Анча кекса эди. Исо сўради:

– Ўлганигда ҳам шундаймидинг?

– Йўқ, ёш ва навқирон эдим. Фақат ҳозир тириларканман, қиёмат кўпти деб ўйладим. Кўркувдан бир онда қариб кетдим.

– Бизга Нухнинг кемаси ҳақида гапириб бер!

– Бўйи олти юз, эни уч юз метр эди. Уч каватли бўлган. Бирида ҳайвонлар, бирида қушлар, бирида инсонлар кетган.

Исо Сомга:

– Аллоҳнинг изни билан эски ҳолингга қайт! – деди.

Исо ўликларга жон бағишларкан, яҳудийлар бу ишдаги истаклари ҳеч битмасди. Бир кун Исога:

– Узайрни тирилтириб бер, бўлмаса сени ўтда ёқамиз, – дея ўтин тўплай бошлашди.

Исо уларга:

– Жасадини олиб келинг, – деди.

Яҳудийлар ҳазрати Узайрнинг жасадини олиб келиш учун қабрига боришди. Фақат қабр устидаги тошни кўзғатишолмади. Исога хабар қилишди. У бир

коса сув берди.

– Сувнинг бир қисмини қабр устига сепинглар, – деди.

Шундай қилишди. Тош парчаланди. Қўркувдан эсанкираб қолишди. Пайғамбарнинг муборак жасадига ҳеч нарса бўлмаганди. Жасадни Исонинг хузурига олиб келишди. Исо кафанни очди.

– Эй Узайр, Аллоҳнинг изни ила тирил! – деди.

Узайр алайҳиссалом тирилди ва ўтирди. Бу мўъжиза олдида ҳам шубҳа қилган яҳудийлар ҳазрати Узайрдан сўрадилар:

– Бу одам ҳақида нима дейсан?

– Гувоҳлик бераманки, у Аллоҳнинг бандаси ва расулидир.

Энди яҳудийлар бошқа бир нарса хоҳлаб қолишди:

– Эй Исо, дуо қил, Узайр биз билан қолсин!

Исо бу истакни қабул этмади.

– Уни дарров қабрига олиб боринг! – деди. Ўша заҳоти Узайр алайҳиссалом вафот этди. Бу мўъжизани кўрганлардан баъзилари иймон келтирди.

Исо Роббимнинг калимаси эди. У калиманинг қўли билан шифо бўларди, нафаси ҳаёт бағишларди.

Исо қаерга борса, дарров атрофини одамлар ўраб оларди. У даъватда бардавом эди. Тайин макони йўқ, ер юзи унинг минбари бўлганди.

Байтул Макдисда ваъз қилди. Мен ҳам бордим. Аёлларга ажратилган ерда боламнинг сўзларини тингладим. Кишилар уни эшита олиш, унга етишиш учун бир-бирилари билан мусобақа қилишарди. Халқ ундаги маънавий рисолат сирини ҳис этди. Унга назар солиш учун кунларча йўл юриб бу ерга келишарди.

Маъбад лик тўла. Исо оппоқ жуббаси билан тик оёкла. Гўёки узун бўйи Аршга қадар ўсганди. Ҳайбатли эди. Жамоли бошқа бир ҳолга ўтганди.

Дунёни орқага отганди. Яратилиши ҳам шундай эмасмиди: ҳеч бир дунёвий завқ кўрмаганди. Унда дунёдан халос бўлган рух бор эди.

Сўзлари киши рухига пичокдек санчиларди. Англатганлари кишиларда ҳамон акс садо берарди.

– Аввалгиларга “зино қилманг” дейилганини эшитгансиз. Мен айтаманки, бир киши бир аёл билан хаёлида зино қилади. Бу хатони қилган ўнг кўз ўша захоти ундан чиқиб кетади. Аъзолардан бирининг ҳалок бўлиши бутун бадан билан жаҳаннамга киришидан яхшироқдир.

Маъбаддаги дин одамлари минғирлашди:

– Айтаётганлари Мусонинг шариятига мос эмас.

Исо эътирозларга парво қилмай давом этди:

– Тананинг чироғи кўздир. Кўз ойдин бўлса, бутун тана мунаввар бўлади. Кўз ёмон бўлса, бутун бадан ёмон бўлади.

Ҳамма жон қулоғи билан тинглади. Исо гоҳ шиддаддан, гоҳ ҳалимликдан гапирарди. “Жонга – жон, қонга – қон, дейишади. Мен айтаманки, ёмонликка ёпишиб олманг. Кимдир ўнг юзингизга урса, сиз булисини ҳам тутиб беринг. Сизга душман бўлиб, кўйлагингизга кўз тикканга жуббангизни ҳадя қилинг.

Инсон бажара олмайдиган ҳукми олдида бош кўтаради. Фарисийлардан бири чидаб туролмай бақирди:

– Бу шариятни камолга етказиш учун эмас, унга ихтилоф қилиш учун келибди!

Исонинг оппоқ юзи янада оқариб кетди. Яноқлари кизарди. Ваъзда давом этди:

– Дунё учун хазина йиғманг. Уларни ё куя ейди, ё

занг босади. Кўкларга хазина тўпланг. Бойлигингиз қаерда турса, хаёлингиз ўша ерда бўлади.

– Эшитяпсанми? – деди кимдир, – гўё бизга қараб гапирди, айбдор қилишини кўр.

Исо бошқа тарафга қараб сўзлаётганди. Уларга эътибор қилмади.

– Ҳеч ким бир пайтда икки бошликқа хизмат қилолмайди. Бири нафратланган нарсани бошқаси севади. Бири ёнидан айирмаган нарсани бошқаси хорлайди. Аллоҳ ва мол-дунё бир вақтда яхши кўрилмайди. Сизларга шуни тавсия қиламан: нима еб, нима ичишни, эгнингизга нима кийишни ўйлаб сиқилманг.

Ваъз тугади. Исо оппоқ жуббада нурнинг тимсоли бўлиб турарди. Котиблар ва Фарисийлар Исонинг атрофини ўраб олиб, баҳс қила бошлашди.

Бир аёл Исога етишишга уриниб, кўлларини узатганча кўз ёшлар ичида сўзларди:

– Сени дунёга келтирган аёл нақадар бахтли она! Шукрла ичимга оқдим. Одамлар фитна-фасод ичидаги кишиларга кулок осмай, Исонинг маънавий рангидан ранг олганди. Унга етмоқ учун тиришаётган эдилар. Хаворийлар кишиларни узоқлаштиришга кучлари етмади. Болачалар ҳам Исога кўл узатиб, жуббасини ушлашга, маънавий баракасидан ҳисса олишга интиларди.

Ичим шукрда, тилим зикрда, кўзларимда шафқат ёшлари. Пайғамбар ўғлимнинг нурли чехрасига бокиб тўймасдим.



ТУҲМАТ ВА ТЎНҒИЗ

Ўғлим маркаб устида Байтул Мақдисга кетди.
У ерда яхудийлар Исони таҳқирлашди:

– Сеҳргар хотиннинг сеҳргар ўғли келди. Ёмон ишлар қилувчи хотиннинг ёмонликлар қилувчи ўғли келди.

Улар оғизларига куч берарди. Мен ҳақимда тухматлари кўпайди, бўҳтонлари бўйларидан ошди. Ҳар бир ўғил фарзанд каби Исо ҳам онаси ҳақидаги гаплардан ранжиди. Руҳи ва қалби дуо қилди. Буюк бир пайғамбарнинг юраги қаҳр билан ингради. Аллоҳнинг изни билан шифо берувчи, яшаб кетишига васила бўлувчи кўллари онасининг иффати, поклиги учун кўкка чўзилди. Менга қилинган бўҳтон учун ўғлим Аллоҳнинг ҳузурига лаънат, баддуо билан борди.

– Аллоҳим! Сен менинг Роббимсан! Мен Сенинг асаринг бўлган “Руҳ”дан чиқарилдим. Сенинг “Бўл!” деган сўзинг билан яратилдим. Мен уларга ўзимча пайғамбар бўлиб келмадим. Аллоҳим, мени ва онамни сўккан кимсаларни лаънат айла, уларни раҳматингдан узоқ қил!

Бир пайғамбар лаънат айтаркан, Аллоҳ уни эшитмасмиди?! Онасининг иффати пайғамбарлигининг



далили бўлган буюк набий волидасини ҳақорат қилганлар учун баддуода бўлади-ю, Аллоҳ уни шунчаки ташлаб қўярмиди?!

Иффат Роббимнинг инсондаги энг яхши кўрган куллигидир. Ҳаё устидаги бўҳтонга жавоб даҳшатли бўлади. Лаънатга қолганларнинг оқибати иффатимнинг поклиги қадар бўлди.

Ҳеч қанча ўтмай Исо баддуо қилганларнинг баъзилари тўнғиз, баъзилари маймунга айланди.

Иймон қалбдан узоклашса, нафс Аллоҳ билан даъволашишга тушади. Энг буюк мўъжиза ҳам бундай нафс эгаларини иймонга келтиришдан ожиз қолади, аксинча куфрини зиёда қилади.

Уларнинг маймун ва тўнғизга айлангани яҳудийларни саросимага тушириб қўйди. Бирор чора топиш учун дарҳол тўпланишди.

Қарор Исони жазога тортиш бўлди. Ўғлимнинг маънавий таъсиридан уни ўлдирибгина кутулиш мумкин, дейишди.

Исо ўлдирилиши керак.

Боламга дунёдан айрилиши Аллоҳ томонидан билдирилди. Исо ҳаворийларини ёнига чақирди ва уларга шундай деди:

– Чўпон кетса, пода айрилади.

Бу билан ўзининг кетар вақти яқинлигини аңлатди. Улардан бири хўроз уч марта қичқирмай туриб, уни инкор қилишини, яна бири арзимас матоҳга сотишини айтди.

Исонинг айтганлари ҳеч қанча ўтмай юз берди. Яҳудийлар уни ўлдириш учун қидира бошлашди. Ҳаворийлардан бўлмиш Шамъунни тутиб олиб:

– Бу Исонинг дўстларидан бири, – дейишганда, Шамъун кўркқанидан:

– Мен унинг дўсти эмасман! – дея инкор қилди.

Яхудийлар уни кўйиб юборишган вақт хўроз кичкирганини эшитди. У аламдан йиғлай бошлади. Хаворийлардан бири яхудийларга:

– Масихнинг жойини кўрсатсам, менга нима бера-сизлар? – деди.

ОҚШОМ ВАҚТИ ЭДИ

Аскарлар нафрат билан кезди. Кимдир бакирди:

– Қаерда у?!

Куддуснинг пайғамбар нафасли ҳавосида бу овоз акс-садо кайтарди. Ҳар ерга ваҳима чўкди. У бакирган аскарнинг ёнига яқинлашди:

– Қаердалигини кўрсатсам, нима берасизлар?

Нима берилиши айтиларкан, илжайиб кўйди.

– Яхши, – деди, – сизларни унинг ёнига олиб бораман. Исони ўпаётганимда кўрасиз.

Қирол аскарлари унинг ортидан келди. Хиёнатнинг бадали чўнтагида эди. Кўли чўнтак устида, виждонида жаҳаннам. Ичкарига кирди. Янокларидан ўпди.

– Мана, – деди аскарларга, – кидирган одамингиз.

Юзига қарашди. Кўлларида тортиқлай бошлашди. Бу нимаси! Устига Исонинг калби тушди. Ҳайкирди:

– Мен Исо эмасман!

Ўзини тортаётганларни тимдалади. Ўлимни ўзидан нари қилиш учун оёқларини керди. Фарёди кимсасизликда йўққа чикди:

– Мен Исо эмасман!
Хиёнат қилинган кишининг юзи виждонда акс эта-
ди, шунга Яхудони Исо деб ўйлашди. Ҳали окшомга
анча бор эди. Атрофга хиёнатнинг назари югурди.

Қуддус уялди.
Яхудонинг виждонида куннинг ботиши эди. Дунё
– инсон овчиси, дунёпарастлик – нафснинг боши
берк кўчаси.

Кун ичкиб-ичкиб йиғлади.
Вақтнинг юзи қорайди.
Қуфр қорайтирган қалблар Яхудонинг изидан
юришди. Чўнтагида Исонинг нархи. Вафоси, инсо-
нийлиги, иймони ўттиз дирхам...

Кун маҳзунлик билан туташди.
Вақт фурсатини оҳ билан ўтказди.
Яхудо қотиллар билан Исо бор уйга кирди. Исо
уйда эди. Қуёш чидаб туролмади, ҳижобланди.

Вақт окшом эди.

Фурсатнинг мажоли қолмади...

Кун кўзларини юмди.

Эшик олдида яширинча чормих қурилди.

Вақтнинг юраги қонади.

Исо ичкарида эди. Кун титради.

Яхудонинг чўнтагида роппа-роса ўттиз дирхам. У
дўст кўриниб, душман бўлишнинг шаклини намоён-
иш қилди. Исони ўпди. Ўпаркан ошқор қилди. У қа-
дах ичидаги илон эди. Қотилларга:

– Мана, Исо! – деди.

– Қани?

– Мана!

Қотиллар кўролмади. “Қани? Қани?” дея атрофга
такрор-такрор қарашди.

Чормих ташқарида эди.

Яхудонинг чўнтагида роппа-роса ўттиз дирхам

бор эди.

Қотилларга қайтадан кўрсатди:

– Мана, Исо!

Кўзлар пардаланди. Ғазаб шайтондан олов олди:

– Қани?!

Кун корайди.

Яхудонинг виждони коп-қора эди. Умидсизланиб вақтнинг қалби синди. Оқшом вақти эди. Оқшом синганди.

Аллоҳ кундузни кеч этди. Куёшга ҳижоб ташлади.

Қоронғилик йиғлади. Ташқарида чормих титради. Калхат каби қотил руҳлар пайғамбарни кидирди. Бутун осмон аҳли дуода эди. Фаришталар қотиллар билан Исонинг орасига тушди. Малакларнинг кано-тидан энг мустаҳкам қалъа пайдо бўлди.

Оқшом қоронғиликнинг этакларига осилди.

Фаришталар қоронғиликнинг кўзёшларини ар-таркан, Исони кучоклади.

Оқшом вақти эди.

Қалбларга оқшомнинг қора соялари тушди.

Яхудонинг чўнтагида роппа-роса ўттиз дирхам

бор эди.

Яхудо яна:

– Исо, Исо! – деди.

Кўзларга парда тушганди. Қотилларга гапирди:

– Нега қараб турибсиз?

Яхудо Исога қаради.

Улуғ пайғамбар Яхудога бокди.

Яхудонинг виждонига, қалбига урмаган Исо акси унинг юзига урди.

Қотиллар аксни кўрди.

Яхудо чормихга судралди. Бақирди, дод-вой қилди:

– Мен Яхудоман, Исо эмасман!

Хиёнатнинг бадали чормих эди.

Ўттиз дирхамлик Исонинг акси коронгилик юзи-
да эди.

Ер таталади, ёнидагиларни сўкди, оёқ тиради...

Чормихга оз қолганди.

Фарёдига карамай судрашди. Ўттиз дирхам чўн-
тагида эди. Чормихда биринчи бўлиб қўллари керил-
ди. Илк мих қайси кўлига қокилгани билинмади.

Оқшом вақти эди.

Кун кечанинг этагига осилиб олганди.

Оқшомнинг чормих қурилган вақти эди,
Исогинамнинг вақти эди. Инсоният устида оқшом
махзунлик билан йиғлади. Яхудо чўнтагида роп-
па-роса ўттиз дирхам билан чормихда эди.

Дунё нафснинг чормихи эди. Арзимас матоҳ учун
Роббимизга хиёнат қилардик.

Оқшом вақти эди.

Хиёнатнинг ранги қора эди...

М
нинг
кул,
ҳаққ
лувч
К
тим
ям к
сурд
нига
га н
И
кети
рард
ятга
Дар
наск
Роб

ХАВФ ВА РАЖОДАГИ¹ ИККИ ЙИГИТ

Маждаллик Марям иккимиз йиғлаяпмиз. Ҳар тун бўлганидек бу кеча ҳам Қуддуснинг кўзлари очик. Роббим, остонангдаман. Мен қул, Сен Малик. Сенга шикоят ва эътироз қилишга ҳақким йўқ. Қул – Маликнинг ҳадяларини қабул қилувчи дегани.

Кўзёшларим ожизлигимнинг ифодаси, марҳаматимнинг ташқарига тўкилишидир. Маждаллик Марям қўлларимдан ушлади, қайта-қайта ўпиб, юзларига сурди. Ёшли кўзларимиз Қуддуснинг ложувард осмонига қадалди. Ҳеч ким ходисани аниқ билмасди. Исога нима бўлгани ҳақида турли ўйлар бор эди.

Исогинам тамоман бошқача яшади. Келиши каби кетиши ҳам одамларнинг оғзини очди. Ҳамма гапирарди. Мен ҳеч нарса демадим. Таваккул ва таслимиятга бош урдим. Бандалик имтиҳонларда кўринади. Дардимиз – муршидимиздир. Тавҳиднинг илк поғонаси тавҳиди афъол эди. Бошимизга тушганлардан Роббимизни топиш ва кўриш эди. Бунга эришмай тавҳиди сифат ва тавҳиди Зотга эришиб бўлмасди.

Биламан, ҳамма нарса Сендан. Ўйларим хавотир,

¹ Хавф – қўрқув, ражо – умид.

холос. Исога нима бўлди деган хаёл оналик безовта-
лигидан. Сабрга тутиндим. Сабр хавотирнинг даво-
сидир. Жалолдан жамолга, жамолдан жалолга бо-
риб-келардим. Исосиз ўтган ҳар бир оннинг ҳасрати
ичимдаги жалол билан бирга қалбимдаги жамолни
хам орттираётганди.

Мусибатлар қаҳр билан лутфнинг бешигига ўх-
шарди. Ҳам изтиробини, ҳам эҳсонини берарди.
Шукр билан ҳамд девонида эдим. Ичим зир-зир ти-
трарди. Мусибат алами билан Роббим олдида хафа
кўринишдан кўрқардим. Роббим бир кун Исога:

– Дикқатли бўл, Ўзимдан маҳрум қиламан, – де-
ганди.

Банда ҳар он Унинг ҳузурида дикқатли бўлиши
лозим. Маҳрум бўлишдан кўрқдим.

Ишим мусибатни ўқиш эди. Менга тасалли бериш
учун келганларга ўзим тасалли бўлдим. Ҳаворийлар
ёнимдан айирилишмади. Улар Исога нима бўлгани
ҳақида ўйлашарди.

Роббимизнинг қандай гўзал неъматлари бор! Хаёл
– хижронни висол билан учраштирувчи туйғу. Исо
хаёлимда. Уни Яҳёсиз эслаш мумкин эмасди.

Яҳёнинг кўз ёшлари ҳаётнинг тўхташни билмаган
рахмат сувлари эди. Аллоҳдан кўрқиш унда жуда ҳам
кучли бўлган. Доим кўзларида булок қайнаб турарди.

Бир кун Яҳё доимгидек йиғлаётганди. Исо унинг
ёнига келди. Йиғлашига табассум қилди.

Маҳзунлик бешиги, хавф беланчаги бўлган Яҳё
Исодаги бу нашъани кўриб унга сўз қотди:

– Гўё Аллоҳнинг ғазабидан омонда бўлгандексан.

– Сен эса гўё Аллоҳнинг раҳматидан умид узган-
дексан.

Хавф ва раҳмоннинг аиси бўлган икки пайғамбарга
Робблири жавоб берди:

– Ким Мен ҳақимда яхши гумонда бўлса, уни яна-да кўп яхши кўраман.

Улар қалбдаги икки сирнинг эгаси эди: хавф ва нинг икки ойнаси. Ишқ ва кўркув йўлининг боши. Улар бу икки йўлнинг қаҳрамонлари эди. Аллоҳ ҳар нарсани жалол ва жамол тенглиги билан яратган. Юрагимиз бир урар, бир тўхтарди, бу билан хавф ва ражонинг мисоли бўлар эди. Ҳар он ўлим бор экан, ҳар он ўлимнинг кўлидан ҳақиқий борлиққа ўтилар эди. Ҳар дам жалол бизни ўлимга олиб борса, ҳар дам жамол билан такрор ҳаётга қайтардик.

Аллоҳдан кўрқиш – хавф, ражо – ибодат.

Икки йигитнинг одамларга ўргатгани хавф ва ражо бўлди. Аллоҳ яхши кўрган бандалар ёшликдан Ўзига яқин бўлганлар эди. Бугун Яҳё билан Исо ичимга хавф ва ражо бўлиб тушди. Кун бўйин хавф ва ражони ўйладим.

Хавф уч босқичли эди:

Биринчи босқичнинг номи хавф, шарти иймон эди.

Иккинчи босқичнинг номи кўркув, шарти илм эди.

Учинчи босқичнинг номи ҳайбат, шарти маърифат эди.

Ражонинг ҳам уч мартабаси бор:

Биринчиси, банда гуноҳ қилишда давом этаркан, бир томондан Аллоҳнинг мағфиратини ўйларди. Бундай бандалар ёлғончи дейилади.

Иккинчиси, гуноҳига тавба қилар, тавбасининг қабулини кутарди.

Учинчиси эса доим яхши амалда бўлиб, уларнинг қабулини умид қиларди. Асл ражо мана шу.

Ражо солих амал, хавф такводир. Ражо маънавий



фарохлик, хавф ютукдир.

Яхё ва Исо бу ағдар-тўнтар замонни хавф ва ражо билан равшан қилишди. Жалол ва жамол билан камраб олишди. Жалол ва жамолни бир ерга кўювчи келажак пайғамбарга гўё иккови бир замин ҳозирлашди.

Яхё жалол билан йиғлади, йиғлатилди. Ўлими ҳам жалол билан бўлди. Исо жамол билан кулди, ҳаётдан кетиши ҳам жамол билан бўлди. Ўлимнинг жалол пардасига ҳам яқинлашмади.

Маҳшарда жалол ва жамолнинг тажалли ерларли айрилганидан кейин Жаброил алайҳиссалом ўлимни бир кўчкор шаклида Сирот кўпригига олиб келади. Ўлим ё жаннатга, ё жаҳаннамга бориши керак. Агар у жаннатга кирса, жаннатийлар бир кун ўлишимиз бор экан-да, деб ўйлаб қолишади. Дўзахийларнинг энг катта орзуси эса дунёда ўзлари хоҳламаган ўлимга қовушиш бўлади. Аллоҳ шу сабаб ўлимнинг жаҳаннамга киришига ҳам изн бермайди. Ўлим бақо оламига ўтиши мумкин бўлмагани учун Аллоҳ таоло ўлимнинг ўлдирилишини хоҳлайди.

Буларни ўйларканман, кўзларим ёшланди. Ўша кунларда тургандек бўлдим. Гўё Маҳшар майдонидаман. Одамлар ҳисобга тортилган. Аллоҳ бандаларини жалол ва жамол тажаллиси билан айирган. Кимлардир абадий йўқотишнинг алами билан ёнса, кимлардир уятдан тупроққа айланишни хоҳлайди. Бахтиёрлар эса Роббиларига етишмоқнинг шукрига тушган. Тезроқ асл ватанга ўтиб, Аллоҳ таолонинг жамолини кўришни хоҳлайди. Айрилиқ сабаби бўлган ўлим ўлдирилади, дея севинчи ичига сиғмайди.

Ўлим Сиротга келтирилди. Жаброил бошида, Азроил ёнида.

Ўлим бутун инсонлар уни кутгани каби Сиротда



кутиб турибди. Барча пайгамбарлар кутяпти. Жаннат караб турибди. Кўзлар Азроилда. Айирмаган, йиғлат-бимиз Яхёга таважжух қилди.

Яхё яхудийларнинг кўлида кўчқордек бўғизланганди. Аллоҳ таоло гўё Закариё оиласининг бу оғир синови учун ўлимнинг ўлишини уларнинг кўли билан қилдиришни истади. Аллоҳ таоло дарахт каби кесилган отанинг, кўй каби сўйилган фарзанднинг мукофотини шундай бераётгандек. Яхёнинг маъноси “яшатувчи” дир. Ўлимни ўлдириб жаннатийларни, дўзахийларни абадий яшатади.

Яхёнинг яна бир маъноси “лутф қилувчи” дир. Энг буюк лутф маскани бўлган жаннатга ўлимни киритмай лутф айлайди. Дўзахийларнинг йўқликка маҳкум бўлишларидан сақлаб лутф этади. Аллоҳ таоло Яхёнинг кўли билан жалолни жамолга айлантириб, жалолда ҳам жамолини кўрсатди.

Ўлим Яхёнинг кўлида ўляпти...

АЛЛОҲИМ, МЕН ОНАМАН!

Хасрат – ичимдаги тугун. Маъбадда ўтган кунларим ҳам, Қуддусдан қочиб Зайтун тоғига борганимдаги кўркув ҳам, ғорда қолишим ҳам, оломон олдига отасиз болам билан чиқишим ҳам мени бунчалик қийнамаганди.

Аллоҳим, мен онаман! Исми Ҳаннаннинг ойнасиман.

Сени ҳеч бир ташвишимда бу қадар яқин ҳис қилмагандим. Бандаларингга бўлган бу даражада меҳрибон эканингни билмаган эканман. Ичим ҳасратнинг чангалида, қалбим изтироб исканжасида.

Аллоҳим, мен онаман! Исми Манноннинг ойнасиман.

Исо – юрагим. Руҳимнинг бутуни. Гўё Исо билан руҳим юксалди. Закариё пайғамбарим арра билан кесиларкан, қалби бу қадар оғир изтиробни ҳис қилди-ми? У баданининг кесилишда зикри аррани бошлади. Менинг қалбим ҳар доим кесилади, руҳим ҳар лаҳза арраланиш остида. Мен ҳам бир зикр бошлайман. Қиёматгача фироқда қолган ҳар онанинг қалбида яшайди бу зикр: она меҳрининг зикри.

Аллоҳим, мен онаман! Исми Роҳиймнинг ойна-



симан.

Исога нима бўлди? Ўлган бўлса, жасади каерда? Қабр муҳим эмас. Дунё мен учун чуқур бир қабр. Мени Исосизлик кийнаяпти. Рухимда қаҳратон киш. Зайтунтоғида ҳам бунчалик совуққотмаган эдим. Боламдан узоклик дилдиратяпти.

Аллоҳим, мен онаман! Исми Вадуднинг ойнасиман...

Кўзёшларим билан дардлашаяпман. Яна бир кун поёнига етай деб колди. Окшом бутун ҳижронларни тўплаб келди. Маҳзунлик ичимда ҳасратни кўзғатди. Дунёдаги ёлғиз тассалим, маҳраим, дўстим, тафаккур боғчамнинг булбули, зикр оламимнинг сарзокири Исогинамни кидиряпман. Онаси кетган гўдакка ўхшаб колдим. Исо кўлларимдан тутган экан. Дунёнинг чиркин юзи ўзини ошкор қилди. Кўзларимда ботди. Йиғлаб чарчадим.

Аллоҳим, Сенинг иродангга азалдан рози бўлдим. Йиғлашим Ўзинг берган оналик марҳаматидан, соғинчим Сен инъом қилган ҳасрат туйғусидан, ғарибликни ҳис қилишим олдингдаги ожизлигимдан.

Роббимга роз айтдим, якийнга эришдим. Кўзёшларимнинг оғирлигидан, руҳимнинг оташидан қутулдим.

Вақт ошқом этагида солланарди.

Ўтирибман. Илик баҳор куни руҳларга тегди. Кўзёшларимга Исонинг баракаси урилди. Баҳорнинг даракчи кушлари эшигим олдида учишарди.

Ичимга ажиб бир ҳузур кирди.

Кечалар изтироб қандилини ёқиб тонггача киприк қокмасдим. Ҳар бир юлдуз ҳасратли ҳикоямнинг гувоҳи эди. Ой кўзёшларимнинг сир тўла тугунчаси

эди. Кундуз бадан изтиробларининг ниҳояси эди. Тун рух сирига эришганларнинг кундузи эди. Кеча – му- сибат ярасига малҳам, дардли бандаларга Роббнинг эҳсони эди. Яна бир кечанинг тасалли тўла ҳаёти бошланаётганди.

Тун коровули бўлган кўзларим севинчдан ча- рақлаб кетди.

Бу нима?

Аллоҳим!

Бизни мўъжизалар ичига ташлаб қўйгансан.

Аллоҳим, тўғри кўряпманми?!

Аллоҳим, бу Исо!

Мўъжиза болам.

Мўъжиза пайғамбарим.

Кулиб каради:

– Онажон, кўриб турганингиздек мен чормихга тортилмадим. Менинг ўрнимга хоин Яҳудо тортилди ва ўлди. Шайтондан сақланинг. Чунки дунёни зий- натли кўрсатиб алдаш учун ҳар нарса қилади. Кўрган ва эшитганларингиз учун сизни гувоҳ қиляпман.

Шоҳидман, ё Роббим! Шоҳидман!

– Юҳанна, Шамъун, Томас... Келинглари.

Ҳаммаси югуриб келди. Улар ҳам кўриб ҳайратда қолишди. Демак, жанобимиз Исо ўлмабди. Исонинг ёнидаги тўрт буюк фаришталарга боқдик.

Исога ҳайрат ва қизиқиш билан назар солдим.

Ўғлим пайғамбарликнинг мўъжизаси сифатида ўликларни тирилтирарди. Бу мўъжизаси Қиёматгача ўзининг ўлимсиз бўлиши билан давом этажак.

Аллоҳим, Исогинам яшаяпти! Бутун пайғамбар- лар яшайди, лекин ўлимларидан кейин яшайди. Дунё билан боғлиқликлари йўқолмайди.

Демак, болам ўлмаган! Чормихга уни тортишол- маган. Исогинамнинг орзуси ушалади энди. Мужда-



лаган пайғамбарининг уммати бўлишни истарди. Де-мак, Исо ҳаётда у билан кўришади.¹

Яхудо яхудийларга Исонинг жойини кўрсатган. Яхудийлар Исони чормихга тортмоқчи бўлиб турганларида ер юзига қоронғилик чўккан. Яхудийлар билан боламнинг орасига фаришталар тўсиқ бўлганди. Аллоҳ Яхудони Исога ўхшатиб қўйган. Яхудо қайта-қайта: “Мен Исо эмасман, сизга Исонинг жойини кўрсатаман”, деса ҳам, ишонишмаган ва уни чормихга тортишган экан. Тўрт буюқ фаришта эса Исони фаллакка кўтаришган. У тўрт улуғ малакнинг қанотларида самога юксалган.

Исогинам – кўклар бургути.

Исогинам дунёга ҳеч боғланмади. Дунёга ҳеч алданмади, чув тушмади. Дунёга тутинмагани учун дунё уни тутолмади, бадани ҳам дунёда қолмади. Ос-¹ Ибн Асокир Анас ибн Моликдан ривоят қилади:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Каъбада тавоф қилардилар. Шунда у зот биз танимайдиган бир киши билан сўрашди. Биз: “Ё Расулulloҳ, сизни биз танимайдиган бир киши билан тавоф қилгангизни кўрдик”, дедик. Аллоҳ Расули: “У биродарим Исо ибн Марямдир. Тавофини тугатгунча кутдим ва унга салом бердим”, дея марҳамат қилдилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом бутун пайғамбарлар билан кўришардилар. Чунки пайғамбарлар тасарруф ҳолатидалар ва қабрларида тирикдирлар.

Ҳазрати Исо алайҳиссалом ўлмаганлари учун Пайғамбаримиз алайҳиссалом билан кўришишларида саҳобий сифатида ҳам қабул қилинадилар.

Исо алайҳиссаломнинг Пайғамбаримиз алайҳиссалом билан алоқалари сабаб бутун суннатларни билганлари айтилади. Бунга Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг мана бу сўзлари далил ўрнида келтирилади: “Агар мен вафот этишимдан олдин Исо алайҳиссалом тушса, унга Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан бир ҳадиси шарифни нақл қилсам, у зот мени қўрқарди”.

монларга парвоз қилди.

Исогинам – самолар пайғамбари.

Аллоҳим, менга қандай эҳсонлар қилдинг! Фа-
ришталар билан улғайтирдинг, Жаброил билан
кўриштирдинг. Маънавий яқийн ҳолларни насиб эт-
динг. Аёлларни рисолат юкидан озод қилганинг учун
мен орқали уларга валийлик сирини бердинг.

Аллоҳим! Эҳсони чексиз Аллоҳим! Боламни ўлим
қийноғидан узоқ қилдинг. Қиёматгача уни тирик ва
Ўзингга обид айладинг.

Шукр мақомида, ҳамд салтанатидаман. Қалби
Марям валояти Марямнинг йўлбоши бўлиди. Аллоҳ-
га ҳамдлар келтирдим, онам Ҳаннага ташаккур айт-
дим. Онам мени назр этаркан, дунё асирлигидан озод
қилганди.

Исо муждалар билан келди. Кўкларнинг султони,
малакларнинг бош тожи...

ҚУДДУС – АРШ ЭШИГИ

Кўк юзига қарадим. Исо ҳар доим унга боқарди. Ложувард осмон Қуддуснинг мовий кўзлари каби очиқ эди.

Аллоҳим, биламан, Қуддус – эшик. Бу эшикнинг калити Исо. Мана шу эшикдан кетиш бошланади. Исо муждалаган пайғамбар шу ердан Сенга боради. Ўғлим – малаклар оламининг калити.

Исогинамнинг муждаси ҳамиша кулоқларимда:
“Осмон фаришталари яқинлашди”.

Исо ҳар доим улардан хушхабар айтарди. Кўкларга учди. Роббим, менинг ҳам висолим яқинлигини ҳис қиляпман. Қуддуснинг бир маъноси ҳашрдир. Тирилиш шу ердан бошланади. У ҳашрга ўрнак пайғамбар эди. Охиратда иккинчи тирилиш ҳам ота-онасиз бўлади. У ерда ҳаммамиз Одаммиз.

Бир онда бутун халойиқ тупроқдан туғилади. Тупроқ барчамизга кенг бир раҳми мадор бўлади. Бу туғрукнинг оғриғи Қиёмат билан бошланади, Исрофилнинг сури ила ниҳоясига етади.

Аллоҳ таоло ҳар нарсага кодир.
Исонинг отасиз бўлганига ишонмаганлар, албатта, иккинчи тирилишга ҳам ишонмайди. Исо – исми

Қодирнинг акси. Иккинчи тирилиш исми Қодирнинг тажаллисида бутун асмонинг юксак даражадаги инъикоси билан бўлади.

Ҳашр – жалол ва жамолнинг очилиши. У сабабсиз туғилганди. Дунёдан кетиши ҳам ўлим сабабига боғланмади. Туғилиши каби кетиши ҳам изтироб берди. Такдирим Исо қисматли экан.

Исо тарк йўлининг пайғамбари эди. Яратилишида ота сабабини тарк этганди. Тарки дунё қилганди, тарки вужуд айлаганди. Тарк қилганларини ҳам тарк қиларкан, ўлим сирини ҳам тарк этди. Тарки уқбо қилди. У шундай соҳид эдики, дунёда бир дона жуббасидан бошқа ҳеч нарсаси бўлмади. Аллоҳ охиратда боламни соҳидларнинг пешвоси қилади.

Исогинам бақонинг калити эди.

Қуддус – бақо оламининг дунёдаги эшиги. Қуддуснинг ложувард қандилли осмонига яна бир бокдим. Маънавий дунёимнинг бешиги, изтиробларимнинг сабр суянчиғи Қуддус ибодатларим ила барокатланган эди. Ҳозир ҳам кўзёшларим билан қисматига изтироб тушганди. Қалбимни иккига бўлгани учун унга қарши қалбим иккиланиб қолди. Қуддус бундан кейин ҳар бўлаги бир-бири билан жанжал қилувчи уч қисм бўлади. Бир қисми Закариё, бир қисми Яҳё, бир қисми ўғлим ва мен. Ўғлимни ҳимоя қилмаганлар, Яҳёнинг муборак бошини жаллоднинг кўлига топширганлар, Закариёни парча-парча қилганлар Исонинг моҳияти ҳақида учликка эътиқод қилиб, уч пайғамбар устидаги қилмишларининг жавоби учун ғазаби илоҳийдан абадий ҳалокат билан жазоланади.

Яхудийлар Исони ҳар доим ўлдиришни хоҳлашди. Болам туғилмасидан олдин мени ўлдирмоқчи бўлишди. Гўдаклигида уни ўлдиришни кўзлашди. Пайғамбарлиги давомида яна уни ўлдириш пайида бўлишди.



Ўша кун! Қандай унута оламан у оғир кунни? Исо Носирога келганди. Атрофини ўраб олган яхудийлар ундан мўъжиза сўрашди. Ҳамма ўз хоҳишини айтиб бақираётганди. Кимдир: “Бизга бир мўъжиза кўрсатки, пайғамбар эканингга гувоҳлик берайлик”, деса, яна биров: “Илмни қаердан ўрганибди бу?” деб масхара қиларди. Фарисийлар эса “Бу дурадгор Исоми?” деганча кулишарди.

Банда имтиҳон килинувчидир. Банда пайғамбар бўлса, имтиҳони набийликнинг улуғлиги қадар бўларди. Боламга раво кўрилганлар юрагимни эзди, кўзларим ёшланди. Исо виқор билан, Аршни тамсил қилувчи ҳайбати билан уларга шундай деди:

– Бир пайғамбарнинг ўз шаҳрида мўъжиза кўрсатиши тўғри бўлмайди.

Ўтган пайғамбарлардан Ал-Ясъа ва Илёс пайғамбарлардан мисол келтирди. Оломон бақирарди:

– Кафарнаҳумда беморларни тузатибсан, бу ерда ҳам шундай қил!

Аллоҳ хоҳламаса, мўъжиза кўрсата олмасди. Бу ерда мўъжиза кўрсатмаслиги эса халқнинг имтиҳони эди. Оломон яна бақирди:

– Бу сохта пайғамбар. Тошбўрон қиламиз уни!

– Нимага қараб турибсиз: тошбўрон, тошбўрон!

Халойиқ ақлсиз ҳайвонга айланганди. Тўғри Исога ёпирилишди. Уни курсидан олиб, ибодатхонадан ташқарига чиқаришди. Мен ҳам ўтирган жойимдан тушиб, боламга қараб югурдим. Ҳаворийлар атрофини ўраб, жинни бўлган халқдан Исони муҳофаза қилишга уринишарди. Юҳанна тўп-тўп келаётган одамларга қандайдир бир куч билан қарши турар, қилинган селдан Исони кўриқлашга ҳаракат қиларди. Ақлдан озган оломон ва Исо Носиро кўчаларида югурарди. Халқнинг мақсади уни тоққа чиқариш.

Яхудийларга кўра, кишини тоғдан итариб ўлдириш шаръий қатл эди. Язроил тепалигига қараган тоғ чўққисига боришди. Исонинг орқасидан ҳаворийлар билан бирга мен ҳам чошиб борардим. Нафасим тикилиб, мажолим қолмади. Нафас олиш ва юришда қийналаётгандим. Қалбим ундан-да оғир изтироб чангалига тушганди. Боламни бу тоғдан отиб тилка-пора қилишлари ичимни ёқди. Булар пайғамбарларнинг қотиллари эди. Закариёни, Яҳёни шафқатсизларча қатл қилишган.

Дуоларга тутиндим. Аллоҳим, Закариё пайғамбарининг, ўғли Яҳёнинг оқибатидан боламни Ўзинг асра!

Яхудийларнинг ҳаммаси хушидан кетди. Ерга йиқилишди.

Аллоҳим, Ўзинг пайғамбарингни асрадинг!

Уни шу ергача олиб чиққан қўллар тутолмади. Исо, ҳаворийлар ва мен ҳар ерда хушсиз ётган яхудийларни қолдириб, тоғдан тушдик. Яна бир бор англадимки, Роббим Исонинг ўлишига изн бермасди.

МАЛАКЛАРНИНГ БАРАКАТИ

Исонинг ёнида муқарраб фаришталари бор эди. Само аҳли унинг дўстлари бўлганди. Қиёматга яқин такрор дунёга келади. Шу боис охираат оламига юборилмади. Аллоҳ уни малаклар оламида сийлайди.

Малаклар Аллоҳдан Исо билан барокатланишни сўрашганди.

Исогинам – бутун фаришталарнинг барокати. Улар Одам Ато билан учрашган пайт ундан исмларни ва турли илмларни ўрганишган. Исо ҳам Аллоҳнинг калимаси бўлгани учун малаклар у билан ҳам неъматланишни мурод этишган.

Фаришталарнинг ҳам ота-онаси йўқ. Қайси фаришта қайси насабдан келади? Аллоҳ таоло истаганидек яратишга қодир эмасми! Зотан, охираатда қайси отадан, қайси онадан туғиламиз?

У ерда ҳаммамиз аслимизга қайтиб Одам бўламиз. Ҳаммамиз бир онда отасиз, онасиз туғиламиз. Тупроқ барчамизга раҳми мадор бўлади. Қиёмат билан бошланган туғилиш дарди бир онда Исрофилнинг нафаси билан тамомланади. Ҳашрда бутун инсонлар Исодек бўлади.

Аллоҳ таолонинг қудрати етмаган нарса йўқ. Исонинг отасиз бўлганига ишонмаганлар, албатта, иккинчи тирилишда азоб тортади. Исо – исми Қодирнинг акси. Иккинчи тирилиш ҳам исми Қодирнинг тажаллисида бутун асмонинг юксак даражадагинингикоси билан бўлади. Ҳашр – жалол ва жамолнинг очилиши.

У Аллоҳ таолонинг “Бўл!” деган амр билан яратилган Калимуллоҳ эди. Калиманинг туғилишига ота сабаб бўлмади. Дунёда айрилишида эса тупроқ сабаб бўлмади.

Исо – ҳашр дегани, у – бако далили.

Исодан кейин она эканимни янада кўпроқ тушундим. Исони соғинганлар, ҳасратини чекканлар Марям оналари билан тасалли топишарди. Ҳамма мени “Марям она” деркан, мени Исонинг хаёли тортарди.

Ҳасрати яна ичимга хаёл билан кирди. Ўтган кунларга қайтдим.

Исо ҳаворийлар билан суҳбат қилаётганди. Сўрашди:

– Эй Рухуллоҳ, биздан кейин келадиган бир уммат борми?

– Ҳа, сиздан кейин ҳикматли, илмли ва тақводор бир уммат келади. Озгина ризқ билан ҳам Аллоҳ таолодан рози бўладилар. Аллоҳ таоло ҳам оз амаллари сабаб улардан рози бўлади.

Исо Бани Исроилга келгуси пайғамбар ҳақида тўхтовсиз гапирди. Ўзининг сўнгги набий эмаслигини тушунтирди. У тез-тез айтарди:

– Эй Бани Исроил, албатта, мен ўзимдан олдин келган Тавротни тасдиқлаш ва мендан кейин келувчи Аҳмад исми Расулнинг башоратини бериш учун Ал-



лоҳ сизларга юборган Пайғамбарман.¹

Исо ҳар доим мужда берди, умид улашди. Кўзлари самоларда, қалби Аллоҳда экан, дердики:

– Тавба қилинг! Осмон фаришталари яқинлашди!

Ҳаворийлар сўрадилар:

– Эй Исо, ўша келувчи сизми ёки бошқа кишини кутишимиз керакми?

– Бани Исроилда пайғамбарлик тугади. Бундан кейин пайғамбарларнинг энг охиргиси бўлиб араб, ўқиш-ёзишни билмайдиган Аҳмад келади. У Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли Исмоилнинг наслидан.

Исогинам сўнгги пайғамбарнинг башоратчиси эди.

Эслаш энг буюк неъмат экан. Хотираларнинг кўлларидан тутиб боряпман. Болам Қуддусда, масжидда эди. Атрофи тумонат одам. Бир аёлни мажбурлаб олиб келишди. Роса калтакланганди. Дир-дир қалтирайди. Оломон нималардир деб бақирар, тинимсиз сўкинарди. Исога гапиришди:

– Бу аёл зинокор. Мусо шариатига кўра жазо берилсин!

Унинг тошбўрон қилинишини хоҳлашди. Бу жазо неча йиллардан бери амалда эмасди. Римликларга эргашиб Бани Исроил бу каби гуноҳларга ботиб кетганди. Фақат Исони оғир вазиятга тушириш учун шундай қилишди.

Исо қарши чиқди. Гуноҳкор кимсалар бошқа бировларга ҳукм ўқишидан ғазабланди. Улар томонга қарамай деди:

– Орангизда гуноҳ қилмаган киши бу аёлни тош-

¹Соф сураси, 6-оят.



бўрон қилсин.

Атроф бирдан тиниб қолди. Бақирганлар жим бўлди. Ҳамма қочиб қолди. Оломон тарқади. Ҳеч ким қолмади.

Исо уларга дарс бериб қўйди. Уятдан қалтираб турган аёлга:

– Сени олиб келганлар қани? Ораларида сенга жазо берганлар борми?

– Йўқ, жанобимиз.

– Мен ҳам жазо бермайман. Энди уйингга бор, бошқа гуноҳ қилма.

Иффат қаҳрамони бўлган ўғлим назар қилган бутун иффатсизлар иффат тимсолига айланарди. Бу Исонинг мўъжизаси эди.

Хаёл маркабимда ёнимга маждаллик Марям келди. Ўтирди. Ойдек порлоқ юзини менга бурди. Катта қора кўзлари билан қаради. Исони ўйлаётганимни биларди. Унинг ҳам бошқа ўйи йўқ.

– Марям она, – деди, унинг ичи титраётганди, – бир кун жанобимиз синглим Лазарнинг уйига келди. Мен ва яна бир синглим Марта Лазарнинг уйига чопдик. Марта овқатга уннади. Мен жанобимизни тинглаш учун ўтирдим. Марта:

– Марям, Марям, – деб чақирарди. Мен тургим келмасди. Кейин ўзи келди. Жанобимизга дедики:

– Хўп десангиз, Марям менга қарашса. Ишларни бир ўзим қиляпман.

Марта у кишига яхши дастурхон ёзмоқчи эди. Жанобимиз унга:

– Марта, зарурроқ бўлган бир нарса бор. Марям тўғри қилди, – деди.

Маждаллик Марям эҳтиром билан кўлимдан ушлади:

– Марям она, – деди юзимдан Исони қидириб,

– жанобимиз, яҳудий олимлари бир аёлга Тавротни ўргатмаса, уни ёққан яхшироқ, дея бизга китобни ўргатарди.

Икковимиз ҳам йиғладик. Маждаллик Марямга дедим:

– Исо дунёпараст бўлмаган. Унга бир коса овқат ҳам кўп эди. Мартага буни уқтириб қўйибди. Ваъзларида айтарди: «Тугунларингизга олтин, кумуш ёки мис тўлдирманг. Йўл учун озиқ ғамламанг. Икки қўлагингиз, биттадан кўп поябзалингиз ва хипчинингиз бўлмасин».

ЗОҲИДИ ЯГОНАМ

Исо яна кўнглимга тушди. У сочларини ўсти-
рар, кенг елкаларининг орасига ташларди.
Эгнига жун кўйлак, оёғига дарахт пўстлоғидан тай-
ёрланган сандал¹ кияр, кўп вақт ялангоёқ юрарди.
Кечалари қоладиган уйи йўқ эди. Унинг кундалик
ашёлари ҳам бўлмаган. Уйланмади. Бир кунлик егу-
ликдан бошқа нарсасини тополмасдингиз. Эрта учун
ҳеч нарса кўймасди. Арпа нон ерди.

Болагинам кўкка учганида ортида битта жубба,
бир дона маҳси қолди. Исода дунё матоҳи бўлмагани
учунми, уни дунё ушлаб қололмади, самога кўчди.
Дунё уни ўзига тортолмади. Сув узра юрарди. Бир
куни ҳаворийлари сўради:

- Сув устида қандай юра оласиз?
- Яқийн ила.
- Биз ҳам яқийн соҳибимиз.
- Сиз учун тош, лой ва олтин баробарми?
- Йўқ.
- Булар мен учун бир хил.

Ҳаворийлар яна бир гал Исони қидириб юриш-
ганда уни сув узра кетаётганини кўришди. Ҳаворий-

¹ Кавушнинг бир тури, пошнаси энгил оёқ кийим.

лардан бири:

– Эй Аллоҳнинг Пайғамбари! Биз ҳам ёнингизга юриб бораёликми? – деди.

– Майли.

Ҳаворий сувга оёқ кўйганди чўка бошлади. Исо унга кўлини узатди:

– Кўлингни бер, эй чала иймонли! Агар одамзотнинг заррача яқийни бўлса, сув устида юрарди.

Ерга михланишимиз иймонимиз чала бўлгани учунми? Шунинг учунми кўкда учиб, сувда юролмаслигимиз? Инсон тупрокқа меҳр кўйгани учун бўлса керак, тупрокдан бошқа бир ерни макон қилолмайди. Тупрокқа муҳаббатимиз сабаб охирда тупрокқа кўмилсак керак.

Исо ҳар доим дунёдан юзини бурди. Мен дунёга ҳеч юз бурмадим ва унинг юзини ҳам дунёга бермадим. Боланинг дунёқараши онанинг дунёқарашидан. Бола онадан феъл олади.

Исо ҳар доим ер юзини кезиб, Аллоҳ таоло юборган диндан хабар берди. Қаерда куёш ботса, ўша ерда тўхтаб намоз ўқир, ибодат билан тонг оттирарди. Кечаларини намоз, кундузларини рўза билан ўтказарди. Ҳаворийларга тез-тез:

– Эй ҳаворийлар жамоаси! Масжидларни маскан қилинг! Уйлариңизни карвонсарой деб билингки, дунёдан саломат чиқасиз!

Ўзи дунёдан саломат чиқиб, кўкларга кетди. У менинг зоҳиди яғонам эди. Онанинг тақвоси болада акс этади. Мен ҳаётимда дунёвийликка яқин ҳам келмадим. Дунё менга теголмади, этакларимдан ушлолмади. Зухдимнинг аксини Исода кўрдим.

Исо зоҳидларнинг сардори бўлди...



Яна Исосиз бир кун ўтди. Ичимда бутун оналарнинг хасрати йиғлайди. Кўзёшларим еру кўк орасида тўлиб-тошяпти. Кўзим осмонда, қалбим у ёқларда.

Дунё – борлигимнинг қабри.

Исогинам дунёнинг оқшоми – охирги замонда қайта келади. Охирзамон мўминлари Марям қисматли бўлади. Улар ҳам мендек интизор яшайдилар. Кўзлари кўкда қолади. Куфрнинг қоронғилигини кетказувчи Исо Масих ва Маҳдийни кутадилар. Раҳмат булутларини кутгандек турадилар.

Исо – умид, охирзамонда барча мўмин Марям бўлади.

Ўғлим замоннинг охирини такрор-такрор уқтирганди. Ўша якунга Исогинам ярашади. Кишилар дунёга югурган пайтда дунёдан бутунлай қочган зоҳидлар раиси Исо ва Исо кабилар қутқарувчи бўлади.

Кечаларини ибодат, кундузларини рўза билан ўтказган, зарра қадар дунёвийликка берилмаган зоҳидлар бошлиғи Исо узоқларга боқиб худди кўриб тургандек замон охирини англатарди:

– Қиёматга яқин дунёдан қўл тортишни истаган, аммо торта олмаган; охиратни соғингандек кўринган, лекин соғинмаган; бошқаларни давлат эшикларига боришни ман қилган, бироқ ўзлари ўша эшиклардан айрилмаган; бойларга яқинлашиб, фақирлардан узоқлашган; қўлларини зодагонларга узатиб, камбағаллардан тортиб олган олимлар келадики, ана ўшалар шайтоннинг биродарлари, Раҳмоннинг душманларидир.

ОНАНИНГ КЎЗЁШЛАРИ

Замон – изтиробнинг малҳами, сабр бандалик-нинг камолотидир. Исосиз ўн беш йил ўтди. Унинг туғилиши ҳам, айрилиши ҳам йиғлатди.

Ўн беш йил уч пайғамбар учун кўзёшларим окди: Закариё, Яхё ва Исо. Қалбим уч парча бўлди.

Дунё ғурбати яхшигина оғирлашди.

Ҳаётим маҳзунлик булоғи, изтироб боғи, мусибат тегирмонининг тоши бўлди. Биладан, комил инсон бўлиш учун имтиҳонлардан ўтиш керак. Камолотга эришиш қалбдаги ёнғин билан бўлади. Қулликда одимлаган инсонда намли кўз, маҳзун юрак бўлади. Роббини севган кишида дунёдан аразлаган, хуркак қалб бўлади. Роббим, биладан, Сенга бориш учун банда турфа балоларга мубтало бўлади. Рухим дунёдан кетишга шайланди. Мен Исо билан тирик эканман. Исо билан эгизак руҳ каби эдик. Унинг асрори битгач, менинг ҳам асрорим битди.

Ўн беш йил ҳасрат билан қоврилган она юраги...

Рухим фироқ ичида дуога тушди:

– Аллоҳим, дунё ҳасрати битсин. Дунё фурқати хатмлансин. Ҳис қиляпманки, умрим куёши ботиш арафасида. Ё Рабб! Бу ишни осон айла! Биладан,

бошдан ўтганларнинг бари бандалик асрори ичида.
Бандалик – асрори ишқнинг қўлларидан тутиб,
қалби ишқ билан саждаи қалб айлашдир.

Йиғлаяпман...

Она ич-ичидан йиғлайди. Ҳар онимга кўзёши томяпти. Ҳасратим намчил. Биламан, калима эди у. Борликни йўқликнинг қўлларидан олган калом эди. Гўзал калималар Унга юксалади. Исо ҳам Унга юксалди.

Энг гўзал қудратнинг калимаси эди у. Пуфлади, кўзлар очилди, дармонсиз дардлар тузалди, ўликлар тирилди.

У Роббимиз амру иродасининг калимаси эди. Аршнинг... Аллоҳнинг... Тавҳиднинг...

У онаси Марямнинг яккаю ягона калимаси эди...

Йиғладим... Йиғладим...

ЭЙ ИНСОНЛАР!

Исо бир дарахт остига ўтириб, унинг танасига суяниб олганди. Ҳаворийлар атрофида. Уларга сабоқ берарди. Бирдан шундай деди:

– Биродарлар, танланиш азалдан буюк бир асрордир. Сизга айтадиган ҳақиқатимни фақат бир инсонгина аниқ билади. Жамики одамзот умид билан кутаётган бу кишига илоҳий сирлар аён бўлади.

Келганида унга кулоқ тутадиган инсонлар нақадар бахтиёр инсонлардир. Мана шу дарахт сизни соялантирганидек Аллоҳ таоло ҳам уларни Қиёмат куни сояга олади. Мана шу дарахт сизни куёшдан сақлагани каби Унинг раҳмати ҳам инсонларни шайтондан қўриқлайди. У раҳмат тўла оппоқ булут кабидир. У Аллоҳ таолонинг мўминларга ёмғир каби ёғувчи раҳматидир.

Ўлимга яқинлашганимни ҳис қилдим. Ўлим ҳаёт боғининг энг гўзал чечагидир. Бу чечакнинг очилиши дунёда қандай яшаганимизга боғлиқ.

Исо келишидан аввал тушганим раббоний йўлда Исодан кейин ҳам давом этдим. Исодан кейин бу йўлда бир ўзгариш бўлди: даъват. Аллоҳни англаиш, ҳаммага илоҳий амрларни етказиш. Баъзан яқинлар,

чарчаб қолдинг, дейишарди. Уларга:

– Бу ерга дам олиш учун келмадик. Хордик хузури илоҳийда бўлади. У ерда рух Аллоҳ таолонинг жамолини кўриб, тин олади. Рух чарчамайди, бадан чарчайди. Роббимни англатар эканман, нима учун чарчай?! Рух Роббисининг хузуридан айрилса, чарчайди.

Қалбим ўлим гулининг чиройини, рухим ҳам ифориини ҳис қиляпти.

Исогинамнинг ўғитлари ҳар доим зехнимда туради:

– Эй инсонлар! Энг кўп ўйлайдиганингиз, энг кўп кадрлайдиганингиз Роббимнинг буйруқ ва қайтариқлари бўлсин! Уларга амал қилинг!

Охират учун Унинг ризосини озуқа қилинг.

Нафл ибодатлар билан Унга яқинлашингки, сизни севсин.

Роббимиздан бошқасига қайтманг.

Балоларга сабр қилинг.

Тақдирга рози бўлинг.

Унинг розилиги итоатингизга боғлиқ.

Унга яқийн бўлинг!

Зикрини тилингизга доим айланг.

Муҳаббати қалбингизда мустаҳкам бўлсин.

Юрагингиз Унинг кўркувидан титраб турсин.

Унинг розилигини топиш учун кечаларни ғанимат билинг, ухламанг.

Дунёдан ва дунё аҳлидан узоқ туринг.

Дунё лаззатларини дунёни севганларга беринг.

Ширин сўз, очик юз билан салом берувчи бўлинг.

Ҳамма ғафлатда экан, сергак бўлинг.

Ғофиллар куларкан, кўзингизга маҳзунлик мили билан сурма тортинг.

Дунёдан мақсадингиз охиратни қозониш бўлсин.

Дунёдан зарурича фойдаланинг.



Амалларингиздан сўралишингизни унутманг.
Аллоҳ таоло осмонлар-у ерни яратганда Ўзига ибодат қилиб, менга ва онамга эҳтиром кўрсатганларни менга кўшни, биродар этишини, менга бўлган яхшилик ва эҳсонга уларни ҳам шерик айлашини билдирди. Мени ва онамни “илоҳ” қилиб олганларни эса жаҳаннамнинг тубида азобланишларини муносиб кўрди.

Динини бандаси Муҳаммад алайҳиссаломнинг кўлида кувватлантиришни ва у билан пайғамбарлик батамом бўлишини ирода қилди. У Маккада туғилади, Мадинага ҳижрат қилади ва Шомнинг соҳиби бўлади.

У ҳалим табиатлидир. Кўчаларда шовқин қилмайди. Кийинишда, жим туришда, суҳбатлашишда – ҳар ишда, ҳар нарсада яратилганларнинг энг яхшисидир.

Қалбим Исонинг ҳаворийларга етказганларига “Иймон келтирдим!” дерди. Рухим ўша улуғ пайғамбарни кута бошлади...

БАШОРАТ

У келяпти...
Окшом...

Умрим окшомига етди. Умидим Исонинг муждасида. У башорат берган зот келади. Унинг нафаси тегмаса, Қуддус тузалмайди, толеи кулмайди.

Бутун пайғамбарларни бу ерда жам айлаш учун, номимни оклаш учун, одамларга Исонинг қаерда эканини айтиш учун у келади.

Исонинг таълимотини яқунлаш учун у келади... Қалбим худди Исодек келувчининг дуосига тугилган. Уфқда кўринадигандек яқин ҳис қиляпман, унинг хаёли билан хотиржамман.

Борлигининг нури устимга тушди.

Унинг мурувватига бош урдим. Ёлғиз ва ғарибона кунларимда Исо билан бирга тасалли бўлдилар.

Ҳаётимнинг ўлим асрорига яқин эканини ҳис қиляпман. Ичим башоратда, қалбим дуода. Ҳар нарса айрилиқдан сўз очади. Висол эса ичимдаги ҳаяжон.

Қуддус – фирок каломи.

Окшом...

Марям ўғли Исо бўлиш вақти. Банда бўлиб,



саждага бориб, кўкларга учиш они. “Аласту...” даги¹ саждани хотирлаб, кунни Унинг остонасида битказиш замони.

Оқшом...

Қуёш бошини саждага қўйди. Бутун олам саждага кетди. Коинот саждада жам бўлди.

Оқшом...

Марям ўғли Исо бўлиш вақти. Хиёнатчи нафсдан кутулиб, қалбни самоларга учириш фурсати.

Оқшом...

Кўзларимда келгуси Нурнинг ойдинлиги. Бутун олам каби қалбим маҳзун ва кутиш билан банд. Борлик унинг дуосида.

У келяпти!

У келяпти!

Оқшом... Исонинг башорати кулоқларимда:

– Мен кетяпман, у келсин!

Фориқлит келсин! Фориқлит келсин!

Ахяд келсин! Ахяд келсин!

¹ Аъроф сурасининг 172-оятига ишора.



**“iBook” ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ЧОП ҚИЛИНГАН
КИТОБЛАР:**

Мурат Тосун «ОЛИМ ЕТИШТИРГАН ОНАЛАР» 2021, 151 бет.

Франс Кафка «ЛАБИРИНТ» 2021, 153 бет.

Адам Узкуса «ЖАННАТГА ТАКЛИФНОМА» 2022, 120 бет.

Филип Котлер, Ҳермаван Картажая, Иван Сетиаван
«МАРКЕТИНГ» 2022, 207 бет.

Баҳодир Янгишаҳарликўғли «ҲАННА» 2022, 350 бет.

Пауло Коело «КАМОН ЙЎЛИ» 2022, 155 бет.

Сезаи Каракоч «ТИРИЛИШ» 2022, 93 бет

НУРИЯ ЧЕЛЕЕН

ҚАЛБ ИФФАТИ

Таржимон

Ўткирбек Муҳаммадсобир

Лойиҳа раҳбари	Амирхон Валижонов
Масъул муҳаррир	Муқаддас Тожибоева
Муҳаррир	Райҳона Қодирова
Мусаххих	Маҳлиё Мирсади кизи
Саҳифаловчи	Қодирова Гуласал
Дизайнерлар	Жасурбек Ҳасанов
	Диёра Зарипова
	Қурбонмурод Бекпўлатов

Нашриёт лицензияси:

№ 2551. 07.04.2022 йилда берилган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
Чилонзор 11, 2-уй .

22.04.2022 йилда босишга рухсат этилди.

Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆ «Times New Roman» гарнитураси.

Шартли босма табағи 15,0. Адади 5000.

Буюртма рақами № 35. Баҳоси шартнома асосида.

ООО "IDEAL POLIGRAF" да чоп этилди.

Манзил: Янги Ҳаёт тумани, Чоштепа кўчаси, 27-уй

ҚАЛБ ИФФАТИ

НУРИЯ ЧЕЛЕЕН

Ифбат барча аъзолар учун лозим ва ҳар бир аъзонинг иффати бор. Тилнинг иффати беҳуда сўзламаслик бўлса, кўзнинг иффати уни ҳаромдан тийиш бўлади. Аммо банда учун аввало қалбнинг иффати лозим. Қалбга Аллоҳдан бошқаси ҳалол эмас. Қалб иффатга эришсагина, Ҳаққа томон юради. Ифбат шундай ажиб бир туйғуки, туғилажак боланинг иффати онанинг иффати қадар бўлади.

Ушбу китобдан ҳам тарих – ўтмиш ҳақида, ҳам одоби қалб ҳақида сабоқ оламиз. Аввалида туғилажак фарзанди учун ифбат сўраб дуода бўлган Ҳанна онамиз ҳақларида, Марям онамизга ғамхурлик қилишни бўйнига олган Ийша ва Закариё пайғамбар ҳақларида, қалб кўзи кўрларнинг бўҳтонлари деб Марям онамизнинг, уларнинг Аллоҳга махбуб бандалар бўлишларига қарамай, дунё ҳаётида учраган синовлари ҳақида маълумотга эга бўламиз.

Аллоҳга назр қилинган Марям онамизнинг ўй-хаёллари, уларнинг ифбат борасида суҳбатлари ҳақида ўқир эканмиз, беихтиёр биз ҳам ўзимизни ислоҳ қилиш учун нафсимизни сўроққа тутишни бошлаймиз.

Бу китобни ўқиш жараёнида, инсон қалбига боқади, фитрати билан, иффати билан суҳбат қуради.

iBook



ISBN 978-9943-8217-2-9



9 789943 821729